

Комил Аваз
Komil Avaz

О Л И С
О Х А Н Г Л А Р

Distant sounds and melodies



Комил Аваз
Komil Avaz

ОЛИС ОҶАНГЛАР

DISTANT SOUNDS
AND MELODIES



КОМИЛ АВАЗ
Komil Avaz

ОЛИС ОҶАНГЛАР

Бадиа

Distant sounds and melodies

Essay

Тошкент — 1997

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Tashkent — 1997

Gafur Gulam Literature and Art Publishing House

*Хиванинг 2500 йиллигига
бағишланади.*

Аваз, Комил.
Олис оҳанглар.— Т.: Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.— 208 б.

Тит. в. ва текст узб., ингла. тилларида.

Ўзбек халқ классик музыкаси тарихи минг-минг йилларни ўз ичига олади. Боболаримиз ўз туйғу-кечинмаларини, тўй-тантаналарини, музаффар юришларини куйларда ифодалаганлар, уларга шеърлар боғлаганлар. Айни пайтда ушбу куйлар йўқолиб ёки бузилиб кетмаслиги учун уни ёзма шаклда муҳрлашга — ноталаштиришга ҳаракат қилганлар.

Ушбу рисолада шоир, драматург Комил Аваз Хоразм "Танбур чизиги" нотасининг тарихи, уни ўқиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, бу ишдаги заҳматларни батафсил ёритар экан, халқимизнинг жаҳон маданиятига қўшиб келган, не-не жанг-жадаллар, қиргину қатагонлардан омон қолган бебаҳо мулки ишончли қўлларда эканлигига амин бўласиз.

Рисола инглизча таржимада ҳам берилмоқда. Зеро, ўзбек халқининг тарихи, маданияти қадим-қадимдан аҳли дунёни, жумладан, Оврупони қизиқтириб, ўзига жалб этиб келган. Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Синодан тортиб Комил Хоразмийларгача бўлган мусиқий меросимиз бугунги кунда ҳам эъзозу ардоқдадир.

ББК 85.31 (5У)

А $\frac{4905000000 - 15}{М 352 (04) - 97}$ қатъий буюртма 97

© Комил Аваз, 1997 й.

ISBN № 5-635-01602-2

СЎЗБОШИ

Ҳукуматимизнинг "Маънавият ва маърифатни қўллаб қувватлаш, ривожлантириш тўғрисида"ги қарорида ёш авлодни тарихий қадриятларимизга муҳаббат, маданий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган.

Қўлингиздаги китоб ҳам ана шундай маданий ва маънавий бойликларимизни ўрганиш, уни чуқурроқ тадқиқ қилиш ва амалиётга тадбиқ этиш йўлидаги куюнчаклик ва ҳақиқий ватанпарварлик руҳида ёзилган.

Мақом ва макон тафаккури қадим замонлардан олиму фузало аҳлини банд қилиб, фикру ўйларини жалб этган жумбоқдир. Бу ҳақда қанчадан-қанча китоблар ва рисола-лар битилмаган дейсиз.

Истеъдодли шоир, драматург, Хоразм тарихи ва мусиқасининг билимдони ва ниҳоят шу йўлдаги кўпгина эзгу ишларнинг ҳомийси ва ҳожатбароры Комил Аваз қаламига мансуб "Олис оҳанглар" деб номланган мазкур китобни илмий изланишга дебоча, илмий-оммабоп асар деб аташ, шартли равишда, тўғри бўлар. Зеро муаллифнинг ўзи бундай даъвога талабгор эмас. Китоб асосан аниқ тарихий маълумотларга, манбаларга суянган, хотиралардан унумли фойдаланилган ва кези келганда тарихий ҳақиқатга зид келмаган ҳолда бадий мушоҳадаларга ҳам эрк берилган лавҳалар билан бойитилган. Айниқса, унинг мақомларнинг пайдо бўлишига доир диний ва дунёвий далил ва афсона-ларга мурожаат қилиши, баъзи атама ва муаммолар ечимини ўқувчилар фикрига ҳавола этиши китобнинг илмийликка қараганда ҳам кўпроқ оммабоп бўлишини таъминлаган. Бунда, эҳтимол, баъзида далил, маълумот ва манбалардан тўлиқ, етарлича фойдаланилмаганлигига дуч

келиб қоларсиз. Лекин буларнинг ҳеч бири сизни ажаблан-тирмаслигига ишонасиз, чунки Комил Аваз, биринчидан, муסיқашунос олим эмас, у иктисод фанлари номзоди, шу боисдан, ўзига хос очилмаган кўриқни очиб, уни амалиётга тадбиқ этишда жонбозлик кўрсатаётган истегдодли танбурчи Озод Бобоназаровнинг илмий ва амалий изланишларини унинг ўзи билан бевосита жонли мулоқот ҳамда тортишувлар орқали қоғозга туширувчи қалам соҳибидир. Иккинчидан эса, халқ тарихига, айниқса, муסיқий маданиятимизга муҳаббат қўйган, кўпчилик олимларимиз ҳавас қилса арзигулик фазилат эгасидир.

Китобда келтирилган Хоразм муסיқаси ва мақомларига оид маълумотларга қўшимча равишда шуни айтиш мумкинки, Геродотдан тортиб, "Авесто", Сиёвуш ҳақидаги афсоналар, Қўйқирилганқалъа топилдиқлари, тангалар ва лаганлардаги тасвирлар, мусулмончиликдан олдинги Ота сифиниш (Ҳазорасп афсонасининг келиб чиқиши), бунинг натижасида дутор ва доира усулларида От туёғи, дупурларининг акс этиши, кейинчалик "Алпомиш", "Меърожнома", "Алиқамбар", "Гўрўғли" каби дoston ва дostonсифат нома-ларда Бойчибор, Буроқ, Дулдул, Фиротдек афсонвий отларнинг таърифланиши, ўша даврлардаёқ "Суворий", "Ракъб" (арабча отлиқ, чавандоз) туркимидаги ашула йўлларининг келиб чиқишига замин яратган. Айниқса Ҳайдар Хоразмийнинг шеър ва ғазалларида, Хоразмийнинг "Муҳаббатнома" сида 12 мақом номларининг акс этиши, ҳазрат Навоийнинг "Сабъайи сайёр" дostonидаги еттинчи, хоразмлик муסיқашунос тилидан айтилган "илми адвор" таърифи, Муҳаммаднийез Нишотийнинг "Ҳусни дил" дostonидаги ўша даврда Хоразмда мавжуд муסיқа чолғулари ҳақидаги шеърый тил билан ифодаланган маълумотлар бу ўлкада 12 мақом негизлари қадимдан мавжуд бўлганлигига шубҳа қолдирмайди.

Хоразм муסיқий тарихининг иккинчи босқичи ҳисобланган Муҳаммад Раҳимхон Аввал (1806 — 1825) замонидан кейинги 60 йил Хоразмда шеърят ва санойи нафисанинг ривожланган даври ҳисобланади. Бу вақтда машҳур танбурчи, Бухоро ва Хоразм мақомларининг билимдони Ниёзжонхўжа, унинг шогирдлари Махдумжон қози, уста Муҳаммадхон сандиқчи ва унинг қўли остида етишган Абдусаттор маҳрам Хўжаш маҳрам ўғли, унинг шогирди уста Худойберган этукчи, Солиҳбек, Мўминбек ва Паҳлавон Ниёз Мирзабоши Комил каби созандалар етишиб чиқади. Улар-

нинг таърифи на фақат Хоразм, балки Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигига ҳам етиб боради. Бунинг натижасида "Қўқон хони Муҳаммад Умархон (1809 — 1822) сарой созандаларига мақом ўргатиш учун Хивадан Худойберган устодни олдириди. Кейинчалик хон бўлмиш Муҳаммад Алихон эса, Худойберди устодни маслаҳатига кўра Солиҳбек ва Мўминбекларни олдириди"¹,— деб ёзади профессор М. Раҳмонов. Шунингдек, бу даврларда хонлик қилган Абдуллахон (1854) танбур ва ғижжак чалишни хуш кўрган. Сайид Муҳаммадхон (1855 — 1864) дутор ва ғижжак чалишни билган, созанда ва муסיқашунослардан иборат базму мажлислар тузган. Бу даврга келиб адабий ҳаракатнинг юқори чўққига кўтарилишида, оғзаки ижоддаги профессионал муסיқий меросни юксак савиядаги ижроси ҳамда келгуси авлодларга етказиш учун Комил Хоразмий томонидан "Хоразм танбур чизиги" шаклида қоғозга туширилишида Феруз тахаллуси билан ғазаллар битган Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг (1864 — 1910) роли беқиёсдир. У саройга 40 қа яқин шоир билан биргаликда 16 мақомчини йиғиб, юксак ижрочилик даражасигача тарбиялайди. Китоб муаллифи таъкидлаганидек, унинг Собир калот, Худак ота — Худойберган Қурбон ўғли, Бобо буломончи каби созандаларга берган сабоқлари, сарой созандаси Сайид Файзибой билан мақом чолғу йўли пардаси устида тортишиб, созандалар гувоҳлигида Феруз ҳақ бўлиб чиққанидан кейин Сайид Файзибойни Янгиариққа кўчириб юбориши ҳақидаги ривоятлар созандаларни тарбиялашда Феруз ўта талабчан бўлганлигидан далолат беради. Бу талабчанликнинг натижаси ўлароқ "Хоразм танбур чизиги" ихтиро қилинади ва олти ярим мақом оҳанглари қоғозга кўчирилади.

Бу "нота чизиги" билан Шўролар даврида бир неча олимлар қизиққанлар ва унинг устида изланиш олиб борганлар. Шу жумладан, В. Успенский, В. Беляев, Илёс Акбаров, Мухтор Ашрафий ва бошқалар. В. Успенский 1924 йили А. Фитратнинг таклифи билан Бухоро шашмақомини Ота Ғиёс ва Ота Жалол Носировлардан ёзиб олган пайтида баъзи эсдан чиққан хона ва авжларини "Хоразм танбур чизиги"дан олиб тўлдиради², лекин юқорида номлари кел-

¹ М. Раҳмонов. "История узбекского театра", Тошкент, "Фан" нашриёти, 1968 й., 44 — 45-бетлар.

² "Шашмақом". под.ред. Фитрата и Н. Н. Миронова, изд. народного назората Просвещения Бухарреспублики, 1924 й. "Сақили наво", 9-бет; 4-қатор. "Дугоҳ" мақомидаги "Сақили Ашқуло" (тўлиқ кўчирилган), 9-бет.

тирилган олимларнинг "Танбур чизиги"га ёндошуви назарий бўлиб, амалий садоланиши, ижро талқини, замонга хос суръати, усул бирликлари, ритм туроқлари ва бошқа кўпгина жиҳатлари ўз амалий ечимини топмаган.

Озод Бобоназаров изланишлари эса, "Танбур чизиги"ни замонавий нотага ағдариш билан биргаликда уни амалда, ансамбл билан ижро қилиб кўриш ва энг асосийси, бу олим Хоразм фарзанди эканлиги, ана шу мақомларга қулоқ қондиллиги сабабли ҳам танбур чизигидаги мақомларни амалиётга тадбиқ этиш Хоразм вилояти раҳбарияти ва Комил акага ўхшаган жонкуяр ҳомий ва раҳнамолари борлигидан ўз ечимини топмоқда.

Ушбу сатрлар муаллифи ҳам 1975 — 1990 йиллар орасида Озод ака Бобоназаровнинг ижодий изланишларидан хабардор эди. Бот-бот унинг ўзи билан муסיқий муаммолар, атамалар ва баъзи ечимини топмаган масалалар устида қаттиқ тортишувлар бўлган ва бу изланишлар қачон бўлмасин ўз самарасини беришига ишончимиз комил эди.

Ёзувчилар, муסיқашунослар, тарихчилар ва айниқса кўҳна ва ҳамиша навқирон, ўзининг 2500 йиллик тўйини нишонлаётган Хива ва Хоразм фарзандлари ушбу китоб ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, ундаги ёритилган масалаларни яна ҳам ойдинлашувига сидқидилдан ёрдам берадилар деган умидамиз.

БОТИР МАТЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги фан, ўқув юртлари бошқармасининг бошлиғи, муסיқашунос.

ИБТИДО БАҲСИ

Олис оҳанглар хусусида ёзмоқ боисидан қўлга қалам олишга олдим, қалам бир нафас ҳавода муаллақ қолди. Во ажабо, шу нафасда оҳанглар жарангиданми ёхуд аларнинг турфа тилсимлигиданми, юрагим ҳаяжондан ҳаприқиб кетди. Қаламни жойига қўйдим.

Озод Бобоназаров кайфиятимдаги ҳайратни сездими, ҳаяжонимни туйдими, бошини қуйи эгиб жим қолди. Анча сукут сақлаб ўлтирдик ва ниҳоят:

— Озоджон, ўтганлар руҳига тиловат қилинг, — дедим.

У ҳам шуни кутиб турган эканми:

— Аъзубиллоҳир минаш шайтони рожим, бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм....

Тиловат тугади, оҳанги анча вақтгача уй ичида айланиб юрди. Оятларда не сир борки, мозийга судрайди. Ҳофизаси кучли қорилар Қуръон тиловат қилганларида оятларнинг шукуҳи бутун вужудингни қамраб, хаёлларингни олис-олисларга судраб кетади. Ҳофизанинг қуввати оятлар маҳобатини нечоғли юксак этса, қўшиқчиликда ҳам шунчалик баланд этади. Эски вақтларда одамлар ашулачидан бирор қўшиқни ижро этишни сўрашганда, "ўқинг" деб илтимос қилар эди. Демак, хониш қилиш, куйга солиб ўқиш, эшитувчиларни ром қилиш ибтидо маҳсули эмасми-кан? Ҳамма ашулачиларга ҳам ҳофиз дейилавермасликда ажиб бир маъно йўқмикан? Мумтоз қўшиқларни, мақом йўллариини моҳирона ижро этган ашулачиларни ҳофиз дея улуғлаш мақомларга бўлган ҳурмат ва эҳтиромнинг инъи-косидир.

Хўш, мақом ижрочиларини қандай аташни билдик, бироқ бу мақом қачон ва қаердапайдо бўлган ўзи?

Ана бу саволга шу бугунгача аниқ жавоб тополмай келмоқдамиз. Ҳамма айтади:

— Мақомларми? Жуда қадим замонлардан маълум.

— Хўш, ўша қадим замон деганингиз қайси даврларга тўғри келади?

Муסיқа билимдонлари жавоб тополмай сукут сақлайдилар...

"Мақом" сўзи арабча турар жой, истиқомат маъноларини билдиради. Бундан чиқди, бизда мақомлар араблар истилосидан кейин вужудга келдимми?

— Йўқ, — дейдилар яна муסיқа билимдонлари, — аввал ҳам бор эди.

— Оташпарастлар қандай куйлаганлар? Ахир "Авесто"нинг оятлари-гахталар бўлса, унинг устига форсий истъёмолда "Якгоҳ", "Дугоҳ", "Сегоҳ", "Чоргоҳ", "Панжгоҳ"лар "Авесто"нинг гахталарига ишора эмасмикан?

— Бу ҳақда ўйлаб кўриш керак, — дейишади.

— Майли ўйлангиз, ахир дунё илми ўй билан мавжуддир.

Демак, мақом — чертим ва айтим оҳанглари жойлашадиган, истиқомат қиладиган пардалардир. Шунинг учун ҳам муסיқа асбобларини созлашда Рост сози, Наво сози, Бузрук сози иборалари мавжуд.

"Айниқса танбурда у сезиларли бўлиб, ҳатто унинг пардалари ҳам юқори ёки пастга сурилиб, куйларнинг ладига мослаштирилади".¹

Озоджон билан баъзан қизишиб қоламиз:

— Хўш, "лад" нима?

— "Лад"ми? "Лад" — парда, мақом маълум поғоналарининг йиғиндиси.

— Тўхтанг, Озоджон, тўхтанг. "Лад" деганингиз парда бўладиган бўлса, нега пардалар куйларнинг ладига мослаштирилиши керак?

— Вой-бўй, неча марта такрорлаш лозим, ҳозирги замон муסיқа назариясида мақом — парда, "лад"ни билдиради. Шунинг учун ҳам шарқнинг баъзи муסיқа олимлари Ушшоқни энг қадимги, яъни биринчи мақом-биринчи лад деб тахмин қиладилар.

Суҳбатимиз асносида балки бу атамаларга, уларнинг ижро услубларига ҳамин қадар тушинармиз, аммо мени мақомлар билан боғлиқ бўлган бошқа тафсилотлар бундан кўра кўпроқ ўйлатиб қўяди. Деярли ҳамма муסיқашунос олимлар мақомлар араблар истилосига қадар

¹ И. Ражабов. "Мақомлар масаласига доир", Тошкент, Ўзбекистон бадиий адабиёт нашриёти, 1963 й. 40-бет.

ҳам бошқа ном билан аталганига шак келтирмайдилару лекин шу истило даврида Ўрта Осиё халқлари маданий мулклари қатори муסיқага оид трихий манбалар ҳам ислом дини руҳига тўғри келмайди деган баҳоналар билан йўқотилиб юборилган дейишади. Бироқ бунинг аксини ифодаладиган баъзи ривоятлар ҳам йўқ эмас.

Ровийлар Хоразмнинг фарзанди Ал-Хоразмийга нисбат бериб, шундай ҳикоя қиладилар.

РИВОЯТ

Ал-Хоразмий Боғдодга келгач, шаҳарнинг таниқли олиму фузалолари уни имтиҳон этибдурлар.

— Тиббиётда даволашнинг уч тури бордур, сизга аларнинг қайси тури кўпрак хуш келади? — деб сўрашганда, Ал-Хоразмий:

— Бизда даволашнинг уч эмас, тўрт тури бордур:

Бири сўз, дору бири, кескир пичоқдур биттаси, Даги Хива мулкида машҳур эрур сознинг саси.

Менга ана шу тўртинчиси, яъниким соз билан даволаш усули кўпрак хуш ёқади, — деб жавоб берган экан.

Бундан чиқдики, мақом куйлари, муסיқа оҳанглари билан беморларни даволаш тарзи қадимдан машҳур экан. Буни турли замон алломалари ҳам ўз асарларида эътироф этганлар.

Агар юқоридаги ривоятга ва алломалар асарларига қулоқ қўйсақ, ислом дини мафкуриси Ўрта Осиёда, хусусан Хоразму Бухоро, Самарқанду Хўжандда муסיқа тараққиётига тўсиқ бўлмаган, балки араблар истилоси боис тарих саҳифаларидан ўчириб юборилган мақомларнинг оҳанглари янгича, арабча номлар билан атала бошлагани фикримиз далили бўлмайдимми?

Яна бир нозик масала, мақомларнинг тарихий тараққиётига юнон олимларининг таъсири фақат араблар истилосидан кейин кучли бўлдимми? Юқорида қайд этганимиз форсий иборалар-чи? ("Якгоҳ", "Дугоҳ", "Сегоҳ" ва ҳоказолар) Ана шу "Якгоҳ" биринчи пардани билдириб, уни "Рост" дейдилар¹. Демак, араб истилосигача "Якгоҳ"-у, ундан кейин "Рост" ибораси пайдо бўлганми? Бу албатта муноқашасабаб масаладир.

¹ И. Ражабов. "Мақомлар масаласига доир", 104-бет.

Кавкабий мақомларни илк аввал **Фишогурс** (Пифагор) яратган деб таъкидласа, яна бир номаълум муаллиф 12 мақомни Юсуф алайҳиссалом ихтиро қилган дейди, яна бири "Рисолайи мусиқий"да 12 мақомни Афлотун йилнинг 12 буржи асосида яратган дейди.

Биз юқоридаги ривоятларга кўра мақомларни эрамузидан аввалги асрларда дунёга келди, дея қолайлик. Унда араб истилоси бу мулкка қай тарафи билан дахлдор экан?

Ислом дини мафкураси мақомларга оид ёзувларни шариат бўйича гуноҳ дея тўсқинлик қилди деган андишанинг ўзи мақомларнинг яратилган даврини минг йилликлар мезони билан ўлчашга ундамайди? Ва энг қизиғи, баъзи мусиқашунослар ўзлари сезмаган ҳолда ўзларига қарама-қарши фикрни ҳам баён этганлар. Уларнинг фикрига кўра шариат қоидалари бўйича мусиқани эшитиш мумкин ёхуд мумкин эмас.

"Қодирия" деб аталган сўфийлар мазҳабининг йирик вакиллари билан ҳисобланмиш Абдулҳақ Деҳлавий (XVI аср) ўзининг "Таҳқиқус симоъ" ("Эшитиш масаласи таҳқиқоти") асарида шайхлар ва сўфийларнинг мусиқаю ашъор эшитишларига оид фикрларини акс эттиради. "Деҳлавий турли мусулмон мазҳабларининг йирик вакиллари (Жунайд Бағдодий, Муҳаммад ал-Ғаззолий, Абдулла Аҳрор, Юсуф Ҳамадоний ва бошқалар) асарларига ва "Ҳадис"га суяниб мусиқа эшитиш масаласини тадқиқот этади. Деҳлавий бир томондан мусиқанинг ҳомийси сифатида чиқиб, иккинчи томондан, уни эшитиш шариат бўйича катта гуноҳ, кишини сезгир қилиб, бузиб қўяди деб кўрсатади."¹

Дарвиш Али Чанги ва номаълум муаллифнинг "Таҳқиқус симоъ" асарида келтирилишича Муҳаммад алайҳа вассаламининг суюкли рафиқалари Биби Ойша ҳузурда икки жория ашула айтиб, ўйин-кулгу қилиб ўтиришганида Биби Ойшанинг оталари Абу Бакир кириб, мусиқа, ўйин-кулгу шариат бўйича ҳаром ва гуноҳ эканини айтиб манъ этади. Бу пайтда чопонига ўралиб ётган Муҳаммад алайҳи вассалам ўринларидан туриб: "Бу кун бизнинг байрамимиз, уларга халал берманг" — демишлар. Кейин пайғамбаримиз алайҳи вассалам "Ҳадис"да Қуръон сураларини чиройли овоз билан без-

ашни тавсия этиб, уни оҳангга солиб айтинглари, диннинг обрўси ошади, деган".

Биз ҳурматли мусиқашунос олимимиз Исҳоқ Ражабовнинг "Мақомлар масаласига доир" асарида икки парчани айнан келтирдик. Авваламбор "Таҳқиқус симоъ" кимнинг асари? Дарвиш Али Чанги ва номаълум муаллифникими, ёхуд Абдулҳақ Деҳлавийникими? Қолаверса, домла нима демоқчилар, дин мусиқага қаршими, ё уни қўллаб-қувватлайдими? Бу янглиғ беписандлик, айтилмоқчи бўлган фикру мулоҳазага, тадқиқот муаллифига нисбатан бепарволик ненинг маҳсули экан? Ёки мусафҳиҳлар хатосима-кан? Бу ёғи Оллоҳга аён.

Биз рисоламиз аввалида кўрсатганимиздек, ширали, ёқимли овоз нечоғ таъсириликим, инсон қалбига сирли ҳаяжон солади, унинг руҳиятини тетик қилади. Саъдий Шерозий куй ва қўшиқни "руҳ озуқаси" деб бежиз айтмаган, киши яхши куй тинглаганида жаҳолатдан йироқлашади. Муҳаббат, садоқат, гўзаллик каби юксак инсоний ҳис-туйғуларни қалбан ҳис этади.

Не ажабким, мусиқа шундай ажойиб санъатки, унинг учун ҳеч қандай тил тўсиғи йўқ, таржимонга муҳтож эмас. Мусиқа шифобахш фазилатларга эгадурким, буни ўз навбатида Абу Наср Муҳаммад ал-Форобий, Абу Али ибн Сино каби улуг даҳолар ўз асарларида қайд этиб ўтганлар.

Шу қадар ардоқли, қувончу қайғуларимизнинг ҳамиша ҳамдарду ҳамроҳи бўлмиш бу сирли оҳанглари нечун гоҳ-гоҳ таъқиб этилади, гуноҳ саналади, созандаю гўяндаларга паст назар билан қараш даврлари бот-бот такрорланиб келган?

Ровийлар Амир Темур ва Шамсиддин Шерозий билан бўлиб ўтган ғаройиб суҳбатни ҳикоя қиладиларким, ушбу суҳбат икки буюк бобокалонимизнинг мусиқамиз тақдири, унинг тараққиётига беқиёс масъулликдан далолат беради.

РИВОЯТ

Амир Темур: Мен Шерозга дохил бўлганимдан кейин, уламолар билан мажлис қилмасдан бурун, Шамсиддин Муҳаммадни олиб келинглари, бир кўрай, деб буюрдим. Бироз фурсатдан кейин бир қари, бели букилган, бир кўзидан сув оқиб турган кишини ҳузуримга олиб кирдилар.

¹ И. Ражабов. "Мақомлар масаласига доир", 102-бет.

¹ И. Ражабов. "Мақомлар масаласига доир", 100-бет.

"Шамсидин Муҳаммад Шерозий сиз бўласизми? — деб сўрадим.

"Бале, ман бўламан", — деб жавоб берди узоқ умр кўрган кекса киши.

Мен унга: Сиз ғазалларингизни бирида айтибсизки, дедим:

Худоро, мухтасиб, моро бо овози дафу най бахш,
Ки сози шаръ 3-ин афсона беқонун нахоҳад шуд.

яъни:

Кечиргил, мухтасиб, тангри-чун овози дафу найким,
Шариат созини қонунсиз этмас бўйла афсона.

Шоир Шерозий: "Бале, эй амири фотиҳ, мен ушбу шеърни айтган эдим", — деди.

"Сиз бу шеърингизни динга иҳонат (таҳқир) келтиришини билурмисиз?" — дедим. Жавоб бердики: "Менинг қасдим динни иҳонат қилиш эмас, бу шеърдаги афсонадан муродим даф ва найнинг овози эди. Даф ва най овози аҳамиятсиз бир нарсадурки, диннинг арконларига ҳеч қандай тазалзул (зилзила) келтиролмайти, демоқчи эдим."¹

Юқоридаги кўрилган Шерозий байтининг маъноси булдурким, яъни, эй мухтасиб (шариат қонунларини назорат қилувчи), худо ҳаққи, бизларни даф ва най (мусиқа асбоблари) овози учун кечиргилким, шариат сози (асбоби)нинг ушбу афсонаси қонунсиз эмасдур. Шоир бу ўринда "қонун" сўзи ила ҳам мусиқа асбобига, ҳам шариат қонунига ишора этмоқда. Демоқчики, шариатни тамсилан соз деб тасаввур қилсак, унинг тугал ва мукамал бўлиши учун қонун асбоби лозимдур.

Тарихдан маълумки, Амир Темур қаерни забт этса, у ердан олиму фузалоларни, шоиру улкан соҳиби соз аҳлини, қўли гул усталарни Самарқандга келтирган. Самарқанд ҳар жиҳатдан гуллаб яшнаган, бетакрор илм масканига айланган. Бу даврда Мароғали Абдулқодирнинг "Зубатул-адвор", "Мақосидул-алхон", Сайфуддин Абдумўминнинг "Шарқия" номли ноёб мусиқий китоблари дунёга келган. Дарвеш Алининг "Тухвату-с-сурур" номли

¹ "Шарқ юлдузи". 1995 й. 3-сон, "Менким, фотиҳ Темур".

чангий асариде ёзилишига кўра, Улуғбек Мирзонинг ўзи ҳам мусиқий олимлардан саналган.

Фитрат домланинг рисоласида кўрсатилишича, қоракўллик Ҳисомий туркча, форсча икки девон билан мусиқада бир рисола, хоразмлик Абдулвафо мусиқада бир китоб ёзган.

Улуғбек ўлимидан кейин мусиқа санъати Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий ҳимоясида Ҳиротда ривож топди.

Тарихдан маълумким, мумтоз мусиқамиз асрлар давомида жуда кўп қарама-қаршиликларга дучор бўлди. Бу қарама-қаршиликлар қарийб 300 йил (XVI — XIX асрлар) Мовароуннаҳру Хуросонда давом этди, лекин шу қарама-қаршиликлар замирида тоблани, янги поғоналарга кўтарилди. Қаерда комрон комраво бўлса, халқ комрона яшайди деганлари шу бўлса керакким, мақомлар ва уларнинг шўъбалари, яъни Ироқ, Исфохон, Ҳижоз, Нишопур, Ажам, Ҳисор номлари шу мақомлар яратилган жойлар номи билан аталади.

Алишер Навоий "Хазойин ул-маоний"да хўб ёзганлар:

Кўп Ҳижоз оҳанги тузма, ёр ила бўл барча вақт,
Эй Навоий, гар Ажам бўлсин мақоминг, гар Ироқ.

Албатта, буюк устод Алишер Навоийнинг мубрак номлари мусиқа тарихида ўзгача бир эҳтиром ила тилга олиниши табиий.

Ўзбек адабиётининг бу янглиғ юксакликка эришувида катта хазина ҳисобланмиш қарийб 120 минг байтлик назми гавҳар, неча насрий дурдоналар, илмий асарлар мерос қолдирган Навоий бобомиз мусиқадан бохабар улкан истеъдод соҳиби ҳамдир.

"Навоийнинг ўзи мусиқани Хожа Юсуф Бурҳон деган атоқли бир мусиқий олимидан ўрганди. Мусиқийнинг назарий-илмий ёқларидан яхши билар эди. Бобур Мирзо ўзининг машҳур асариде Навоийнинг асарларини санар экан, "Яна илми мусиқийда яхши нималар боғлабдур, яхши нақшлари (ашулалари куйлар), яхши пешравлари (у замон истилоҳида ашуласиз куйлар) бордур", деб Навоийнинг уста бир бастакор бўлганини кўрсатадир."²

¹ Фитрат. "Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи", Тошкент, "Фан" нашриёти, 1993 й. 40-бет.

² Фитрат. "Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи", 41-бет.

Ҳар қайси асари бир олам бўлмиш алломанинг аруз назариясига бағишланган "Мезон ул-авзон" асарининг ўзи бир дунё. Навоий таъкидлаганидек, туркий халқлар орасида бир неча машҳур вазн борким, мажлисларда (йиғинларда) ашулалар шу вазнларда ижро этиладур. "Яна қўшиқдурким, арғуштак усулида шойиъдур ва баъзи адвор кутубида ул усул зикр бўлубтур ва ул суруд аъробининг тева сурад ҳудилари вазни билан мадиди мусаммани солимда воқеъ бўлур, анинг асли бу навъдурким, байт:

Ваҳки, ул ой ҳасрати дарду доғи фурқати,
Ҳам эрур жонимға ўт, ҳам ҳаётим офати.
Фойлотун фойлотун фойлотун фойлотун.

Аммо бу латиф замонда ва шариф давронда бу сурудни рамали мусаммани маҳзүф вазнига элитиб, мусиқий ва адвор илмида мулойим таъблиқ беназир йигитлар ғариб нағамот ва алҳон била ажаб тасарруфлар қилиб, султони соҳибқирон мажлисида айтурларким, анинг мулойимлиғ ва хуш ояндалиғи васфқа сиғмас ва таъсир ва рабояндалиғи сифатқа рост келмас, балки ул ҳазратнинг ихтироидур ва бу ҳам ул ҳазратимнинг масиҳисо анфоси натойижидин истишҳодға келтурмак муносиброқ эрди, андоққим, байт:

Сабзаи хаттинг саводи лаъли хандон устина,
Хизр гўё соя солмиш оби ҳайвон устина.
Фойлотун фойлотун фойлотун фойлотун.

Яна "чанги"дурким, турк улуси зуфиф ва қиз кўчурур тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур бағоят муассир ва икки навъдур. Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилурумким, мунсариҳи матвийи мавқуф баҳридур ва "ёр-ёр" лафзини радиф ўрнига мазкур қилурлар, андоқдурким, байт:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,
Ким, дамидин тушди ўт жоним аро, ёр-ёр.
Муфтаилун фойлотун муфтаилун фойлотун.

Ва яна ҳам турк улусида бир суруддурким, ани "муҳаббатнома" дерлар ва ул ҳазажи мусаддаси мақсур баҳридадур ва ҳоло матрукдур, будур, байт:

Мани оғзинг учун шайдо қилибсен,
Манга йўқ қайғуну пайдо қилибсен.
Мафойилун мафойилун мафойилун.

Ва яна бу халқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзүф вазнида анга байт боғлаб битиб, анинг мисрасидин сўнгра ҳаммул баҳрнинг икки рукни била адо қилиб, суруд нағамотиға рост келтирур эрмиш ва ани "мустазод" дерлар эрмиш, андоққим (мустазод):

Эй ҳуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли,
Мафъулу мафойилу мафойилу фаулун
Мазҳар санга ашъё.
Мафъулу фаулун.
Сен лутф била кавну макон ичра мавли,
Олам санга мавло.

Яна Ироқ аҳли тарокимасида сурудедур шойиъким, ани "орзуворий" дерлар ва анинг байти кўпрак ҳазажи мусаммани солимдадур, андоққим, байт:

Сақоҳўм раббуҳўм хамри дудоғинг кавсариндандур,
Бу майни ичтукунг нуқли ҳадисинг шаққариндандур.
Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун.

Ва яна рамали мусаммани маҳзүф вазнида ҳам айтурлар, андоққим, байт:

Давлати васл илтимоси не ҳикоятдур манго,
Буки ёдинг бирла жон берсам кифоятдур манго.
Фойлотун фойлотун фойлотун фойлотун.¹

Алишер Навоий назми оҳанглари қанотида бир дақиқа қадим аждодларимиз яратган куй-қўшиқларга қайтсак, Қуёшга ўқилган муножотларда ҳам шу руҳ, шу жозибани туямиз. Тараннум этилган қўшиқларда юртга омонлик, элга нурафшонлик, бахту саодат тилаб, яратганининг иноятига сажда қилинган.

Ховар — қуёш демақдир. Ховарзамин — қуёшли замин, Хоразм деган муқаддас номда бир олам маъни мужассамлигига имон келтирмай иложинг йўқ. Чунки бу заминда яратилган "Авесто" гахталарида:

Қуёшни мадҳ этамиз,
Ул зўр партав афшонни,
Тулпорлари чаққонни.

¹ А. Навоий. "Мезон ул-авзон" Тошкент, 1967 й., XIV жилд, 179 — 181-бетлар.

Хуршед юзин очганда,
Иссиқ нурин сочганда,
Илоҳийлар тик турар.
Бахт чашмаси қулф уриб,
Бари севинчлар йигар,
Кўнгилга ҳам завқ сиғар.
Маздол инъом этган ер,
Саодатга лиқ тўлар...
Олам бахти кулсин деб,
Ер Ҳаққа кўп тўлсин деб¹...

Мана шу олийжаноб ҳис-туйғулар, орзу-умид ва саховатли ниятлар билан йўғрилган мисралардан ҳам буюк аждодларимиз умуминсоний маънавият ва қадриятлар ҳақида нақадар кўп ўйлаганликлари ва қайғурганликлари яққол кўриниб турибди.

"Маҳобхорат" ҳикматларида ҳам тўй-томошалар, орзу-ҳаваслар, қариндош-уруғлар орасидаги меҳр-оқибатлар — барчаси юртни бошқариб турган ҳукмдорнинг инсофию амалига боғлиқ дейилганида катта ҳақиқат борлигини ҳаёт кўрсатиб келаётибди.

Яна ою йиллар ўтиб, сиёсат майдонида неча-неча амиру султонлар алмашиб, musiқа маданиятининг ривожини ҳам уларнинг муносабати ила ўзгариб турган.

Ҳиротда таҳсил кўрган шоир, musiқашунос олим Нажмиддин Кавкабий Ҳусайн Бойқаро даврида нечоғли ривожланган, бироқ Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллохон замонига келиб инқирозга юз тутган musiқа маданиятини юксалтиришга анча саъй-ҳаракатлар қилган. У ўзининг "Musiқа рисоласи"ни тортиқ қилар экан, асар бошида кичкинагина бир фасл ёзиб, musiқанинг шариятга хилоф бўлмагани, катта авлиёлар томонидан ҳам ҳар вақт тингланиб келинганини исбот этишга уринган. "Убайдуллохон Ҳирот шаҳрини олганидан кейин форснинг ўз замонида энг буюк шоири бўлган Ҳилолийни ўлдирди. Ҳилолийнинг ўлими Эрон шоҳи шоҳ Таҳмосб шоҳ Аббос ўғлига қаттиқ таъсир қиладир. Унинг ўчини олиш учун вақт кутади. Бу фожиадан уч йил кейин бизнинг Мавлоно Кавкабий Убайдуллодан рухсат олиб, зиёрат учун Машҳадга борадур. Шоҳ Таҳмосб Кавкабийнинг келганини эшиткач, ўзи тутдирур-да, Ҳилолийнинг

¹ Б. Насриддинов. "Гиря, яшт, мадҳия", "Ишонч" рўзн. 66-сон, 1996, 20 август.

қонини олган бўлиб, илмий, адабий қиймати Ҳилолийдан ҳеч кам бўлмаган бир Туркистон санъаткорини ўлдириб кўядир"¹...

Ҳижрий 970 ларда хонлик тахтига ўтирган машҳур ўзбек хони Абдуллохон замонида musiқа санъатига, муסיқий асбобларга бўлган қизиқиш бағоят ўсиб, ўзбек musiқа дунёсида уд, қонун, танбур, чанг, най, рубоб, қўбуз, ғижжак, ишрат кунгура, сетор, руҳафзо, сурнай, балабон, ноғора, доира каби асбоблар кенг ривожда бўлган. Фитрат домла ушбу жойда шундай давом этади: "Абдуллодан кейин диний таассуб яна кучая бошлаган. Musiқага гуноҳ, "Хилофи шаръ" кўзи билан қарашлар кўпайган. Дарвеш Али ҳам Имомқули учун кенгайтгани асарининг бош томонидан тўрт бетлик узун бир бошланғич ёзиб, муסיқийнинг гуноҳ бўлмаганини Муҳаммад пайғамбарнинг ҳадислари ила исбот этарга тиришган"².

Йиллар ўтиб Муҳаммад Раҳимхон I замонида, XIX асрнинг бошларида, Хоразмда, худди Ҳусайн Бойқаро давридагидек, musiқа санъати ўз қаддини ростлаган, ривожланишга юз тутган. Машҳур musiқашунос олим, мақомлар билимдони, Комил Хоразмийларнинг устози Ниёзхонхўжа мақом йўллари ривожлантириб, уни ноталаштиришга ҳаракат қилган, куйлар басталаган.

Муҳаммад Раҳимхон I нинг ўғли Оллоқулихон (1825 — 1942/43) моҳир ғижжакчи бўлган дейишади. Унинг яна бир ўғли Сайид Муҳаммадхон (1855 — 1864) musiқа маданиятининг ривожига бениҳоя улкан ҳисса қўшган ҳукмдордир. Musiқа санъати, адабиёт, маърифат Муҳаммад Раҳимхон I нинг невараси, Сайид Муҳаммадхоннинг тўнғич ўғли Бобожон тўра-Муҳаммад Раҳимхон Соний-Феруз замонида (1864 — 1910) Хоразмда янада юксак поғоналарга кўтарилди. Унинг юксалиш таъсири на фақат Ўрта Осиёга, балки бутун Оврупога ҳам кенг ёйилди.

Мақомлар, сўзсиз, миллатнинг беқиёс бойлиги, тенгсиз хазинаси. Ана шу бойлик ёзма равишда муҳрланмагунча, оғзидан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиш жараёнида ўз жилосини, латофатини йўқотиши мумкин, магарам бутунлай йўқ бўлиб кетмаса. Ана шу улкан мулкни қоғозга туширишга амр этган ва бошдан-оёқ яралишига раҳнамолик

¹ Фитрат. "Ўзбек классик musiқаси ва унинг тарихи", 45-бет.

² Фитрат. Ўша асар, 46-бет.

қилган шахс буюк бобомиз, Хоразм тахтида 47 йилдан зиёдроқ вақт хонлик этган забардаст шоир, ажойиб мусиқа билимдони Муҳаммад Раҳимхон Соний — Феруздир.



1-расм. Муҳаммад
Раҳимхон Соний

1-picture Mukhammad Rahimhon
Soni-Feruz

дўнмас деган, Полвон сўта кабилар. Ҳамма Феруз хизматига тайин бўлганидин, бошқа сипоизодаларнинг баъзиларига дахл бўлмас эрдилар².

Хоннинг ўзи ҳам мусиқа шайдоси, ҳам шоир бўлиши давлат учун катта бахт эди. У энг қадимий мақом куйларини мукамал ўрганиб, "Наво", "Сеғоҳ", "Дугоҳ" ларга боғлаб куйлар яратгани, ижро этгани боис созандаю ҳофизлар орасида яна ҳам ардоғли бўлган. Соз илмидан бохабар бўлганлигидан унинг назми ҳам ўйноқи ва куйларга мос жозибалир:

Соз айлагил субҳу масо гаҳ "Рост" чертиб, гаҳ "Наво",
"Дугоҳ"у "Сеғоҳ"у "Сабо" ҳар бирисидур гамзудо,
Раҳм этмайин ул дилрабо айлар эди нозу адо,

¹ М. Юсупов. "Хоразм мақомлари", Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1980 й., 1-жилд, 6-бет.

² Лаффасий. Қўлимиздаги қўлёзма, 20-бет (1945 йил 14 январда ёзилган).

Ҳижрони ичра борҳо тортар эдинг ранжу ано,
Бу дам тутуб расми вафо шўҳи ситамкоринг келур.¹

Феруз қаттиққўл ҳукмдор бўлиши билан бирга санъатни, мусиқани жуда чуқур тушунувчи, уни иззатловчи бағри кенг инсон эди. Унинг созга, созандаларга, ҳофизларга бўлган ҳурмат ва эътиборини кўрсатувчи жуда кўплаб нақллар ҳозиргача халқнинг орғзида.

НАҚЛ

Бухоройи шарифдан амирнинг даъвати билан Хивага мақом усталари ташриф буюрганлар. Феруз меҳмонларни иззат-икром билан кутиб олиш тадоригини Комил Хоразмийга топширган ва улар шарафига берилган шоҳона базмда шахсан ўзи қатнашган. Гурунг бир жойга борганида хон меҳмонлардан:

— Соз бўлсинми? — деб сўраган.

— Соз бўлса, "соз" бўлсин, — дейишган улар.

Феруз аввал меҳмонларга, сўнг Хиванинг зукко созандаю гўяндаларига маъноли қараб:

— Нима чаласизлар? — дебди.

— Ихтиёрингиз хон ҳазратлари, "Рост" чалсақмикан?

Феруз меҳмонларга юзланиб:

— "Рост" чалишсинми? — дея сўрабди.

— Рост бўлса, "Рост" чалишсин, — дебди меҳмонлар.

Меҳмонларнинг бу илмоқли истаги хонни бағоят мамнун этган ва у ҳам завқ билан созандаларга буюрган:

— Рост бўлса, "Рост" чалингиз! — сал тўхтаб давом этган, — Созни Бобо буломон бошқарсин.

Созандалар ҳайрат ва саросима билан хонга қарашибди. Чунки буломон билан соз бошқариш қандай бўларкин, ахир салдом ила мақом куйини охиригача чалгунча буломончининг оғзи тупукка тўлиб кетади-ку! Бу қалтис аҳволни меҳмонлар ҳам сезишди. Хон меҳмонларнинг киноятга ўхшаш қочириқли сўзларига жавобан, Хива созандаларининг маҳоратини намойиш этиш истагида атайин созни буломончи бошқарсин деб буюрган эди.

— Бобо буломон, тушунмадингми? — деди Феруз овозини сал кўтариб.

— Тушундим, хон ҳазрат, — дедию Бобо буломон созни бошқариб кетаберди.

¹ Д. Раҳим, III. Матрасул. "Феруз: шоҳ ва шоир қисмати", 86-бет.

Созандалар Бобо буломонга эргашиб салобат билан "Сақили Рост"ни авжлатиб борабердилар. Хон созга путур етмаслигига ишончи комиллигидан, меҳмонларни ҳайратга солмоқчи бўлганини, албатта, Бобо буломон яхши тушунди. Лекин у ҳам тирик одам, оғзига тупук тўлиб, нафаси қайта бошлади.

Хоннинг амри вожиб, ўлса ўладика, ишончни оқлаши шарт. Бобо буломонни тер боса бошлади, куй авжлангандан авжланаяпти ва табиийки, синов дақиқалари узайгандан узайиб, ҳамманинг диққат-эътибори Бобо буломоннинг ҳолатига қаратилган.

Куй ярмидан анча ошганда Бобо буломон кўз илғамас чаққонликда ёнбошига бир туфлаб олади. Ҳеч ким сезмаганидан барча созандалар хушнуд бўлиб, куйни юксак ижрода тамомлайдилар.

Базм қатнашчилари, айниқса меҳмонлар созандалар маҳоратига таҳсинлар айтиб, хонга катта миннатдорчилик билдирадидилар.

Феруз созандаларнинг мукамал ижроси ва моҳирона бошқарган Бобо буломонга илтифот маъносида олдидаги лаъли табоқдаги ширинликлардан бир донасини олиб, унга беришни девонбегига буюради. Хоннинг амри даров бажарилади. Меҳмонлар назарида ширинлик ўралган бу оддий қоғознинг баҳосини мезбонлар яхши билишади. Бу ихчам ўроғлик қоғоз ичида 10 дона ўнлик тилло бўлиб, мукофотнинг қиймати 100 тилло эди. Албатта, хон бу қадар юксак илтифотни ҳаммага ҳамма вақт ҳам кўрсатавермасди.

Суюнганидан Бобо буломоннинг юраги тарс ёрилай дебди. Кечаси билан ухлолмай, тиллоларни бир неча бор санаб чиққан, негаки, 1000 тиллолик одам Хивада бой одам саналган.

Бобо буломоннинг тонгга яқин кўзи илинганида томдаги тақир-туқурдан уйғониб, ташқарига чиқибди. Не кўз билан кўрсинки, уч-тўртта уста уйининг учагини (томини) бузиб очишяпти. Хоннинг кечаги илтифотидан ҳали тамоман ўзига келмаган Бобо буломон томбузарларга дағдага қилибди:

— Ҳой устабузарлар, бу не шаккоклик?! Бу ишларингдан хон хабар топса, ҳаммангнинг уйингни куйдиради-ку! Қани, ҳамманг ошоқа (пастга) туш!

Томбузар усталар парво қилмай, қайта шиддатлироқ ҳаракат қила бошлашибди.

Бобо буломоннинг баттар жаҳли чиқиб:

— Кармисизлар, кўрмисизлар, ахир, мен хон созанда-симан, Бобо буломонман. Бу уй меники, яна янглишиб бузаётган бўлманглар. Хонга арз қиламан, каллангизни ҳам ўйланг,— деб бақирибди.

— На деб турибсан,— дебди усталарнинг каттароғи,— кар ҳам эмасмиз, кўр ҳам эмасмиз, биз хоннинг буйруғини бажаряпмиз.

Бобо буломон қараса, усталарнинг ҳаракати жиддий. Шундан сўнг ялинишга тушибди:

— Тўхтанг, жоним устажонлар, тўхтанг, менинг билан биринг хон ҳузурига юринглар, агар хон менинг ёнимда шу буйруғини тасдиқласа, учак тугул, бутун уйимни йиқсангиз ҳам розиман. Йўқ-йўқ десангизлар, ўзим бориб келай, шунгача бузмай туринглар.

Усталарнинг бошлиғи рози бўлибди. Бобо буломон югуриб хон ҳузурига арзга борибди.

— Хон ҳазратлари, бу на деган гап, бу на кўргулик? — дея йиғламсирабди буломон,— бирор янглиш бўлса гарак, усталар уйимнинг учагини очиб, бузишяпти.

Феруз қаҳр билан:

— Ҳеч қандай янглиш йўқ! И-и, кеча сиз (хон киноя билан гапирганда "сиз"лаган) боргоҳнинг устини очдингиз, созни буздингиз, биз индамадик, бугун биз бузсак, сиз индайсиз-а!

— Ахир, хон ҳазратлари, оғзимга тупик тўлиб, тос ўлвадим, нишатин, бир оласамликда (ҳеч ким эътибор бермаган вақтда) бир туфлай қўйвадим, бир қошиқ қонимдан ўтинг, олампаҳо!

— Яхшиям тўғриси айтиб, бўйнингга олдинг,— куйимсирабди хон,— йўқса, кўргулугингни кўрар эдинг,— деб Мамат маҳрамга усталарни қайтариб олишни буюрган...

Хивада ўз замонида ибратли шов-шувга сабаб бўлан бу нақлни hozир ҳам қариялар ички бир қониқиш билан эслашади, буломончининг оти Ҳудик эди деб гоҳ баҳслашишади.

Гап буломончининг отида эмас, балки куйга бўлган эҳтиром, ихлос, билағонлик, уни эъзозлашда нечоғлик фидойиликдадир. Оддий одамдан тортиб давлатнинг хонигача куйнинг тўғри ижросига масъуллигидадир.

Шуниси эътиборга лойиқки, ҳар бир созандау гўяндага созандалик шаҳодатномасини Ферузнинг ўзи тақдим қилган, вақти-вақти билан уларнинг маҳоратларини им-

тиҳондан ўтказиб турган. Кимки созни, куйни, мақом ижросини, талқинни бузса, жазолаган.

Бобожон Тарроҳ-Ходим "Хоразм навозандалари" номли рисоласида шунай ёзади: "Подшолик созандалари олти ярим мақомнинг бир учини ташлаб кетди. Бундан ғазабланган Муҳаммад Раҳимхон Кичик Мамат маҳрамга Муҳаммад Ёқубни 50 қамчи уришни буюрди. Муҳаммад Ёқуб позачи Муҳаммад Раҳим иккинчининг эллик қамчисини еб бўлгач, яна келиб созга ўтирди. Шу оқшом шундай соз бўлдики, созандалар, Муҳаммад Ёқуб позачи таёқлангондан кейин бўлғони каби соз бўлмагон, дейдиган бўлдилар. Хон шу оқшом ҳар оқшомги жавоб беражак вақтидан уч соат кейин жавоб берди. Шу оқшом икки марта ўзининг обрўсига ўтди. Биринчи марта ўтганида косасидаги тангалардан бутун созандаларнинг устига сочди. Биринчи танга сочганида ҳеч ким олмади. Тангалар сочилгон еринда ётди. Иккинчи ўтишинда яна танга сочди. Бу гал сарой шоирларига: — Сизлар ҳам олсангиз бўлмайдиму, — деганда: — Ажаб тақсир, — деб, югуришиб бизлар — Болта девон, Комил девон, Бобожон Тарроҳ, Юсуф Харрот-Чокарлар тангалардан олди. Хон созандаларидан Отажон сўтага: — Сўта, сан ҳам ол! — деб буйруқ берди. — Ажаб, тақсир, — деб Отажон сўта ҳам дарёни (доирани) текис тулди. Танга дарёга потирлаб тушди. Хон ўтиб кетгондан кейин Отажон сўта дарёдаги пулларни этагина солиб: усул қоқмоқга қаради. Хон ҳар куни қайта-дургон вақтидан уч соат кейин Қаландар дўнмасга: — Дўғмани бўғ, — деб буйруқ берди. Дўғмани бўғ, деб айтаса, қайтиш вақти бўлгон ҳисобланарди"¹.

Юқорида зикр этилган воқеа албатта, ривоят эмас, айнан иштирокчининг жонли эсдалиги. Мақомларнинг тўлиқ, мукамал ижро этилишига эътиборнинг самараси бўлмиш бу қаттиққўллик хоннинг мусиқа санъатида бўлган фидойилигининг рамзи сифатида ибратга лойиқ.

Ферузнинг мақомларга бўлган ихлосу эътиқоди ва куй-инчаклиги боис ушбу тарихий фармон дунёга келган.

ФАРМОНИ ОЛИЙ

Бизким Хоразм мамлакатининг олий хоқони Муҳаммад Раҳимхон Соний қуйидаги Фармони Олийга имзо чекдик.

¹ Бобожон Тарроҳ. "Хоразм навозандалари", Тошкент, Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994 йил.

Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилинсин. Ушбу Фармони Олийга шок келтирган ва мақомларни камситган ёйинки уни бузиб ижро этган ким-салар қаттиқ жазолансин!

*Муҳаммад Раҳимхон Соний,
1292 ҳижрий. Жумодул-аввал.
(1882 й.)*

Ушбу Фармони Олий Муҳаммад Ёқуб позачидек, Матасан Мутриб Хонаихаробдек, Муҳаммад Ёқуб девон, Абдулла маҳадик, Худойберган сунито, Отажон усулчи, Бобо буломон, Машариф Қамбар, Собир маҳрам, Қаландар дўнмас, Мадамин межанадек машҳур созандалари, Хоразм мақомларининг зукко билимдонлари, Комил Хоразмий, Муҳаммад Юсуф Баёний, Расул Мирзодек шоиру фузалолари, Қуржи ота, Полли дузчилардек сувора устозлари етишиб чиқаётган бир муҳитда мақом созларини бузмаслик, уни камситмаслик хусусида қайғуришнинг ўзига хос далили, бугунги авлодлар учун, келажак учун, асрлар давомида ибрат бўлғуси ноёб ҳужжатдир.

Ферузнинг бу янгилиг тарихий фармон қабул қилишига унинг яна бир ташвиши сабаб эди. Бу вақтга келиб аждодлар томонидан яратилган 12 мақомнинг номлари бор эди, холос. 12 мақомнинг 24 та шўъбалари жамлашиб олти мақомга жойлашган, у ҳам қоғозга муҳрланмагани боис кейинги авлодга етгунча яна қанчаси йўқолади. Фақат оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб, устод ва шогирдларнинг иқтидори даражаси билан мақомлар чалкашлиги шу янгилиг давом этаверса, бир аср ичида 12 мақом 6 мақомга жамланса, у ҳам муҳрланмаса, йиллар ўтиб улардан ҳам фақат номлар қолиб, кейинчалик 3 мақомга, сўнг 1 мақомга тушиб, инқирозга юз тутса, авлодлар кечирмайди деган фикр Ферузнинг қалбини тирнар эди.

Мақомларни келгуси авлодларга тўла етказиб бериш учун неки даркор бўлса аямаганлиги, санъат аҳлини рағбатлантиришининг ўзи Ферузни абадиятга дахлдор этади.

Муҳаммад Раҳимхон Соний давлат арбоби, ҳассос шоир, мақомларнинг зукко билимдони, моҳир созанда Комил Хоразмийга Хоразм мақомларини ноталаштиришни буюради. Уни бир неча маротаба Петербург, Масков ва Тошкент шаҳарларига нота йўлларини мукамал ўрганиш учун жўнатади.

Бу савобли ва масъулиятли ишнинг Комил Хоразмий зиммасига юкланишига унинг аввалдан нотага олиш илмидан бохабарлиги, XIX асрнинг иккинчи 10 йилликларида мақомларни нотага олиш борасида уринишларни қилган ва анчайин уддасидан чиққан устози Ниёзхўжа таълимотини олганлиги кўпроқ сабаб бўлган. У, эски манбаларда қайд қилинишича, Петербургга боришидан олдин (1883 й.) 1881 йилларда ҳам "Танбур чизиги" билан шуғулланган.

Шу ўринда машҳур рассом Мавлон Икромийнинг фикрини келтириш жоиз бўлади. Унинг маълумотига қараганда, танбур нотасини Ғиёс оқсоқолнинг бобоси Хоразмдан келтирган ва буни Ота Ғиёс бирмунча такомиллаштирган.

"Ер юзи" журнаlining 1927 йил март сонида қуйидаги хабар босилган: "Ота Ғиёснинг тирноғи классик куйларимизни ва айниқса, "Мушкilot" (назм)ни жуда яхши чалар эди. Ул танбур чалишда нохинак тутмас эди, ҳақиқатан ўзининг тирноғи билан куйларни обдон чиқарарди. Бухоро амири уни ўзи билан бирга олиб юрмакчи бўлди. Лекин Ота Ғиёс амирга хизмат қилишни хоҳламай қочиб юрди. Ва шу сабабдан музикани бирмунча муддат ташлаб юрди. Яқинда топилган танбур нотаси Ота Ғиёсдан чиққан".

Бу масаланинг бир тарафи, иккинчи тарафи бунинг акси. Е. Е. Романовская шундай ёзади: "Сўнгги хонлар даврида (XIX аср) Хивада ижро этилиб келинган ҳам 1934 йилда Ўзбекистон санъатшунослик илмий текшириш институти экспедицияси ёзиб олган мақомлар аслида Бухоро мақомларидир. Бу мақомларни бундан тахминан 130 йил бурун Ниёзхўжа деган созанда, машшоқ Бухородан Хивага олиб келган. Бу ерда уни Хива машшоқлари ўрганиб олиб, ҳар қаерда чалиб айтиб юрган".¹

Мақомларни Бухоро ёхуд Хивада ихтиро қилинган-қилинмаганини аниқлаш бизнинг асл мақсадимизга кирмайди. Лекин кўпгина тарихчилар, жумладан, мусиқа санъати билан шуғулланадиган олимлар ҳам тадқиқ этаётган у ё бу масала баёнотларини ўзлари чалкаштириб, кейин шу чалкашликка ўзлари ҳам ишонадилар.

Хўш, шашмақом нотасини Ниёзхўжа Бухородан Хивага олиб келган бўлса, Бухорода шу шашмақом нотасининг қолдиқлари бўлиши керакми, йўқми? Қолаверса, шашмақомнинг нотаси бўлмаганлигини Романовская билмайди-ми? Ниёзхўжа кўчириб олган нотанинг асл нусхаси

¹ Е. Е. Романовская. "Хоразм классик музикаси", Ўздавнашр, Тошкент, 19-бет.

наҳотки йўқолиб кетган бўлса? Жўн ва оддий саволларга ҳанузгача жавоб йўқ.

Бошқа улкан мусиқашунос: "Хоразм мақомининг биринчи айтим қисмидаги мақом парчалари Бухоро "Рост" мақоми айтим қисмларидан тузилиш жиҳатдан ҳам, характер жиҳатдан ҳам мутлоқ бир-биридан фарқ қилади,"¹ дейди.

Хоразмлик муаллифлар Мулло Бекжон билан машҳур мусиқашунос Матюсуф Девон 1925 йили Москвада чоп этилган "Хоразм мусиқий тарихчаси" асарида: "1821 йили Ниёзхонхўжа Бухорага бориб, бурундин маълум бўлган шашмақом нағмаларини танбур билан ўрганиб қайтган" деганларида "Шашмақом" форсийча атама бўлгани учун қандайдир ҳадик ёки дўстликка ишора бўлиши эҳтимолдан холи эмас, негаки, Москвада чоп этиладиган китоб ҳарқалай салобатли бир мулк. Муаллифлар барибир китобчанинг бошланғичида: "Чингизхон Кўҳна Урганчи хароб қилмасдан илгари Кўҳна Урганч шаҳрида сокин бўлган одамларнинг аксари мусиқини ўзлариға бир ҳунар ва касб ихтиёр қилганлар. Мунинг орқасида ўз оилаларининг ўнгушуқларини (кун кўришларини) таъмин этгандирлар", — деб ёзишган.

Ундан ташқари, Дарвеш Алининг "Рисолаи мусиқий" асарида мусиқа асбоблари хусусида тўхталиб, рубобнинг Балхда ясалгани, Муҳаммад Хоразмшоҳ замонида Хоразмда ривож топгани қайд этилган.²

Мир Алишер Навоий "Сабъаи сайёр" дostonида еттинчи иқлим йўлидан келган мусофирнинг тилидан шундай ёзади:

Чун дуо қилди деди фарзона,
Ки дей ўз кўрганимдин афсона.

¹ М. Юсуфов. "Хоразм мақомлари", 1-жилд, Тошкент, 1980 йил.

² Фитрат. "Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи", 29-бет.



2-расм.

Е. Е. Романовская

2-picture Romanovskaya

Менки тушмиш буён гузар менга,
Мулки Хоразм эрур диёр менга.

Санъатим анда соз чалмоқ иши,
Билмайин мен киби ишимни киши.

Илми адвору фанни мусиқий,
Мендин ул илм аҳли таҳқиқи.¹

Алишер Навоийнинг ушбу битиклари Хоразмнинг қадим мусиқа маданиятининг юксаклигидан далолат беради.

Улкан мусиқа олими И. Ражабов ҳам буни эътироф этади, яъни: "Хоразмнинг ўзида ҳам токи мақом йўллари одат бўлгунга қадар, мақом каби катта формадаги куйи ашулалар мавжуд бўлганки, буларнинг кўплари созанда-бастакорлар томонидан бу ердаги мақомлар таркибига киритиб юборилган. Шашмақомнинг Ўрта Осиё халқларида асрлар давомида яратилган музика бойликлари заминиди вужудга келганини эсласак, бу нарса янада ойдинлашади". Лекин домланинг: "Хоразм мақомлари, Бухоро мақомларининг маълум варианты бўлгани сабабли, улар устида муфассал тўхтаб ўтирмаймиз,"² дейиши не чоғли мавҳум фикрки, буни тушуниш анча қийин.

Агар шашмақом Ўрта Осиё халқлари музикаси замирида яратилган бўлса, Хоразм дунёнинг Овруро қисмида бўлганмикан? Ҳали айтганимиздай, Шашмақом форсий-арабий атамада бўлгани учун Бухороники дейилармикан? Хоразмда токи мақом одат бўлгунча, мақом каби куйлар мавжуд бўлгану, улар созандалар томонидан мақомлар, таркибига кирган дейишларини қандай тушунса бўлади? Қайси мақомлар, қандай мақомларга кирган экан? Нима бўлгандай домла ўзига-ўзи қарама-қарши фикр айтиб, чалфиган кўринади.

Мана шу чалкашликлар оқибати ўлароқ ҳозир баъзи созандалар Нақши Навони бошлаб, ўртароғида Нақши Ростга ўтиб, қўшиқ охирида яна Нақши Навони айтиб тамомлайдилар. Ёки Нақши рост деб эълон қилиб, Нақши Навони айтадилар, ёхуд аксинча, Нақши Наво деб Нақши Ростни айтадилар. Чунки устозларидан ўрганганлари шун-

¹ Навоий, Асарлар, 9-жилд, 256-бет.

² И. Ражабов, "Мақом масалаларига доир", 245-бет.

дай бўлса, не қилсинлар. Бу ёшларнинг ўз навбатида шогирдлари нима бўларкин?

Ушбу чалкашликларни, мақомлар парокандалигини башорат этган Муҳаммад Раҳимхон Соний — Феруз, юқорида қайд қилганимиздек, мақомларни абадиятга муҳрлашни Комил Хоразмийга топширади ва ўзи мунтазам равишда раҳнамолик этади.

Комил Хоразмий 1825 йили мадраса мударриси Абдулла Охунд оиласида Хивада туғилган. Ўрни келганда бу забардаст мусиқа алломаси ва шоири замоннинг ёши тўғрисида икки оғиз айтиб ўтишни лозим кўрдик, албатта буёғи адабиётшунос, тарихшунос олимларга ҳавола.

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида 1975 йили Комил Хоразмийнинг куллиёти чоп этилди. Ушбу куллиётни нашрга тайёрловчилар-филология фанлари доктори А. Ҳайитметов ва филология фанлари номзоди В. Мўминовалар: "Комил 1899 йили 74 ёшида Хевада вафот этди"¹, деб қайд этганлар. Ҳасанмурод қори Лаффасийнинг бизда сақланаётган қўлёзмасида: "Комил исхол касалига дучор бўлиб, уч кунга қадарли исхоли кучайиб, шу хасталиг бирлан тарих ҳижрий бир минг уч юз ўн бешланжида (1897 й.) 72 ёшида охира сафари қилиб, жаннат бўстонида манзил қиладур"², — деб ёзади.

Таниқли мусиқашунос олим Матниёз Юсупов: "Комил вафоти (1897) дан кейин Хоразм санъат ва музика билан шуғулланиш ишлари сусайиб кетди"³, — деб ёзади.



3-расм.

Комил Хоразмий

3-picture Komil Khorazmi

¹ Комил Девон. "Девон", 6-бет.

² Лаффасий. Кўлимиздаги қўлёзма, 19-бет

³ М. Юсупов. "Хоразм мақомлари", 1-жилд, 9-бет.

"Танбур чизиги"нинг яралишига келсак, Матниёз ака-нинг мусиқа санъати тўғрисидаги фикри ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки Комил Хоразмий Хоразм "Танбур чизиги"ни бошлаб берган бўлса-да, у олти ярим мақомнинг бир мақомини — "Рост"ни қоғозга туширган, холос, қолган беш ярим мақомни унинг ўғли, машҳур бастакор Расул Мирзо ва Муҳаммад Раҳимхон Соний — Феруз назорати остида хон созандалари, Комил Хоразмийнинг шогирдлари амалга оширганлар, қолаверса, бу мулк Комил Хоразмий ҳаётлигида ниҳоясига етказилади. Бу тўғрида мана Илёс Акбаров нима дейди: "Комил Хоразмий ўзининг Танбур чизиги асосида Рост мақомининг бошланғич қисмини ёзиб чиқади. Унинг ўғли машҳур созанда Муҳаммад Расул Мирзобоши барча Хоразм мақомларининг чертим ва айтим йўлларини тўла қоғозга кўчирди. 1883 йилда (1300 ҳижрий) Хоразм хони саройида котиб Муҳаммад Юсуфбек Бобошонбек томонидан кўчирилган ва ҳозирга қадар сақланган қўлёзма бошқа мавжуд қўлёзмаларга нисбатан бирмунча мукамал ва аниқлиги билан ажралиб туради"¹.

Комил Хоразмий Ҳассос шоир, мусиқа устаси, у танбурнинг 18 пардасига қараб 18 чизик чизиб, куй нечанчи пардада ўйналса, нохуннинг урилишига биноан нуқталарни жойлаштирган ноёб талант эгаси. Унинг лирикасида ҳам созга, мақомларга муҳаббат алоҳида бир жанрдорлик касб этадиким, ашъоридан соз саси эшитилиб тургандай бўлади. У бир ғазалида танбурни улуғлаш борасида мусиқани шоҳу гадога баробар эъзозлилигини тараннум этади. Ғазал матнини келтиришдан аввал сал эътирозли чекиншига тўғри келади. Феруз шахсини яна ҳам юксакроқ улуғлаймиз деб Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасуллар ушбу ғазал матлаъсини бузиб нашр этганлар. Улар шундай ёзадилар: "Шоир (Комил Хоразмий) ўзининг бир шеърида Ферузнинг мусиқа илмига муносабатини шундай кўрсатади:

Ғар олса илгига шоҳ танбур,
Чекар кўнглимдек ўтлиқ оҳ танбур"².

Аслида бу ғазал мана бундай битилган:

¹ И. Акбаров "Мусиқа лугати", 340-бет.

² Д. Раҳим, Ш. Матрасул. "Феруз: шоҳ ва шоир қисмати" Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991 й., 86-бет.

Ғар олса илгига ул моҳ танбур,
Чекар ўтлиқ кўнгулдек оҳ танбур.

Қилур мутрибвашимнинг фуқратида
Дамодам нолаи жонқоҳ танбур.

Ғамингдин нола айларда туну кун
Мангодур ҳамдаму ҳамроҳ танбур.

Бўлурман ғам сақилидин сабукбор,
Аён қилса ғар ишқил-лоҳ танбур.

Жаҳонда сознинг анвои кўпдур,
Вале истар гадову шоҳ танбур.

Бўлур ушшоқ, эй мутриб, асиринг,
Олиб соз айласанг, "Дугоҳ" танбур.

Қилур сайри мақомат, ул жиҳатдин,
Эрур Комилға хотирхоҳ танбур.

Комил Хоразмийнинг мақомларга ихлосини авваламбор устозлари, қолаверса Муҳаммад Раҳимхон I сулоласининг мусиқа санъатига бўлган муҳаббати тоблаган. Унинг устозлари замонасининг забараст созандалари ва мақом таълимотчилари бўлган. Ниёзхўжанин шогирди Муҳаммадҷон сандиқчидан Абдусаттор маҳрам Хўжаш маҳрам ўғли таълим олган. Мадаминхон даврида Абдусаттор маҳрамдан Худойберган этикчи, ундан Комил Хоразмий таълим олган. Иккинчи тарафдан, хонларнинг мусиқага бўлган ишқи ҳар қандай таҳсинга лойиқ. Ферузнинг отаси Сайид Муҳаммадхон дутор, гижжак чалган дейдилар.

Комил Хоразмий ва унинг шогирдлари томонидан халқнинг бебаҳо мулки — мақомларнинг ноталаштирилиши Феруз замонасининг энг гуллаган, мусиқа маданияти энг юқори чўққига кўтарилган даври ҳисобланади, негаки, ушбу "Танбур чизиги" жаҳон мусиқа маданияти хазинасига қўшилган катта бойликдир.

"Танбур чизиги"ни яратиш жараёни, албатта, баҳссиз, мунозарасиз кечган эмас. Комил Хоразмий устозлар ва етук созандалар маслаҳатига таяниб бу улкан масъулиятли ишга қўл урган.

Ҳасанмурод қори Лаффасий шундай ёзади: "Паҳлавон Мирзобоши девонбегилик мансабига ҳам тайин бўлиб, Хоразмнинг тамом бож-хирож, закотлари Паҳлавон девонбе-

гининг тахид иродасида бўлганидан ул ўзига кибр пайдо қилиб, бошқа сипойи-амалдор, вузароларни манзур-назар қилмайду¹.

Бу албатта, эътирозли гап, чунки замонаи аллома шоир, буюк тарихнавис Огаҳий Комил Хоразмий тўғрисида бундай деган: "Наврас фикр ва тоза таъб шуародин, фозил ва ҳунар аҳли орасида мумтоз Полвонниёзким, фозиллар гуруҳи ичра тахаллуси Комилдир"².

Амал балки бироз унинг феълени ўзгартиргандир, уёғи худога аён, лекин форсийдан ноёб китобларнинг нечасини туркийга ўгириб машҳури замон бўлган, ғазаллари ҳофизлар томонидан севилиб куйланган, созанда аҳлининг пешқадами, нодир куйлар ихтирочиси, хаттотлик илмининг устози, девонлари тошбосмада чоп этилган, шоирлар ўз замонида унинг тимсолида буюк бир сиймони кўрган зўр истеъдод соҳибигина, яъни Комил Хоразмийгина мақомларни мукамал ноталаштириш ишининг уддасидан чиқа оларди.

"Танбур чизиги"ни яратишда фаол қатнашган ва уни охирига етказган яна бир буюк шахс — Комил Хоразмийнинг катта ўғли Муҳаммад Расул Мирзодир. У XIX асрнинг 30-йиллари охирида Хивада туғилган. Мирзо ёшлигидан созга, адабиётга катта ихлос кўрсатиб, ота касбига меҳр қўйди. Ўз меҳмонхоналаридаги фозилу фузалолар суҳбатидан баҳраманд, ижро этилган мақомлардан қулоқ қонди бўлиб ўсди ва машаққатли машқлар эвазига замонасининг пешқадам машшоқи, мусиқашунос олими, забардаст шоири бўлиб етишди. Юнус Юсупов Айёмий Мирзо хусусида шундай ёзади:



4-расм.
Муҳаммад Расул Мирзо

4-picture Mukhammad Rasul Mirzo

¹ Лаффасий. "Тазкираи шуаро", қўлёзма, 17-бет.


² Айёмий. "Ўт чақнаган сатрлар", Тошкент, Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983 й. 90-бет.

"Муҳаммад Расул Мирзо отаси Комил ихтиро этган шашмақом чизиқлари-нотани қоғозга кўчириб чиқди ва уни китоб ҳолига келтирди. Бир вақт мавжуд олти мақомга (шашмақомга) Хоразм бастакорлари ярим мақом янги куйлар басталаб, уни олти ярим мақом деб юритганлар. Мирзо ярим мақом ҳисобланган "Панжгоҳ" мақомига яна бир қанча куйларни қўшиб, уни бир мақом ҳолига келтирди. Шундай қилиб, Муҳаммад Расул Мирзонинг ижордорлиги ва жиддий ташаббуси билан мақомлар 7 га етказилади"¹.

Домла Айёмий, албатта, эшитганини ва "Хоразм мусиқий тарихчаси"га таяниб ёзади, қолаверса, унинг шоирлар тўғрисидаги очеркларида, асосан уларнинг адабиёт соҳасидаги қилган ишлари баёни кўпроқ қаламга олинган. Шу боисдан домланинг юқоридаги баёнида андак ғализлик бор.

Фитрат домла бу хусусда анча тўғри фикрлайдилар: "Хоразмда ёзилгон "Хоразм мусиқий тарихчаси"га кўра, ундаги мусиқийшунослар ўз томонларидан боғланган турли нағмаларни ярим мақом ҳисоб қилиб, шашмақомга тушканларда, ҳаммасини олти ярим мақом санаганлар. Сўнгра улар Хоразм мусиқийшуносларидан Муҳаммад Расул Мирзо бошининг ижтиҳои билан мазкур ярим мақомга яна бир неча куй қўшиб тўлдирганлар-да, ҳаммаси етти мақом бўлган.

"Хоразм мусиқий тарихчаси"нинг кўрсатишига кўра, бу еттинчи мақом "Панжгоҳ" мақомидир. Меним фикримча, панжгоҳни ярим ёхуд бир ярим мақом санаб, мақомни еттига чиқариш ўрунсиздир, чунки: а) "Хоразм мусиқий тарихчаси"нинг 27-бетида панжгоҳ мақомидан деб кўрсатилган куйларнинг ҳаммаси мушқилотдир. Наср қисми йўқтир. Ҳолбуки, бунинг бешинчи бир мақом бўлиши учун наср ҳам тароналар лозимдир; б) Панжгоҳ мақомидан деб кўрсатилган маз-



5-расм. "Хоразм мусиқий тарихчаси" китобининг муқоваси

5-picture Book-jacket of the book Music histori of Khorezm


¹ Ю. Юсупов. "Хоразм шоирлари", Тошкент, 1967 й. 73-бет.

кур саккиз куйнинг ҳаммаси Хевада ясалмаган. "Мухаммаси ушшоқ", "Сақийли вазмин" эскидан бордир, "Рост" мақомининг куйларидан саналадир, ҳам шул рост пардасидан чалинадир, айниқса "Мухаммаси ушшоқ"нинг "Рост" мақомидан бўлишида шубҳа йўқдир, чунки ушшоқнинг насри "Рост" куйларидан биридир, ҳам шул пардадан чалинадир. (Негаким "баёт" насри наво мақомидан, "Мухаммас" ҳам шундан, "Насруллоҳий" бузрук мақомидан, унинг мухаммаси ҳам шундандир); в) умумшарқ муסיқасида ҳам "панжгоҳ" отли айрича бир мақом йўқдир.

"Панжгоҳ" отли бир куй бордирким, "Рост" мақомидан саналадир. Мана шу мулоҳазаларга таяниб, биз "Хева муסיқий тарихчаси"нинг "етти мақом" деган фикрини қабул қила олмадик. Сўнгра биз мақомнинг ёлғиз чолғу билан юрган қисмига "мушкилот", чолғу ҳам қўшуқ билан юрганига "наsr" дедик. "Хоразм муסיқий тарихчаси" эса бунинг тескарисини кўрсатадир. Бунга кўра мақомнинг ёлғиз чолғу билан юргани мансур, чолғу ҳам қўшиқ билан юргани манзумдир. Бу айирма мени бир оз шоширди. Ҳатто "тарихча"даги тақсимни қабул этмак

фикрига тушкан вақтларим ҳам бўлди. Лекин "тарихча"нинг 20 — 26-бетларида ҳар мақомнинг қўшуқли (айтимли) шўьбаларини ёзганда "наsrи баёт", "наsrи ажам", "наsrи чоргоҳ" каби куй исmlарини кўргач, мақомнинг қўшуқли қисмига "наsr" дейишнинг тўғрилигига ишондим. Шу йўлда тақсим этдим.¹

Муҳаммад Расул Мирзо Хоразм олти ярим мақомини "Танбур чизиги"га муҳрлашда пешқадамлик қилгани тарихдан маълум, негаки унинг отаси Комил Хоразмий фақат битта мақом — "Рост"нинг чертим ва айтим йўлларини қоғозга туширган.



6-расм.

"Танбур чизиги".
Баёний кўчирган

6-picture Mukhammad Yoqub
Kharroi Devon



7-расм.

Муҳаммад Ёқуб
Харрот Девон

7-picture "Tanbour chizighi", The
last page of the script copied by
Byani.



8-расм.

Худойберган муҳркан.

8-picture Hudoiberghan Mukhrkan

"Мирзо бастакор сифатида "Рост" мақомига "Сабъ" ва "Уфори" номларида икки куй басталагандир. Қарияларнинг айтишларига қараганда, Мирзо танбур ва ғижжақда фавқуллодда зўр маҳоратга ва истисъодга эга бўлган. Шунингдек, усул-чилдирма чалишда ҳам катта маҳорат қозонган. Мирзо музика бўйича Феруз (Муҳаммад Раҳимхон II)нинг муаллими бўлган.¹

Хоразмнинг бу улуғ фарзанди, Хива "Мажмуатуш-шуро"сини тузган Аҳмаджон Табибийнинг таъбири билан айтганда "Шеър элининг алломаси", "Сабоқи назмда пир", "Шоир аҳлининг устои" Муҳаммад Расул Мирзо 1922 йилда 83 ёшида вафот этади ва "ўз хусусий мадрасасига дафн қилинади".²

Хоразм "Танбур чизиги"ни мукамал ҳолида қоғозга туширишдек муқаддас ишга Расул Мирзо қатори

Муҳаммад Ёқуб Харрот, Худойберган муҳркан, Муҳаммад Юсуфбек Бобожонбек ўғли Баёнийлар фаол иштирок эт-

¹ Фитрат. "Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи", 11-бет.

¹ Ю. Юсунов. "Хоразм шоирлари", 73-бет.

² Ю. Юсунов. "Хоразм шоирлари", 74-бет.

ганлар. Озод Бобоназаров тадқиқ этаётган "Танбур чизиги" Баёний қаламига мансуб нусхадир. Бу насха И. Акбаров кўрсатганидек, яъни ҳижрий 1300 йилда кўчирилган эмас, балки ҳижрий 1338 кўчирилган, лекин Муҳаммад Расул томонидан 1300 йилда (1883 й.) битилган.

Хоразм тарихнавислигининг улкан намояндаларидан бири, тиб илмининг билимдони, иқтидорли шоир, хаттот Бобожонбек ўғли Муҳаммад Юсуф Баёний 1840 йили Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида дунёга келган. У Хиванинг Мадраҳимхон I дан аввалги хони Элтузархоннинг (1804 — 1806) чеварасидир.

Кези келганда, Баёнийнинг туғилган йили боис чалкашликлар хусусида икки оғиз айтиб ўтишни лозим топдик, негаки Ю. Юсупов: "Баёний 1859 йилда Хивада туғилди"¹, — деб ёзади. Айёмий домла андак янгилашган кўринадилар, чунки Феруз девонида ишлаган Бобожон Тарроҳ: "Шоир Баёний 70 ёшларида вафот этган бўлса, эҳтимол"², дейди. Баёний 1923 йилда вафот этади. Қолаверса, Д. Раҳим, Ш. Матрасул: "Ферузнинг соз илмига меҳр қўйишида устоди ва дўсти Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг хизматлари беқиёсдир"³, — де ёзадилар. Муҳаммад Раҳимхон Соний — Феруз 1844 йилда туғилган.

Шундай экан, Баёний 1859 йили туғилиши мумкин эмас, яна худо билади, негаки Қ. Муниров: "Ҳозиргача Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг ҳаёти, ижоди ва илмий мероси адабиётчиларимиз ва тарихчиларимиз томонидан ўрганилган эмас", —⁴ деб ёзади. Балки Ю. Юсупов Баёнийни "64 ёшида вафот этди"⁵ деганида, унинг отаси билан чалкаштиргандир. Баёнийнинг ёзишича: "Ушбу йилким, ҳижратнинг минг икки юз саксон саккизланчиси ва қўй йили ва сунбуланинг авохири эрди (1871), ҳазрати алломайи замон ва олими улуми мутадовил (машҳур) ва пинҳон, яъни Бобожонбек ибн Оллоберди тўра ибн Элтузархон жаннатмакон бақо оламиқа азм этдилар. Айёми ҳаётлари 64 йил эрди. Ул ҳазрат илми сарф (морфология) ва илми наҳв (грамматика) ва илми мантиқда ягонаи аср

¹ Ю. Юсупов. "Хоразм шоирлари", 91-бет.

² Б. Тарроҳ. "Хоразм навозандалари" 41-бет.

³ Д. Раҳим, Ш. Матрасул. "Феруз: шоҳ ва шоир қисмати", 89-бет.

⁴ Қ. Муниров. "Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари", 32-бет.

⁵ Ю. Юсупов. "Хоразм шоирлари", 93-бет.

ва илми ҳикматда яктойи даҳр эрдилар ва китоби "Шабистон" ва "Девони Бедил"нинг мағаллақотлари ҳаллида оламоройлари иқдақушод эрди. Лиҳозо ҳузури вофияссурурлари маржи уламо ва фузало эрди ва тибу рамлу нужуму ҳисоб фанларида ҳам бағоят моҳир эрдилар. Раҳматуллоҳи алайҳ ул ҳазратдин икки ўғул қолди. Валади иршодлари сарвари атиббо Яхшимуродбекдурлар. Иккиланчиси ушбу фақири ҳақир Баёнийким, бу ҳуруф роқимидурман".

Бу янглиғ наёб истеъдодсоҳиб отанинг ўғли бўлмиш Баёний ўз замонасининг етуқ намояндаси бўлиб етишди. У ғазаларини жамлаб бир девон тузган, тарихчи сифатида "Шажарайи Хоразмшоҳий" ва тугалланмай қолган "Хоразм тарихи" асарларини битган. Араб ва форс тилларини мукамал билган Баёний бир неча асарларни, жумладан, Мавлоно Дарвеш Аҳмаднинг 3 жилдлик "Саҳоифул-ахбор", Биноийнинг "Шайбонийнома", Табарийнинг "Тарихи Табарий"ларини ўзбек тилига таржима этган.

Бу серқирра олим Хоразм олти ярим мақомини мукамал билган. Унинг хонадонидан танбур, дутор, ғижжак, буломон, доира каби мусиқа асбоблари мавжуд бўлиб, Хиванинг зўр созандалари тонг отар соз қилишган. Унинг ёқимтой меҳмоннавозлиги уйига файзу баракот бериб турган.

Бугунги кунда биз тарафдан таҳлил этилаётган "Танбур чизиги" айнан Баёний қаламига мансуб, кўзимизга тўтиёдир. Баёний 1923 йилда вафот этган.

"Танбур чизиги"ни ўз замонасида эътиқод ила ижро этган созандау гўяндалар, бастакору хаттотлар олдида бош эган ҳолда, ушбу мураккаб иншога илк бор озмиқўпми жон киргизган яна бир зукко мусиқашунос



9-расм.

Муҳаммад Юсуф Девон-Чокар

9-picture Mukhammad Usuf Devon-Chokar

Баёний. "Шажарайи Хоразмшоҳий", Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 207-бет.

тўғрисида сўз юритмоқчимиз. Бу олим Муҳаммад Ёқуб Девоннинг ўғли Муҳаммад Юсуф Девон — Чокардир.

Чокар 1881 йили Хива шаҳрига яқин Шихло қишлоғида харрот (йўнувчи) оиласида дунёга келган. Унинг ота-бобоси харротлар бўлсалар-да, отаси Муҳаммад Ёқуб Девон моҳир созанда бўлган. Матёқуб харрот Хоразм олти ярим мақомини тўлиқ билган ва "Танбур чизиги" ни кўчиришда қатнашган хаттот ҳамдир.

Чокарнинг туғилган жойи хусусида аниқлик киритиб кетишни лозим топдик, негаки ҳар қанай безътиборлик азиз аждодларимизга бўлган ҳурматимизни хиралаштиради.

Айёмий домла Чокарнинг туғилган жойини Шомохулум қишлоғида дейди, лекин шоир билан бир ҳужрада ётиб таҳсил олган Ходим-Бобожон Тарроҳ: "Чокар Шихло деган қишлоқда қози Иноят қўминда туғилган"², — дейди. Бизнингча, бирга ўқиб, бирга ўсган одамнинг гапи тўғри бўлса керак.

Чокар кенг қамровли ижод соҳибидир. У мутриб оиласида туғилгани боис, ёшлигидан саз илмига катта меҳр қўйган ва оқибатда чолғу асбобларининг қарийб барча турида чалиб билган. Айёмий домлада сақланган "Таржимаи ҳол"ида Чокар шундай ёзади: "Классикага хос чолғувчилардан танбур машқини таълим олиб, қўлим моҳир бўлгандан сўнгра Хоразм классик мақомларини айтдим ва чертдим, қисмларининг машқига киришиб, уни билгандан кейин, Хоразм нотасини қараб чалиш қоидаларини ўргандим. Ашулани Хоразмнинг улук гўяндаси Матёқуб подачидан (китобда хато кетган кўринади, аслида "позачи", яъни омовч ясайдиган усталар сулоласидан бўлгани учун ҳам машҳур мақомчига Матёқуб позачи дейдилади — К.А.) гижжак, самтурни мусиқий устоз Қаландар Дўнмасдан, дуторни мулла Машариф Қамбардан, гармонни Қурбон созчидан ўргандим. Чолғу асбобларини ясаш ва ремонт қилиш ва йўнувчилик ҳунарларини ҳам биламан"³.

Атоқли бастакор ва мусиқашунос олим Чокар инқилобдан кейин Хоразм театрида, Самарқанд илмий-текшириш музика институтида ишлаб, истеъдодли бастакорлар

М.Бурҳонов, М.Левиев, Ш.Рамазонов ва бошқа кўплаб ажойиб мусиқашунос бўлиб етишган илми толибларга таълим берган.

Чокар 1940 йиллардан кейин то умрининг охиригача (1952 й.) Навоий номидаги опера ва балет театрида ишлади. Бобожон Тарроҳ Чокарни 55 йил умр кўрди деб янглиш кўрсатган, балки нашр хатосидир, яна худо билди.

Чокар "Танбур чизиги"ни мукаммал билгани боисдан Хоразм маориф нозирлиги томонидан Москвада нашр этилган "Хоразм мусиқий тарихчаси"нинг асосий муаллифидир.

"Танбур чизиги"га битилган Хоразм мақомларига янгидан жон бахшида қилган одам, жойи жаннатда бўлсин, Матпано ота Худойбергановдир. Бу мўътабар инсон тўғрисида кам ёзилган, ваҳоланки, Хоразм мақомларини шу кишидан ўрганиб, Матниёз Юсупов "Хоразм мақомлари" китобларини чоп қилдирди, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов ва бошқа қатор саз аҳли доврўқли бўлдилар.

Ҳаётдаги кўп тилсимлар одамзодни асрлар давомида лол қолдириб келган. Бутун олам оҳанги бир қамишга жамлангандай, пуфлаган билан кўз ўнгингда намоён этадиган най, бир чўмич янглиғ гижжак симларининг титратмасидаги дунё-дунё севинчу гамнинг мужассамлиги, ипак торлар тароватидаги хушнаволиғ, сўзлар билан тасалсуллик, кўнгил билан мутаносиблик бир мўъжиза эмасми? Ёпирай! Мусиқа, қўшиқ сабаб инсонлар қонидаги қавийликдан, кучдан юрак уришлари-чи?!

Шу боисдан ҳам қўшиқларга, куйларга, мақомларга сайқал бериш, жило бериш бир сония ҳам тўхтамайди. Йиллар давомида унинг ривожига дахлдор одамларнинг



10-расм.

Матпано Худойберганов.

10-picture Matpano Hudaiberganov

¹ Б.Тарроҳ. "Хоразм навозандалари", 83-бет.

¹ Ю.Юсупов. "Хоразм шоирлари", 105-бет.

² Б.Тарроҳ. "Хоразм навозандалари", 82-бет.

³ Ю.Юсупов, "Хоразм шоирлари", 106-бет.

вақти-вақти билан дунёга келишининг ўзи бир мўъжиза. Акс ҳолда классик мўсиқамиз, мақомларимиз парокандаликка маъқум бўлур эди. Кимларнингдир саъй-ҳаракати билан, хоҳиши туфайли сув оқими ўзгаргандай, кимларнингдир рўйхушлиги билан мўсиқа оқими ҳам ўзгариб, бутун бир маданият оқимиға таъсир қила бошлади, бошқа мўсиқа оқимлари билан аралашиб, рангини, ўзлигини йўқота бошлади. Бироқ ҳар миллатнинг куй дарёси минг йилликлар тарихига эга, унинг ирмоқларида ҳам шу оҳанг оқмоғи лозим. Лекин бу ҳаёт, билгичдан-билгич, дунё кезгичдан-дунё кезгич кўп, оҳангларни бошқа оқимларға йўналтириб юборганларини сезмай қоладилар. Ана шундай вақтда миллий оҳангларнинг, мумтоз мўсиқамизнинг ҳақиқий шайдолари, унинг билимдонлари, фидойилари жон куйдириб, мавж уришиға, юксалишиға боғлиқ билимларини, кучларини, қувватларини сафарбар этадилар.

Юқорида қайд қилганимиздек, табаррук мақомларимиз неча бор аянчли аҳволға тушганиға тарих гувоҳ. Мақомларнинг сони 12 та, шўъбаларининг сони 24 та бўлгани бугунги кунда олис хотиротдир.

Муҳаммад Раҳимжон Соний — Феруз ана шу 12 та мақом қолдиқларидан олти ярим мақомни "Танбур чизиги"ға ёздиртиргани, албатта, беқиёс тарихий воқеа. Шу олти ярим мақом ҳам асримизнинг 40-50-йилларига келиб унут бўлаёзди, инқирозға юз тутди. "Танбур чизиги"ни ўқий биладиганлар ва умуман мақомлардан боҳабар бўлганларнинг қатағон йиллари (1937 йил) аёвсиз қириб ташлангани асримизнинг энг мудҳиш фожеаси ҳисобланади.

Барибир фидойи одамлар топилади ва улар юрт учун, она замин учун куйиб яшайдилар. 1943 йилнинг январида Хоразм вилоят театрининг директори бўлиб ишлаётган ёзувчи Юнус Юсупов (Айёмий) домланинг қалбига мақомларни тиклаш ғояси тинчлик бермай қолдиким, у театрда хизмат қилаётган ҳофиз Ҳожихон Болтаевни ҳузуриға чорлаб:

— Хоразм мақомларининг ўрисча ёзувини топдим. Буни ўқиб, ким ижро қила олади? — деб сўрайди.

— Буни ўқиб билиш-билмаслигини билмайману, лекин мақомларға қулоқ қонди бўлган одам бор, — дейди Ҳожихон ака.

— Ким?

— Хударган мўҳрканнинг ўғли, Матпано ака.

— Ҳозир қаерда у киши?

— Ана, УПРАДИСда (УПРАДИКда демоқчи, яъни Амударё сув ҳавзаси бошқармаси — К.А.) ишчиларға чой қайнатади.

— Илтимос қилиб театрга ишға олиб келиб биласизларми?

— Ё насиб.

— Шу бугуноқ боринг, ҳозироқ боринг, — дейди ҳаяжонланиб кетган Айёмий.

Ҳожихон Болтаев, Нурмат Болтаев, ёшгина Аҳмаджон Машариповлар Урганчининг эски қалъасида жойлашган Маъсим эшон пиримизнинг мадрасаларида истиқомат қилаётган Матпано отаникиға бориб, отани зўрға кўндиришади ва эртасиға Айёмий домланинг олдиға олиб келишади.

Айёмий домла ҳол-аҳвол сўрашғач:

— Қани, Матпано ака, театруга ишға олсак, ишлайсизми? — деб сўрайди.

— Не билай, — дейди Матпано ота ер чизиб ўтирганча.

— Сизни мақомларни яхши билади деб мақташяпти, мана, мақомларимиз тўғрисида ўрисча китобни топдим, лекин буни ўқиб биладиган, бу ноталарға қараб чалиб биладиган одам йўқ. Мақомлар ўлиб бораёттир, ўргатмасангиз бўлмас, на дейсиз?

— Не билай...

— Не билай эмас, уста, билганларингизни аямай ина буларға ўргатинг, — Ҳожихон ака, Нурмат ака, Аҳмаджонлар устаға илтижо билан қарашиб, директорларининг гапини маъқуллагандай бош ирғашиб ўтирибдилар. Матпано ота "қандоқ бўлар экан" қабилида андак андиша билан шогирдларига бир-бир қараб сал кулимсирағач, Айёмий домла хурсандчилик оҳангида давом этди, — Сизға бугун буйруқ берамиз, театрунинг буйруғини.

Шундай қилиб, 1943 йили 14 январь куни театрунинг 9-буйруғи чиқди. Худойберганов Матпаноға ҳар кунига 43 сўм маош белгиланди. Кунда концертға қатнашадиган артистларға 38 сўмдан маош тўланган бир вақтда Матпано отаға кўрсатилган бу илтифот устозға бўлган, мақомларға бўлган меҳр-оқибатнинг инъикоси эди.

Матпано ота Худойберганов шогирдларига фақат мўсиқа ва қўшиқларни ўргатибгина қолмай, тетрунинг колхоз-совхозлардаги концертларига ҳам қатнашиб, жамики созандаю гўяндларнинг меҳрибон, суюкли мураббийсига айланган.

Матпано ота оиласи билан бир мадраса ичида ёнма-ён яшаган Нурмат ака билан Розия Муродовалар оби ёвғонини устоз оиласи билан баҳам кўришган. Матпано ота рафиқаси Саражонби иккови яшаган Маъсим эшон пиримизнинг мадрасаларида олти оила истиқомат қилган, бир эшикдан кириб-чиқишган. Олти оиланинг учтаси руслар оиласи бўлган, лекин бу олти оиланинг аҳиллиги, оғизбирчилиги тавсифу таҳсинга лойиқ. Урушнинг оғир, машаққатли йиллари, на электр, на газ, на водопровод, на душ, на ванна йўқ, 1 кило буғдой 60 сўм; бир кунлик маош қарийиб ярим кило буғдойга етадиган, қишнинг изғиринли, совуқ кунлари ҳар ҳужрада битта оиладан олти оиланинг ҳамжиҳатликда яшаши бизнинг ота-боболаримизга хос кенгбағирлик, олийҳимматликнинг нишонасидур.

Ота-оналаримизнинг сабри-тоқати янглиғ улкан мулкни баъзан андак ёддан мосуво этмоқчи бўламиз. Матпано ота оиласи билан Нурмамат акалар оиласига бир ўчоқ, бир қозон. Аввал Саражонбиби пиширса, кейин Розия опа шу қозонни қайнатади. Саражонбиби аслзодалар авлодидан, хушсуврат, сочлари узун, истараси иссиқ, қўли мазали пазанда аёл бўлганким, унинг юзидаги чирой мадрасага, ҳужраларга ботиний бир ёруғлик бахшида этиб турган.

Матпано ота ҳам хушсуврат, шўх, ҳалол, ҳусниҳат одам бўлган. Унинг истарасидаги нур одамларни ўзига оҳанрабодек тортганким, фақат ҳавасга менгзайди. Шу боисдан ҳам унинг тилсимий ҳужрасидан шоиру фузало аҳлининг оёғи узилмаган. Ота махсум Партав, Раззоқ ота Омонов, Мадраҳим Шерозий, Ҳожихон Болтаев, Нурмамат Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Матниёз Юсупов, Абдушариф Отажонов, Олланазар Ҳасанов, Ҳайитбой Бобожонов, Қутлимурод Ҳажиев, Назира Юсупова, Султонпошша Раҳимова, Розия Муродова, Аҳмаджон Машарипов, машҳур усулчи Матёқуб Отажонов, Отамурод сурнай, халқ орасида афсонавий раққосага айланган Саодат Давлатова, гармончи Жума Отажонов, Ўғилжон ўйинчи ва бу ерда исмлари зикр этилмаган яна қанча созандаю гўяндалар соз ўрганишган, қўшиқ ўрганишган, ҳамсуҳбат бўлишган.

Матпано отанинг саъйи-ҳаракатлари билан Хоразмнинг олти ярим мақоми тикланган. "Рост"нинг мухаммаслари, сақили вазмини, "Сегоҳ"нинг "наврўзи хоро", "нақшию", "настри ажам"лари, "Ироқ"нинг са усуллари, "Дугоҳ"нинг "сақили Феруз", "тахта зарб", "баёт"лари, "Бузрук"нинг

"насурллои"лари, "Наво"нинг "настри орази" ва ҳамма мақомларнинг тани мақомлари, нақшу суворалари, уфори-ларининг ҳам чертим, ҳам айтим настри оҳанглари мадраса гумбазлари пештоқларини жаранглатиб, то тонггача дилларни хушнуд этган.

Матпано отанинг мўъжаз ҳужрасидаги тинимсиз машқлар, ҳамкорликдаги ижодий изланишлар ўз самарасини берди. Шундоқ ҳам халқ суйган Мадраҳим Шерозий, Ҳожихон Болтаев, Нурмамат Болтаев, Комилжон Отаниёзовлар улкан хазинага, мақом мулкига эга бўлдилар, доврўқли ҳофизлар бўлиб донг чиқардилар. Матниёз Юсупов Хоразм мақомларини нотага олиб чоп қилдириди, етук бастакор бўлди, Абдушариф Отажонов, Роман Оллабергановлар қанчадан-қанча спектаклларга куйлар басталаб, бастакорлик туғини баланд кўтардилар. Назира Юсупова "Фарёд"ни, халқ лапарларини, бошқа яна неча-неча созандаю гўяндалар куй, қўшиқларни ўрганиб, қиёмига етказиб ижро этганлар, доврўқли бўлганлар.

Матпано ота моҳир танбурчи, созанда бўлиши билан бирга ширали шоир ҳам бўлган. Унинг тахаллуси Суханвардир. Ҳазаллари ўйноқи ва содда, халқ ўртасида машҳурдир.

Матпано ота Худойберганов-Суханвар 1961 йил 1 августда 82 ёшида бақо оламига риҳлат қилади, қабри Урганч туманидаги Шаҳобиддин қабристониди.

Матпано ота Худойберганов билан елкама-елка туриб, йўқолиб бораётган мақомларни тиклашда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилган улкан санъаткорлар руҳи олдида эҳтиром ила бош эгамиз. Булар Мадраҳим Ёқубов Шерозий, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов ва бошқалардир.

Мадраҳим Ёқубов Шерозий 1890 йил Хивада дунёга келган. У мактабда таълим олиб юрган чоғларидаёқ ашулага, созга ихлоси баланд бўлган. Уша даврнинг машҳур ҳофизлари Полли дузчи, Қуржи оталарга эргашиб, ашулани юракдан ижро қилишни, сўзларни аниқ, эшитувчилар қалбига сингдириш йўлларини ўрганди. У киши ўрта бўйли, хушмуомала, истараси иссиқ, саводли ҳофиз эди. Унинг касби тикувчилик бўлганиданми, кийган кийимлари жуда бежирим, ўзига ярашиқли эди. Биз у кишининг суҳбатига ҳамиша иштиёқманд эдик, бағоят хушсухан одам эдилар раҳматлик. Қоракўл терининг "шерози" навидан телпак кийиб юргани учун унга Шерозий деб лақаб қўйганлар, суйиб ардоқлаганлар.



11-расм.

Мадраҳим Шерозий

11-picture Sherozi

Мадраҳим Шерозий 1923 йили Москвада бўлиб ўтган Бутун Россия қишлоқ хўжалик кўрғазмасида ўз ҳамнафаслари доираси Мулла Юсуф ота, танбурчи Раззоқ ота Омонов, буломончи Худойберган ота, Хударган раққос (Вовоқ), масхарабоз Раҳим Оллаберганов, Жуманиёз сурнайчи ва бошқалар билан қатнашиб, москваликларга Хоразм санъатининг шон-шуҳратини намойиш этган.

Мадраҳим Шерозий кенг қамровли, улкан санъаткор эди. Хоразм суворийларини куйлашда ўзига хос услуб кашф этиши билан бирга йиллар давомида уни зийнат-

лади, жило бахш этди. У ижро этган "Якпара суворий", "Чапандози суворий", "Кажанг суворий"лар бетакрор ва беқиёсдир.

Мадраҳим Шерозий халқ куй ва қўшиқларини қайта ишлаб, ўзининг қўшиқчилик йўлини яратди. "Гул Ватан", "Санамо", "Мустаҳзод", "Ўт энди гунойимни" ва бошқа қатор қўшиқлари халқ мулкига айланган.

Шерозий ота классик адабиётни яхши биларди, ўзи ҳам ижод этарди. Унинг қаламига мансуб шеърлар ўйноқи, нафис ва дилрабодурлар. "ЗАГС" номи билан машҳур бўлиб кетган термалари алоҳида таҳсинга лойиқ:

Номозшомдан чиққан ойлар ботмагай,
Севар ёра галган давлат қайтмагай.
Галмин-галмин бир галибсиз бизлара,
Дўққиз оқшомгача донглар отмагай.

Уйларимиз ҳавлингизнинг қошинда,
Оға-бола йигирма беш ёшинда.
Бошшиндаги шерозиси ярашган,
Ҳавасим бор гўззи билан қошинда.

Таровангни тирқишиннан қарийман,
Гежа-гундуз кутиб ойлар санийман.

Бунча ўзинг четга олма, оғажон,
Ўксириб ўт, овозингдан танийман.

Саёт кўлнинг сузиб юрган гозиман,
Шерозий боланинг ўрис созиман,
Отам-онам севганима бермаса,
Бошим олиб гетганима розиман.

Оёқимда жирқи кавуш қадоқли,
Дейма бола, ман бирова одоғли.
Гежа борин десам, ойлар қоронғи,
Гундуз борин десам, изим сўроғли.

Олиб барган ботинкаси дор акан.
Кўнглима муносиб яхши ёр акан.
Иккимизни осонгина қўшдилар,
Бахтимизга ЗАГС деган бор акан.

Мадраҳим Шерозий "Ҳурмат белгиси", "Меҳнат қизил байроқ" орденлари, "Ўзбекистон халқ артисти" унвонига мушарраф бўлган улкан санъаткордир. У 1973 йили 83 ёшида вафот этди, қабри Урганчдаги Охунбобо қабристониди. Хоразм мақомларининг, классик қўшиқчилик санъатининг ривожига беқиёс катта ҳисса қўшган бетакрор, улкан санъаткорлардан яна бири Ҳожихон Болтаевдир.

Ҳожихон Болтаев 1904 йили Хоразм вилоятининг Хонқа тумани маркази яқинидаги Қаричмон мавзёсида туғилган. Ота касби этикдўзликни яхши эгаллаган Ҳожихоннинг ўю хаёлини қўшиқ чулғаб олган кунларнинг бирида отаси уни ёнига ўтиргизиб:

— Ишласанг, ёмон этикчи чиқмайди сендан. Ҳарқалай ота касби... Ҳозир адашсанг бир умр ўксиб ўтасан, болам.



12-расм.

Ҳожихон Болтаев

12-picture Hojikhon Boltayev

Сен кўнги қўйган ишнинг оқибати йўқ. Этикдўзлик-ҳунар. Ҳунарли киши хор бўлмайди. Бунинг устига, ғараз билан ҳасад кўп ёмон... Ҳозир сўзларимни унча оғширмасан, ҳарқалай, худо ёринг бўлсин. Менга деса, этикдўз бўлганинг аъло, — деди.

Ҳожихон отасини ўксинтирмаслик учун ҳам этик тикди, ҳам қўшиқ айтди.

Мадраҳим Ёқубов-Шерозийдек улкан санъаткор бўлиб етишган Ҳожихон Болтаев йиллар давомида машаққатли изланишлари эвазига миллатнинг ғурурига, элнинг обрўсига айланди.

Асрлар давомида одамлар сўзга нечоғлик эътибор этсалар, овозга ҳам, созга ҳам шунчалар меҳр билан қарашади.

Ҳожихон Болтаевнинг овозида бир олам сеҳр бор эди-ким, у қандай қўшиқ ижро этмасин, хоҳ мозийдан, хоҳ шу бугуннинг тезоб йўлидан, барибир, эшитган одамнинг хаёллари олис-олисларга олиб кетар эди. Унинг овозидаги ишва ва жозиба йўқолиб бораётган мақомларга, сувораларга қайта ҳаёт бағишлади, уни дилларга жо этди.

Мен Ҳожихон аканинг микрофонга қўшиқ айтганини эшитган эмасман. Шундай вақтлар бўлганки, тўй барибир тўй-да, унда қатнашаётган одамлар ҳамма вақт ҳам бирдай жим ўтириб қўшиққа қулоқ солмайди, Ҳожихон ака торини уч қўлга, яъни "до"га сошлаб, "соль"дан "Феруз"ни бошлаганида ҳаммаёқ сув сепгандай жимжит бўлар эди, ана энди эшитаверасиз ашулани. Тоғдан тушаётган шалоладай гувлаб келади овоз, авжини қандай оларкан деб юрагингизни ҳовучлаб ўтирасиз.

Сал бурунроқ, бундан 5 — 10 йил аввал қўшиқ эшитувчилар ҳам бир анойи, шинаванда эдилар. Дейдиларки, бир сафар бир йиғинда Ҳожихон ака "Якпарда сувора"га Амирий сўзини ўқиётиб, авжида ушбу байтни ташлаб:

На хушдур ком аро насл истасам ширин дуоғингдин,
Лабингдин лаъли қиммат томдию гавҳар қулогингдин,
Ниёзу нозаро фарқ ўлмади бошу оёғингдин,
Висолингни тилаб оворалар бўлдим сўроғингдин,
Дилу жоним сенга қурбон-қурбону дилу жоним.

Кейинги катта авжга ўтаётганида, даврда қўшиқ эшитиб ўлтирган Хўжа дамирчи, яъни темирчи уста Ҳожихон акани тўхтатган:

— Тўхтанг, эшон, нега "На хушдур"ни ташлаб кетдингиз? Ахир бизлар Амирий сўзларининг мағзини чақиб ўлтирган эдик, нега тўлиқ айтмадингиз? — дея устанинг ўзи суворанинг шу авжи билан юқоридаги байтни ижро этган, шунда Ҳожихон ака катта авжнинг паузасини бера-туриб, халққа қарата:

— Уста айтсин деб ташлаб ўтган эдим, — деб юқорилаб кетаберган:

Жафо расмини бунёд айлаган бераҳм ёримсан...

Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаев қўшиқчилик санъатига ларза солиб ўтди дунёдан.

Ҳожихон бир мулкким, олтин ҳазина,
Хоразм созининг якпардаси у.
Инжудир узукнинг қошу кўзина,
Басе, қўшиқ аҳлин саркардаси у.

Забардаст ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаев 1986 йили оламдан ўтди, қабри Хонқа туманидаги Халфа эшон қабристониди.

Ушбу марсия унинг вафотига айтилган:

Кўзёшлар бўлиб дарё кетдими Ҳожихон билан?
Гирёнга тўлиб дарё кетдими Ҳожихон билан?
Соҳиби сирли созлар кўзин юмди бу оламдин,
Мулки сувора, аё кетдими Ҳожихон билан?
Сўл усул, "Талқини Рост", ҳам баётлар беқиёс.
Тушдай бетакрор гўё кетдими Ҳожихон билан?
Ҳайқириқли бежилов суворалардан айрилик,
Наҳотки бўлса рўё, кетдими Ҳожихон билан?
"Нигоро поймолинг"ни эшитмоқ боисиди,
Чақирурмиз кимни, ё кетдими Ҳожихон билан?
Тўй-базмлар тўлдириб гумбурловчи оҳанглар —
Дурмуши тилсим дунё кетдими Ҳожихон билан?
Ҳа, дегин, Комил Аваз, токи авлодлар учун,
Десалар, ўчмас зиё кетдими Ҳожихон билан?

Фидойилик ила мақомларга жон бахшида этган, қўшиқчилик санъати парвозига ўз услуби ила қанот берган яна бир улкан овоз соҳиби Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовдир.

¹ Н.Солаев, "Ҳожихон", "Хоразм" нашриёти, 1994 й., 5-бет.

Комилжон Отаниёзов 1917 йилнинг 20 июлида Шовот туманидаги Бўйрачи қишлоғида машҳур шоир Отаниёз қори охунд (Ниёзий) хонадонидан дунёга келди. Комилжон ака баланд бўйли, оқ юзли, хушсуврат одам эди. У етук қўшиқчи, адабиёт тўғрисида, араб, форс сўзларининг луғавий маъносидан ташқари, ғазалдаги маънолари, ўрни борасида фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашадиган, баъзи сўзларнинг бир ҳарфи устида баҳслашадиган, бир сўз билан айтганда, мириқиб суҳбатлашадиган, илмли, юксак маданиятли инсон эди. Комилжон ака ўзбекча сўзларнинг этимологияси билан қизиқар, кўпгина сўзларга ўзи янгича ёндошиб, шундай шарҳлар эдики, ҳайрон қолардингиз.

1973 йил охирида Шовот туманининг "ҳосил тўйи"дан кейинги дўстлар даврасида шу боис қизғин суҳбат кечди. Комилжон ака сўзлаганида, кейинчалик Хоразм вилояти ҳокими бўлиб ишлаган Маркс Жуманиёзовга қараб, худди масалани, ўз фикрини унинг билан маслаҳатлашаётгандай, у орқали ўтирганларга сўз таъсирини етказаётгандай шонилмасдан, муқаррар бир тўхтаб келиб баён қилди:

— Марксбой, рус тилига тўла таржима қилиб бўлмайдиган уч сўз бор, бу сўзларни таржима қилсанг ўзининг асл маъносини йўқотади,— деди ва сал тўхтаб давом этди,— Биринчиси — тўй...

Даврада пашша пар урса билинадиган даржадаги жимлик. Комилжон аканинг бир меъёрдаги ширали овози билан яна сирлироқ, янада тилсимлироқ бир ҳолат касб этдиким, бутун вужудимиз қулоққа айланиб, суҳбатнинг давомини эшита бошладик.

— Тўй,— дея давом этди Комилжон ака,— бу тўймоқ... Ейишдан, ичишдан, создан, томошадан ва ҳоказо — бари лаззатдан тўймоқ. Ҳе! — деди мийғида кулиб,— "Свадьба" — нима у? Тўй, тўй,— деди сўзнинг охириги ҳарфига урғу



13-расм.

Комилжон Отаниёзов.

13-picture Komiljon Otaniyozov

бериб.— Иккинчиси — ер. Ер ейди, едиради, том маъноси билан ер. Бу сафар урғуни "е" га бердилар.— Учинчиси — соз. Соз — ўттиз икки мучалинг соз бўлиши керак, ҳамма пардаларинг, торларинг соз, соз бўлмоғи керак.

Комилжон ака ҳеч кимга қарамай бирпас сукут қилдилар. Мен у киши бида жуда кўп суҳбатда бўлганман ва ҳар гал у кишининг тафаккур доирасининг кенглигига, мушоҳадасининг нақадар теранлигига қойил қолганман. Бугунги суҳбатдошлар ҳам у кишининг фикрлаш кўламига таҳсинлар айтиб, шогирдлариданми, ўзлариданми қўшиқ эшитишни таклиф қилдилар.

— Мана, икки шогирдингиз шу ерда. Отажон Худойшукуров ҳам, Бобомурод Ҳамдамов ҳам, бир айтишув айттириб бермайсизми?

Комилжон ака, қандай бўлар экан, деган андиша билан бир Отажонга, бир Бобомуродга қаради ва мийғида кулиб:

— Майли, қани, ихтиёрлари,— дедилар.

Бобомурод:

— Уста, мен Чоржўйга боришим керак, ўзим бир-икки қўшиқ айтиб кетсам дейман,— деди.

Комилжон ака шундай жавоб бўлишини кутганмиканлар, дарҳол рози бўлдилар. Устоз яна сезгирлик қилдилар. Шогирдларига синашта этилмаган услубда қўшиқ айттириш ноўрин бўлишлигини дилдан ҳис қилганлиги у кишининг юз-кўзидан сезилиб турган эди. Бобомуроднинг сўровидан кейин юзига табассум югурди.

— Майли, айтиб бериб кета қол,— дедилар.

Юқоридаги суҳбатдан Комилжон аканинг миллийлик хусусидаги жонкуярлигини билса бўлади. Ҳозиргачаям кўпгина санъаткорлар Огаҳийнинг "Устина" радиопрограммаси Феруз куйига айтиб, ғазалнинг биринчи байтини "Мушкин" демай, "Мушкул" деб бошлайдилар. Ўзбекчарусча сўзлари тўғрисида гапирмасаям бўлади.

Комилжон ака ўзига жуда талабчан санъаткор эдилар. Ҳар бир қўшиқнинг сўзини пухта ўзлаштирагунча, куйига сайқал бермагунча халқ олдига чиқиб айтмас эдилар.

Комилжон аканинг бутун ёш хонандаларга сабоқ бўладиган яна бир хислатлари бор эди. У киши концертнинг иккинчи бўлимида чиқишларига қарамай, бутун биринчи бўлим давомида бўш хонага кириб қўшиқларни такрорлаб, овозини қиздирар, қочиримларини сайқаллар эдилар.

Комилжон ака қўшиқларининг довуғи авж нуқталарга чиққан йиллари, "Комилжон тушида булбул кўрибмиш"

деган гаплар тарқалди. Бир сафар ушбу гапга гувоҳ бўлдим. Радиодан устознинг:

Душимда бир булбул гўрдим,
Хуркиб галмиш гулзориннан.
Қайси боғнинг булбулидир,
Қайси боғчанинг нориннан,

деб бошланувчи машҳур ашуласи берилётган эди. Гўё ўзи бошидан кечиргандай шиддатли нола чекиб айтаётган ҳофизнинг қўшиғини кўз юмиб, бош чайқаб, ҳузур билан тинглаётган қариялардан бири ўзига-ўзи сўзлаётгандай деди:

— Комилжоннинг ўзи кўрган экан шу булбулни...
Қўшиқ авжига чиқди:

Гўрмишам саҳар чоғлари,
Сийнама солмиш доғлари.

— Ана!..— Қарияга жон кирди, — ўзиям айтяпти, саҳар чоғи кўрган булбулни... Тонг олди кўрилган туш эса ўнг келади. Комилжон бекорга булбулдай куйламайди.

Бу гаплар, эҳтимол, Комилжон аканинг чинакам мухлисларидан бирининг унга юксак эҳтироми сифатидаги бир тўқимасидир. Булбулдай куйиб куйлаш кўйига тушган Комилжон аканинг тушларига булбул кириш табиий-ку! Қолаверса, булбул тилини булбул тушунади. Яна ким билсин, ҳар ҳолда... доно халқ ҳар нарсадан огоҳ.

Хоразм мақомларини муқаммал ўрганишда Матпано отага, Шерозийга, Ҳожихон акаларга суянди, камол топди, усто бўлди Комилжон ака. У 1952 — 1955 йили Тошкент Давлат консерваториясида таълим олган, бастакорликнинг нурли йўлига қадам қўйган. А. Степанов билан ҳамкорликда Аҳмад Бобожоннинг "Азиз ва Санам" пьесасига, М. Юсупов, А. Степанов билан Аҳмад Бобожоннинг "Ошиқ Ғариб" (1958), С. Ҳайитбоев билан Аҳмад Бобожон, Мумтоз Муҳамедовларнинг "Сўнги хон" (1967) драмаларига мусиқалар басталаган.

Комилжон Отаниёзов Огаҳий номли Хоразм вилоят театрида актёр сифатида — қатор ажойиб образлар яратган. Хуршиднинг "Фарҳод ва Ширин" ида Фарҳод, Собир Абдулланинг "Тоҳир ва Зуҳра"сидаги Тоҳир образлари Комилжон Отаниёзов ижросида ажиб бир сайқал топган-

ким, ҳали-ҳалигача кўрган одамлар ҳавас билан эслайдилар.

Комилжон Отаниёзов ўзининг ширали, баланд овози, юксак маданиятли ҳофизлиги билан Хоразмнинг, Ўзбекистоннинг довруғини оламга ёйди. У Хитой, Ҳиндистон, Бирма, Афғонистон, Комбоджа, Таиландда гастролларда бўлиб, миллионлаб одамларнинг меҳрини қозонди.

Комилжон Отаниёзов уч марта "Ҳурмат белгиси" ордени ва медаллар билан мукофотланган улкан санъаткордир.

Хоразм куйлари торида янграб,
Оламга довругин сочди Комилжон.
Эшитмай қолмади на афгон, араб,
Дарёи қалбини очди Комилжон.

Эл суйган ҳофиз Комилжон Отаниёзов 58 йил умр кўрди. У 1975 йили вафот этди, қабри Урганч туманида, Иморат бува қабристониди, отаси Ниёзий ҳам шу қабристонда.

Мана, юқорида турли даврларда яшаб, ижод этган даҳо санъаткорлар хусусида бироз тўхтадик, негаким, буларнинг даҳолиги — вақти-вақти билан инқирозга юз тутган мақомларни кейинги авлодларга етказиб беришдек улкан масъулиятни елкаларида кўтариб яшаганликларидир.

Хоразм мақомларини Матпано ота, Мадраҳим Шерозий, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов ва бошқа устозлардан ўрганиб нотага олган, уни аввал бир жилд, кейин 1980 йилда уч жилдик этиб chop қилдирган яна бир улкан бастакор Матниёз Юсуповдир.

Матниёз Юсупов 1925 йилнинг 1 январиди Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги Ниёзматарбоб мавзеида тавваллуд топган. Матниёз Юсупов мусиқага зеҳни



14-расм.
Матниёз Юсупов

14-picture Matniyoz Yusupov

ўткирлигидан 15 ёшидаёқ вилоят эстрадасига мусиқачи бўлиб ишга кирган. 1943 йили Улуғ Ватан урушидан ногирон бўлиб, бир оёғидан айрилиб қайтган.

Мусиқага, созга умрини бахшида қилган инсонларнинг қаноти создир. Матниёз Юсупов урушдан қайтиб, қайноқ ҳаётга, мусиқа оламига шўнғиб кетди. Унга ўхшаган бир гуруҳ иқтидорли ёшлар вилоят театрининг директори Айёмий ташаббуси билан ишга таклиф этилган машҳур танбурчи Худойберган Мўҳрканнинг ўғли Матпано отанинг атрофига жипслашиб, қадим мақом йўлларини ўргана бошладилар. Ўн йилга яқин давр ичида у моҳир ғижжакчи сифатида мақом, халқ дostonчилик йўлларини мукамал ижро эта бошлади. Лекин илмга чанқоқлик, созга меҳр уни куну тун безовта қилар, катта билим уммонига чорлар эди. Ниҳоят Матниёз Юсупов, 1951 йили Ҳамза номидаги Тошкент мусиқачилар тайёрлаш билим юртига ўқишга киради ва бутун вужуди ила мусиқанинг сирли оламига дахлдор бўладиким, энди билим юртидаги сабоқлар камлик қилади. У мусиқа билим юртини муваффақиятли тамомлаб, 1955 йили Тошкент Давлат Консерваториясининг композиторлар тайёрлаш факультетига ўқишга киради ва уни композитор Зейдман раҳбарлигида 1960 йили битказди.

Табиатан мулойим, очиқ юзли, истараси иссиқ, юзларидан доимо нур ёғилиб турадиган Матниёз Юсупов тезда халқ оғзига, ижодкорлар назарига тушади. Республика радиосидан тез-тез унинг хуш овозлари янграб, у басталаган қўшиқлар ижро қилина бошлайди.

Матниёз Юсупов консерваторияда ўқиган йиллари драма асарларига мусиқа басталайди. 1961 йили Муқимий театрида унинг "Ғазал фожеаси" мусиқий асари саҳналаштирилади. Аҳмад Бобожоннинг бу асари Матниёз Юсупов оҳанглари ила элга машҳур бўлди. Бастакор, шунингдек, Ҳамид Ғулomнинг "Дил кўзгуси", Айёмийнинг "Тун ва нохун", Ҳайитмат Расулнинг "Муқаддас диёр" ва бошқа қатор драмаларга куйлар басталаб, эл ғурматига сазовор бўлган. У устозларидан ёзиб олган Хоразм мақомларининг 1959 — 60 йиллари 1 — 2-жилдларини чоп қилди.

Матниёз Юсупов 1961 йилдан бошлаб Ўзбекистон Радиосида катта муҳаррир, ундан кейинги йилларда М.Уйғур номидаги Тошкент санъат институтида ва А.Қодирий номидаги Тошкент Маданият институтларида педагоглик қилиб, профессор илмий даражасини олади.

Матниёз Юсуповнинг энг баракали ижод маҳсули сифатида 3 жилдли "Хоразм мақомлари"нинг 1980 йили чоп этилишидир. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонига мушарраф бўлган улкан санъаткордир.

Бутун умрини мусиқа илмига бахшида этган Матниёз Юсупов 1992 йили оламдан ўтди; Тошкентдаги Чигатой қабристонига дафн қилинган.

Хоразм "Танбур чизиги"ни ҳозирги нотага ўтазиш жараёнининг тафсилотига ўтишдан аввал, кейинги 20 йил давомида ушбу нота ёзувининг сир-асрорларини топишга уриниб юрган учта фидойи, илмли созандалар тўғрисида тўхталмоқчимиз.

Моҳир ғижжакчи Аҳмаджон Машрипов 1926 йили Хивада, ширапаз оиласида туғилган. У Урганч шаҳрида очилган мусиқа мактабига ғижжак синфи бўйича ўқишга кириб, уни 1943 йилда тугатади ва шу йили Давлат Эстрадасига ишга кириб, Матпано ота Худойберганов бошлиқ мақомчилар гуруҳига қўшилади, машҳур гўяндалар Ҳожихон Болтаев, Нурмамат Болтаевлар ёнида ғижжак чалиб, мақом сирларини ўрганади.

Маъсим эшон Мадрасасидаги тонготар машқлар, созу қўшиқлар сеҳри ёш Аҳмаджоннинг юрагини бир умрга забт этади. У бутун умри давомида мақомларни бус-бутун ҳолида авлодларга етказиб бериш, уни асл манбадан, яъни "Танбур чизиги"дан ҳозирги нотага кўчиртириш устида қайғуриб келади.

Аҳмаджон ака илм йўлида фидойилик қилди, қирқ ёшидан ошганда М.Харратов номидаги мусиқа билим юртига ўқишга кирди, ўғиллари тенг болалар билан ўқишдан ор қилмади. Бунинг бариси олис оҳангларга янгидан ошно бўлиш, улар билан дардлашишдир. Билим юртини битказиб, мусиқа муаллими, жонкуяр устоз бўлди ҳамки, Ҳожихон Болтаев ёнидан жилмади, яна ўрганаверди, ёшларга ўргатаверди. Ва ниҳоят, кўп изланишлардан кейин 1967 йили



15-расм.

Аҳмад Машарипов

15-picture Ahmadjon Masharipov

"Танбур чизиги"нинг асл нусхасини топишга муваффақ бўлди, лекин уни ўқий биладиган одам бўлмади.

Аҳмаджон аканинг излаган одами 1976 йили Тошкент Давлат Консерваториясини битказиб келди. Бу Озод Бобоназаров эди. Унинг болалардай қувонганига сабаб — Озоднинг диплом иши "Танбур чизиги"нинг тадқиқоти бўлганидандир. У Озоджонни еру кўкка ишонмайди, Хожихон акага мақтайди, арбий, форсий илмлардан бохабар одамларга яқинлаштиради. Барибир иш Аҳмаджон ака кутганидай силлиққина кетмади, йиллар эса... йилдиримдай ўтиб борарди.

Тиниб-тинчимас Аҳмаджон ака кўп уринишлардан сўнг, яна мақомчилар гуруҳи тузишга муяссар бўлди. Бу сафар мақом йўлларининг ихлосли куйчиси, хушовоз ҳофиз Озод Иброҳимовни ҳам сафга қўшиб, "Танбур чизиги"ни ҳозирги нотага кўчиришни Огаҳий номли вилоят мусиқали драма ва комедия театри қошида тузилган кичик гуруҳ ила йўлга қўйди. 70 ёшларидан ошганига қарамай, қўлида ҳасса билан ёзнинг жазирамасию қишининг қаҳрига бепи-санд пойи-пиёда ҳар кун ишга келади.

Озод Иброҳимовнинг асл исми Икромдир. 1937 йилда Ўзбекистон Марказкомининг биринчи котиби Акмал Икромов қатағон қилиниши муносабати билан унинг ота-оналари қўрқиб, Икромни Озод деб ўзгартирганлар, лекин гувоҳномасида Икром бўлиб қолаберган. Биз ҳам ўзи кўниккан Озод исми ила рақам этдик, токим мулаққами Озод бўлғай. У 1937 йилнинг 7 январида Хоразм вилаятининг Қўшқўпир туманидаги Низахос қишлоғида ўқитувчилар оиласида дунёга келган. Унинг ота юрти Хива туманининг Гўжа қишлоғи бўлгани учун уни ҳамма гўжали дейди. У яратган янги суворийнинг номи ҳам "Гўжайи суворий"дир.



16-расм.

Озод Иброҳимов

16-picture Ozod Ibrohimov

Илмга чанқоқ Озод Иброҳимов Тошкентдаги Ҳамза номли мусиқа билим юртини қашқар рубоби бўйича муваффақиятли тамомлаб, Хоразм вилоятига келган қалдирғоч муаллимлардан ҳисобланади. У ўқиб юрган чоғларидаёқ Комилжон Отаниёзов бошлиқ "Хоразм" ансамблида ишлади ва 1957 йилда ўтказилган жаҳон ёшлари фестивалининг лауреати бўлди. 1959 йили Москвада ўтказилган Ўзбекистон декадасида ўз иқтидорини намоён этди. У ўша йиллари ёш бўлишига қарамасдан, Огаҳий номли вилоят театри саҳнасида қўйилаётган "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Тоҳир ва Зуҳра", "Аршин мол олон" каби мураккаб мусиқий драмаларга дирижёрлик қилган.

Озод Иброҳимов М. Харратов номидаги Урганч мусиқа билим юртида директор бўлиб ишлаб юрган кезлари ҳам тинмай изланди, ижод қилди ва ниҳоят, уни катта илм ўчоғи — Тошкент Давлат Консерваторияси ўз бағрига чорлади. Ф. Н. Васильев, Сулаймон Тахалов, Анвар Левиев, Иброҳим Ҳамроев каби мусиқа билимдонлари, профессорлар унга мусиқий илм сирларидан сабоқ бердилар.

Амалий иш жараёнида эса отаси ўрнида оталик қилган устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Каримжон Исмоилов, машҳур ҳофизлар Хожихон Болтаев, Жўраҳон Султонов, Акмалхон Сўфихонов, Шоқосим Шожалиловлар мураббийлик қилиб, унинг етук ҳофиз даражасига етишишига сабаб бўлганлар.

Озод Иброҳимов классик қўшиқларни, мақом йўлларини мукаммал эгаллай боргани сари, ўзида ҳам шеър устасига, мухаммасларга куйлар басталаш иштиёқи туғилдиким, Бедилнинг "Қилурман мен", Нодиранинг "Ихтиёр эт", Ферузнинг "Ичра ўт", Неймат Солаевнинг "Топилмас", Матназар Абдулҳакимнинг "Боғ билмасин", Эркин Самандарнинг ва каминанинг қатор ғазалларига куй боғлаб, ширали овози билан халққа манзур этди.

У Комил Авазнинг "Феруз" драмасига ва шу драма асосида ишланган уч қисмли видеофильмга, Қ. Искандаров билан ҳамкорликда Неймат Солаевнинг "Юракдаги жароҳат" спектаклига куйлар ёзиб, моҳир бастакор сифатида элга танилди.

Озод Иброҳимов шу кунларда Огаҳий номли вилоят театри қошида тузилган мақомчилар гуруҳида "Танбур чизиги" ни ҳозирги нотага кўчириш борасида ишламоқда, мусиқа мактабида муаллимлик қилмоқда. У "Санъат аъло-чиси" нишонининг соҳибидир.

Ушбу "Олис оҳанглар" рисоласининг ёзилишига сабабчи бўлмиш инсон — Озод Бобоназаров алоҳида битикка лойиқ. Унинг "Танбур чизиги" устида олиб борган таҳлилу тадқиқотлари ҳали кўп мусиқашунослар томонидан ёритилади, рисоалар ёзилади. Озод Бобоназаров 1947 йила Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманидаги Шихёпи қишлоғида туғилган. Унинг ота-боболари дарёда кема ҳайдаб дарғалик қилишган. Мусиқага, созга ихлосманд, илмли одамлар суҳбатига иштиёқманд оилада ўсган Озоджоннинг мурғак қалбида созга ҳавас эрта уйғонди. У 15 ёшида Урганчдаги Матюсуф Харратов номидаги мусиқа билим юртига ўқишга кириши биланоқ



17-расм.

Озод Бобоназаров

17-picture Ozod Bobonazarov

иқтидорини кўрган муаллимлар Озоджонни Огаҳий номли вилоят театри маъмуриятига тавсия қилишади. Шу боисдан Озоджон ҳам ўқиб, ҳам ишлайди.

Озоджоннинг Тошкент Давлат Консерваториясига қабул қилиниши ажойиб кечган, у билим юртида баян курсини битирган эмасми, сурнайга баян клавишларини ўрнатиб ижро этганини кўрган домлалар уни олий мусиқа ўқув масканига имтиҳонсиз қабул этганлар. Озоджоннинг баян клавишларини қўйиб ясаган сурнайи ҳозир Тошкент Давлат Консерваторияси музейида сақланмоқда.

Озоджоннинг домласи Сулаймон Тахалов ҳар томонлама пишиқ ўсаётган шогирдига 50 йилларда Хоразмга келганида машҳур ғижжакчи Олланазар Ҳасановдан эшитган "Надромаддин" куйини нотага ёзиб олишни буюради. Озоджон домлари айтганидай, бу ишни аъло даражада бажаради. Ана шундан кейин домла Озод Бобоназаровни "Танбур

чизиги"га қизиқтиради ва унга ушбу сирли нота ёзуви таҳлилинди диплом иши қилиб беради.

Озоджон Консерваторияни муваффақиятли битириб, Урганчдаги М. Харратов номли мусиқа билим юртига сурнай, қўшнайн, дутор, танбурдан дарс бера бошлайди.

Ижоднинг қай тури бўлишидан қатъий назар, у ёки бу нарса туртки бўлиши сабаб дунёга келади, яралади, ривожини топади. 1980 йили Хивада мусиқашуносларнинг Бутуниттифоқ симпозиуми муносабати билан ўтказилган тайёргарлик даврида улкан бастакор Файзулла Кароматов М.Харратов номидаги мусиқа билим юртида директор бўлиб ишлаётган таниқли бастакор Абдушариф Отажоновга:

— "Танбур чизиги" бўйича мақомларни ҳозирги ноталаштирилган мақомлар билан қиёслаб ижро этиш мумкин-масмикан? — деган фикрни билдиради.

Ушбу ғаройиб ғоя А.Отажоновга тинчлик бермайди, лекин унинг уддасидан чиқиш у қадар енгил ҳам эмас. Абдушариф ака билим юрти муаллимларига, кўпроқ халқ чолғу асбоблари бўлимидагиларга "нима қиламиз" деган маънода сўз ташлайди. Бу фикр алмашинувида Озод Бобоназаров ўзининг ўй-мулоҳазаларини билдирганида, Абдушариф ака уста бастакор эмасми, Озоджон нафас олишидан уни шу ишга ихлосмандлигини ва уқувини дарров илғаб олади. Шу кундан эътиборан Озоджонни симпозиумда қатнашадиган чолғучилар дастасига масъул этиб тайинлайди ва бу ишга уни рағбатлантиради.

Дарҳақиқат, мақомчиларнинг Бутуниттифоқ симпозиумида Озоджон бошлиқ чолғучилар дастаси томонидан "Танбур чизиги" асосида "Рост" мақомининг чолғу қисми, унинг "тани мақоми", "таржеъ"си ҳамда "Мухаммаси ушшоқ"лар ижро этилди. Бу салдомли ижро симпозиум қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Айниқса, "Танбур чизиги" билан ҳозирги нотацияда ёзилган юқоридаги куйларни қиёслаш симпозиум нафасига ажиб бир хушбўйлик қўшдиким, барча бирдай баҳраманд бўлди. Бу мозийга муҳрланган мақомлар изланишига хоразмлик ёш мусиқашунослар томонидан ташланган илк қадамлар эди.

Симпозиум ўтганидан кейин ҳам мақомлар жаранги, "Танбур чизиги"га битилган асл оҳанглар Озоджоннинг бутун вужудини қамраб олдиким, у энди кечаю кундуз олис оҳангларнинг сеҳрли оғушида яшай бошлади. Бетиним изланишлар аста-секин ўз самарасини бера бошлайди

ва у ўзи тузган "Сувора" мақомчилар дастасига "Танбур чизиғи"нинг "Рост" мақомини чертим ва айтим йўлларини ўргатиб, ижро қила бошлашади.

Бу ижодий, амалий изланишлар ҳосиласи 1982 йил ўтказилган Халқаро мақомчилар симпозиумида Хива қатнашчиларининг юксак маҳорати билан баҳоланди. Симпозиум қатнашчилари бўлмиш таниқли мусиқашунос олимлар ёш мусиқашуноснинг "Танбур чизиғи" билан астойдил шуғулланаётганидан мамнун бўлдилар ва умахалқ мулки ҳисобланмиш Хоразм "танбур чизиғи"ни тадқиқ этиш, уни кейинги авлодга ҳозирги нота чизиғида етказиб беришдек улкан масъуллик ишончли қўлларда эканига амин бўлдилар.

Бу ишонч юки Озод Бобоназаровни ўйлантириб қўйди. Энди бу бир оддий ҳавас эмаслигига амин бўлиб, бу йўлда ҳар қандай заҳматни енгилга белини маҳкам боғлади. Лекин, қилаётган ишларим тўғримиқан, деган андиша уни туну кун безовта этарди. Шу боис Хоразмнинг кекса ҳофизларига, уста созандаларига, мақомлардан қулоқ қонди бўлган шинавандаларига у ёки бу куйни ижро қилиб эшиттириб кўрар, уларнинг фикрларига илҳақ, бутун вужуди қулоққа айланиб, оғизларига тикилиб қоларди.

Машҳур мақом устаси, Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаев билан Озоджоннинг мулоқотлари ажиб бир ҳолатда кечган. Олис оҳанглар шайдоси, фидойи куйчиси Аҳмаджон Машарипов хонадонидаги узоқ суҳбатлар чоғида Ҳожихон ака миқ этмай тинглар, Озоджон ижро этаётган қадимги куйларни у Матпано отадан, Қуржи отадан, бошқа устоз ҳофизларан эшитган, ўзи ҳам айримларини инқилобдан аввал бошлаб, то ҳозирга қадар ҳам ижро этиб келаётир, лекин замоннинг зайли билан бу кую ашулалар бир неча бор тезлашиб кетганига афсусланганча кўзлари намланар, оғир хўрсинар, бироқ индамас эди.

Бир куни, тақминан 1984 йилари, ҳофизнинг 80 ёшлардан ошган вақтлари, Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманидаги Шаравот қишлоғида истиқомат қилувчи Муҳаммад Юсуф Баёний неварасининг уйига боришади. Аҳмаджон аканинг ташвиқи билан бўлган бу сафар ўз самарасини бермай қолмади.

Улкан ҳофиз Ҳожихон акани кўрган хонадон соҳиблари дарҳол Баёний хаттоглигига мансуб бўлган "Танбур чизиғи"нинг асл нусхасини кўрсатишади. Ҳожихон ака "Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим..." деб китобни очадю

ҳайратдан кўзлари нурланиб кетади ва ўқий бошлайди.

— Мақоми Рост...

Ҳаммалари устага тикилиб қолишади. Устанинг ҳаяжони буларга ҳам ўтади. Олис оҳанглар муҳрланган китоб худди буларнинг умрига умр қўшадиандай, уни авайлаб ўқий бошлайдилар. Китоб охирайди, Ҳожихон ака топган олтинини яна қайта ташлаб кетаётгандай бирдан ҳорғинлайди, киприкларига нам инади. Қанча ялинишмасин, хонадон эгалари турли баҳоналар билан китобни буларга беришмайди.

Улар учови машинада Урганчга қадар маъюс, ҳар ким ўз хаёли билан жим келишди. Урганчга яқинлашганларида Ҳожихон ака ички бир армон ила, ўзига-ўзи гапираётгандай:

— Имиқ (сокинликда) ўрганадиган мулк экан,— дейди.

Ҳеч кимдан садо чиқмайди. 80 ёшларан ошган одамнинг ҳавасини кўрган Озоджон юрагида яшашга, ижодга, бетўхтов изланишларга иштиёқ қанот ёзди, у бу ишга, "Танбур чизиғи"ни мукамал тадқиқ этишга белини яна ҳам маҳкамроқ боғлади ва устозига боқий умр тилади.

"Правда" газетасининг 1984 йил 6 март сонида қизиқ бир хабарга кўзим тушди: "Озод Бобоназаров 100 йил олдинги "Танбур чизиғи"ни тирилтирди, сўз қўйиб, айтим йўлларини ижро қилдирди"...— деб ёзилган эди. Юрагим ҳаяжондан ҳаприқиб кетди. Мен дарҳол Ҳожихон акани кинога олиб юрган ёзувчи дўстим Нейматжон Солаевга бу хабарни суюнчиладим. У мийғида кулиб:

— Хабарим бор, сизни Озоджон билан учраштираман,— деди.

Сал вақт ўтмай бизни — Ҳожихон аканинг шогирди, Ўзбекистон халқ ҳофизи Рўзимат Жуманиёзов икковимизни Аҳмаджон ака Машариповнинг уйига олиб борди. Соҳларига кўздан талоқ тегмаган паришонҳол йигит-Озод Бобоназаров билан яқиндан танишдим. Камсуқум, камсўз бу йигитнинг суҳбатга унчалик мойиллиги йўқлиги у ҳақдаги таассуротларимни тўзғитиб юборди. Шу ўртада Рўзимат Жуманиёзовга ҳам беписандлик билан қарагандай бўлди. Бу эса менга оғирроқ ботди.

— Сиз бу аҳволда бу хайрли ишингизни қандай давом эттирасиз? — дедим унга совуққина. У жавоб бермади, сал тўхтаб давом этдим,— Аҳмаджон ака сизни мақтайвериб эси оғиб юрибди.

— Ҳали мақтанадиган иш қилганимиз йўқ,— деди у қўрслик билан. Унинг шу икки оғиз сўзи мен қўшилмоқчи бўлган ғояни қарийиб 20 йил орқага сурди.

1991 йили мен Огаҳий номли вилоят мусиқали драма ва комедия театрига директор бўлганимдан кейин, театр санъатининг фидойи жонкуяри, ажойиб ташкилотчиси Аҳмаджон акани яна ўзининг аввалги, бир вақтлари ишлаган директор ўринбосарлиги лавозимига, унинг оёқ тирашига қарамай, таклиф этим. Бирга, ҳамнафас бўлиб ишлай бошладик. Кун ора Озод Бобоназаров тўғрисида бирор гап айтади. Мен атайлаб эшитмаганга соламан, у айтишини қўймади. Ҳақ деди, Озоджон деди. Ахири бир кун сўрадим:

— Хўш, арзанда укангиз нима иш билан машғул?

— Санъатдан кетган, мотор ремонт қиляпти, машина тузатади, "Жигули" тузатади. Ота касби,— деди хўрсиниб,— сизни яхши кўради. Сиз унга ўшанда унча тушунмадингиз,— дея қўшиб қўйди. Тавба, у қўрслик қиладию, мен айбдормишман.

Яна орадан бир йиллар чамаси ўтди, Аҳмаджон ака хастанди ва нафақага чиқди. Ёши ҳам етмишга бориб қолгани боис бетоблиги сал чўзилди. Кўришга шифоҳонага борсам, одатига кўра тез-тез гапириб:

— Озод "Бузрук" мақомининг таҳлилига ўтибди,— дея менга маъноли қараб ётибди. Асли фидойи одам-да, дейман ичимда ва эсон-омон тузалиб чиққанингиздан кейин Озоджонни театрга олдирамиз, десам, кўзлари ажаб нурланиб, севиниб кетди.

Дарҳақиқат, Аҳмаджон ака анча тузалиб, оёққа тургач, Озоджонни қўлидан етаклаб театрга олиб келди. Биз орамизда ҳеч гап бўлмагандай мулойим гаплашдик.

— Майли, яхши келдингиз, устозингиз икковингизгаям ярим ставка маош тайинлаб, ишга қабул қиламиз, бошлаган ниятингизни охирига етказинг,— дедим.

Бу гапим Озоджонга унчалик ёқинқирамади:

— Мен иш сўраб, пул сўраб келганим йўқ,— деди.

Унинг бу қўрслиги билан яна йигирма йил орамиз узилиб кетса, умримиз етмас деган андиша билан:

— Бир донишманд, менга пулни ёмон кўрадиган одамни кўрсатинг, у менга пулни ёмон кўришини исботласа, қип-қизил аҳмоқ экансан дейман, деган экан,— дедим.

Озоджон бирдан кулиб юборди.

— Кулиб билар экансиз-ку!

— Ҳа, мени кулиб билмайди деб ўйлаганмидингиз? Шу ерда Аҳмаджон ака луқма ташлади:



18-расм.

Чапдан ўнга: А. Машарипов, О. Бобоназаров, О. Иброҳимов.

18-picture From the left of the right; O. Masharipov, O. Ibrohimov, O. Bobonazarov.

— Тўғри айтганлар, қайсики одамнинг ҳамма нарсаси старли бўлса, демак унинг нимасидир етишмайди.

Учовимиз ҳам қаҳ-қаҳа отиб кулиб юбордик.

Шу кундан эътиборан, яъни 1995 йилнинг 1 февралидан театрнинг 17-буйруғи билан уларга мақомчилар гуруҳи деб ном бердик.

— Гуруҳ бўлиш учун камида уч киши бўлмоғи керак, бизларга Озод Иброҳимовни ҳам қўшмасангиз бўлмайди,— дейишди. Рози бўлдик. "Танбур чизиғи" устида иш қизғин бошланиб кетди...

Ровийлар айтибдурларким, биров билан яқин бўлмоқ истасанг, унинг кўнглига қулоқ қўй...

ОЗОДЖОННИНГ КЎНГИЛ ДАФТАРИДАГИ ЁЗУВЛАР

"Эшитган тенг бўлмас кўрган кўз билан",— дейди Маҳтумқули. Нақадар ҳақ сўзни айтмиш улуғ шоир. Хоразм "Танбур чизиғи" тилсим бир дунё. Бу муқаддас мулк ила ошно бўлаётганимдан бери ўзимни бошқа бир оламда,

сирли оҳанглар оламида сезаман. Шу сирли оҳанглардан барча-барчани огоҳ этсам дейман, лекин қурбим етарми-кан? Ахир бу бир одамнинг иши эмас-ку! Наҳотки мақомлар билан боғлиқ чалкашликларни, дилнаво оҳангларни ошкор этолмай кетсам дунёдан... Тонг ёришаяпти...

Салом, эй шамъи маҳфил матлаи анвор, хуш келдинг...

Қуёшни кутяпман, демак ёлғиз эмасман! Яна "Суврой" оғушига бош қўяман. Узоқлардан отларнинг дупури келади; авжланиб, ҳайқириб ўтиб кетадилар қалбимни ҳаприқтириб. Ҳожихон аканинг ҳайқириқли овози хаёлларимни олиб қочади"...

Бошимни дафтардан кўтардим, қандайдир сас келяпти, ҳеч ангширолмапман. Бунай қулоқ қўйсам, нариги хонада телефон жиринглаяпти. Анча вақтгача олмадим, сас тинди. Яна жимлик чўкди оқшом саҳнига. Энди Озоджоннинг кўнгили дафтарини ўқимоққа хаёлларим изи бермади. Телефон қўнгириғи боис бир ҳарф билан боғлиқ ажабтовур воқеа хаёлимдан кетмай қолди.

БИР ҲАРФ МАЖАРОСИ

Айёмий домланинг 1970 йиллар бошида босмадан чиққан "Хоразм шоирлари" рисоласига кирган ажойиб шоир Партавнинг "ишқ" радибли газалига мухаммас боғламоқчи бўлдим, лекин газал мақтаъсидаги бир чалкашлик ҳеч йўл бермади:

Фироқ ёри аро лаззат дунёдин саво Партав,

Кўтармиш боқ нигоринг ой жамолидин ниқоби ишқ¹

Байтдаги ҳамма сўзлар тушунарлию, аммо "саво" сўзига изоҳ топиб газал маъносига тушунолмадим. Айёмий домлага бу тўғрида айтишга истиҳола қилдим. Луғатларни қарайман, шу сўзга изоҳ йўқ. Ойлар ўтди, бир куни шоир дўстим Неъматжон Солаев келиб қолди. Мақсадимни айтдим. У бироз ўйлаб турди-да:

— Ҳозир Айёмий домланинг ўзидан сўраймиз,— деди.

У қўнгироқ қилиб узоқ гапиришди домла билан. Гаплашиб туриш асносида балки домла рисоласининг шу

¹ Юнус Юсупов (Айёмий), "Хоразм шоирлари", Тошкент, 1967 й., 125-бет.

бетига қараб олдим, ҳарқалай, сабо, шабада, ёр жамолдан пардани кўтаради деб, инқилоб шабадасига шаъма этган бўлсалар керак, Неъматжон ака Айёмий домланинг шу йўсиндаги фикрларини менга баён қилди. Аввалига мен рози бўлдим, ҳарқалай, домланинг эски араб ёзувидан хабарлари бор, қолаверса, нашриёт ходимлари ҳам унча-мунча нарсани шунчаки беписандлик илан ўтказиб юбормасалар керак деган андишга бордим, лекин барибир мухаммас боғлашга негадир ҳеч қўлим бормади.

Яна ойлар ўтди. Кунлардан бир кун Ҳожихон ака билан Сиддиқ маҳсум деган саводли кекса ошнализ бўлғучи эди, шу иккалови дадамини истаб, уйимизга келишди.

Улар юзларига фотиҳа тортиб, ҳол-авол сўрашгач, мен Партав домланинг "Ишқ"ига мухаммас боғламоқчи эканимни айтдим. Ҳожихон ака менга ялт этиб қарди ва ҳамшиаги одати бўйича мийғида кулиб, индамасдан ерга қараб ўтираверди. Сиддиқ маҳсум:

— Жуда яхши,— деб Ҳожихон акага ер тагидан бир разм солди-да, жим қолди.

Икковининг Партавга бўлган муҳаббати яхшилигини билганим учун мен ҳам индамадим. Икковининг фикрини ўқиб ўлтирибман, "Партавга мухаммас боғлаш осон эканми?" Салдан кейин жимликни бузиб:

— Лекин охири байтига тушунмай ўтирибман, Айёмий домланинг яқинда Хоразм шоирлари тўғрисида яхши китоби чиқди, шунда Партавнинг "Ишқ" и тўлиқ берилибди,— икковиям бошини кўтармади,— охири байтида:

Фироқ ёри аро лаззат дунёдин саво Партав,—

дебди, дедим.

Сиддиқ маҳсум бошини аста кўтариб, менга анойид қаради. "Шуни ҳам билмасдан мухаммас боғламоқчимисан, ўзинг муҳандис бўлсанг, касбингни қилиб юравермайсанми?" деган маънони уқиб, айтганимга андак пушаймон бўлдим.

— Домуллангиз хато айтибдилар, "саво" эмас, "суво" деб ўқимоқ лозим, мосуво,— деди овозини баландлатиб, сўнг қўшиб қўйди,— барча лаззатлардан четда қолган.

Ҳожихон ака шу ўтирган кўйи бошини кўтармасдан мисрани тўлиқ қайтардилар:

Фироқи ёр аро лаззоти дунёдин суво, Партав.

Кўзим олди ялт этди. Шу битта ҳарфни деб неча ойлаб сувойи қалам бўлдим-ку! Ана шундан кейин мухаммасни битдим...

Озоджоннинг кўнгил дафтариغا яна кўзим тушиши билан унга меҳрим ошиб, ўқий бошладим...

ОЗОДЖОННИНГ КЎНГИЛ ДАФТАРИДАГИ ЁЗУВЛАР

"Неча-неча мақом усталари бу дунёдан кўз юмганлар ва алалхусус, мақоми битилган "Танбур чизиги" эса 50-йилларгача ёпиқлигича очилмаган. Во дариг!.. Мақом куйларининг ритм ўлчовига ёт бўлган Е. Е. Романовская 1934 йили Хоразмга экспедиция билан келиб, М. Харратов ижросида мақомларнинг чертим қисмидан айримларини фонографга ёзиб олган ва 1944 йилга келиб, Матниёз Юсупов Матпано отадан, устозлардан эшитиб мақомларни ёза бошлаган. Бу вақтда М.Юсуповнинг мусиқа саводи қай даражада эди? Ўрта маълумот ҳам бўлмаса керак".

Дафтарнинг шу бетигади ёзувлар орасидан Озоднинг дағал мушоҳадаси бўй чўзади. Балки овоз чиқариб айтолмагани учун ҳам ёзгандир: "Қадрли устозимиз Матниёз Юсупов 1957 йили бастакор И.Акбаров таҳрири остида "Хоразм мақомлари" китобини нашр қилдирди. Бағоят улкан ишнинг уддасидан чиқди, лекин шу давргача нима айтилиб, нима чертилиб юрган бўлса, домла шу билан чегараланган, бирор-бир янги чертим ёки айтим йўли китобдан ўрин олмаган. Қарийб бариси бу даврга келиб грампластинкаларга, магнит ленталарига ёзилиб ижро қилинмоқда эди. Барибир устозимизнинг меҳнатлари зое кетмади, магарам у киши китоб қилмаганларида, оғиздан-оғизга ўтиб, бошқа ранглар касб этиши мумкин эди-ку!"

Ижодкор қалби денгизга менгзайди, кенг, тўлқинли, баҳрамандир. Бўлмаса, у айтмоқчи "Хоразм сегоҳи"ни Ҳожихон ака қандай айтган бўлса, Комилжон ака ҳам шу услубда, борингки уларнинг шогирдлари ҳам бирор жойини ўзгартирмай ижро этиб келаётирлар. Нима, бу ижро этувчилар орасида нота ўқий биладигани камми? Йўқ, жуда кўп, аммо нотага олинган мақомларда тўлалигича қадимий сирлари очиб берилмаган. Айниқса, чертим қисидидаги куйлар "Хоразм мақомлари" чоп этилмасидан олдин қандай чалинган бўлса, шундай чалинапти.

Озоджоннинг кўнгил дафтари фаройиб битилган. Қай бир жойларида унинг ҳайқириқли нидоси дафтар

саҳифасидан чиқиб, хона пештоқларига жаранг-жаранг этиб урилади: "Устознинг саъй-ҳаракатларига раҳмат. "Хоразм мақомларини энди 3 жилдлик қилиб чоп эттирибдилар... Орадан 13 йилдан кейин 3 жилдлик китобни мақом мухлисларига тақдим этиш ҳар қандай одамнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ўқияпман... ўқияпман, чарчаяпман. Бошим лўқиллаб оғрийтиди. Қўлимга олсам, яна шу аҳвол. Нега деган савол юрагимни ғашлайди, дардимни кимга айтаман? Домланинг биринчи китоби Хоразмнинг асл мақомларидан нечоғлик узоқ бўлса, бу 3 жилдлик иккинчи нашри ундан ҳам узоқлашиб кетган... Гўзал опера ва балетлар яратган профессор устозимизга мақомларга ёт илмлар таъсир қилдимикан? Хоразмнинг классик куй-қўшиқларини қоидага хилоф равишда Хоразм мақомларига қўшиб китобни 3 жилд қилиш нечун керак бўлдикиан? Бу сохта шуҳрат Хоразм мақомларига керакми? "Танбур чизиги"даги нота бутун Турон заминига кўзгу бўладиган мулк-ку! Бу мулкни таҳлил этиб чоп қилдириш устознинг қўлидан келарди-ку!.. Аксинча, мақомларнинг кўп жойларида қусур бор. Устоз томонидан тўғри ёритилмаган, "Рост" мақомидаги чертим қисми — "Тани мақоми Рост"нинг ўлчовлари ўзгарувчан берилган. Наҳотки устоз $\frac{3}{4}$ ўлчови ўзгармаслигини эътиборга олмаган? Даражаси (квдратность) бузилган, куйни ёдлаб бўлмайди, чунки ритм кўрсатилмаган. Китобнинг 2-нашрида ритм ўлчови бир хил берилиб тўғри илинган, лекин усул 4 тактга чўзилиб хато бўлган, некаги Сарахборлар зарб ул-қадим бўлиб, 1 такт оралиғида гул-так бўлиши керак ~~$\frac{3}{4}$~~ шашмақомда бу куй йўқ. Ҳар бир хона ичда ритм 3 - 4 маротаба ўзгарса, куйнинг тўғри бораётганига ишонч йўқолади ва куйни ёдлашга имкон бўлмайди.

"Таржиб" куйининг ритми "Танбур чизиги"да така-гулгул берилган, устознинг иккала нашрида ҳам андак чалкашликлар мавжуд, ҳиссалар ўрни бошқа жойга тушиб кетган.

"Танбур чизиги"да "Пешрави Рост" "Пешрави гардун" деб берилган, куй "Пешрав" усулида ҳам, "Гардун" усулида ҳам ижро этилса бўлади, бироқ домланинг иккала нашрида ҳам "Пешрави гардун" деб $\frac{3}{4}$ ўлчов берилган, бу "Гардун"га хато бўлади.

Домланинг иккала китобидида ҳам қайд этилган "Мухаммас"лардаям анча-мунча чалкашликлар бор. Хоразмда "Мухаммаси ушшоқ" куйи жуда машҳур. Ана шу барча

тўйю маъракалара ижро этиладиган куй то ҳануз 16 тактли ритм чўзимига тушмай келаётир. Биринчи китобда 15 тактли ритм кўрсатилган, барибир фраза якунига тўғри келмаган. Иккинчи нашрда 16 тактга чўзилган, яна фразага тўғри келмаган. "Танбур чизиги"да ушбу куй йўналиши аниқ 16 тактга боради ва шу ритмга қўйиб қўйгандай...

Матниёз аканинг биринчи нашридаги "Сақили вазмин" иккинчи нашрида йўқ, лекин иккинчи нашрдаги "Сақили Мирзо" "Сақили вазмин"нинг ўзи. Худи шундай иккинчи нашрдаги "Сақили Муҳркан" куйи машҳур "Хоразм мискини" куйидир. "Уфори 1" шу "Мискин"нинг уфориси, китобдаги "Уфори 2" эса "Рост"нинг айтим қисмидаги уфоридир".

Бу янглиғ чалкашликларни ўқиб, ўзимнинг ҳам чалкашишимга оз қолди. Озджоннинг дафтарини аста ёпдим, лекин шу фидойи йигитга нисбатан қалбим тубида хайрихоҳлик пайдо бўлди. Унинг билан дилдан суҳбат қурмоқни ният қилдим.

СУҲБАТ

Баъзи одамлар бор, уларга бир гап кўп, ярим оғиз гап камлик қилади. Ундай одамлар билан гаплашиши учун чорак кам бир оғиз гап топиш керак. Ана шу ўлчовни топмасангиз суҳбатингиз маромига етмайди. Шу боисдан ҳам Озоджонни суҳбатга тайёрладим. Гапни узоқдан бошладим. Озод гапни бўлмай аввалига лоқайдлик билан, кейин-кейин қизиқиб эшита бошлади.

— Бир куни, — деб бошладим ҳол-аҳвол сўрашгач, бироз жимликдан сўнг, — Ўлмас Умарбеков, Рўзимат Отаев, икковиям оламдан ўтди, жойлари жаннатда бўлсин, — яна бир сукут қилдим, чунки у ажойиб шоир Рўзимат Отаевни яхши билар эди, — учовимиз Хивага борадиган бўлдик. Шу кўҳна кўприкда (Урганчдаги) машинамиз бузилди. Бу гап ё 1968, ё 1967 йили бўлди, такси олиш учун пиёда Шовотнинг кўпригидан ўтиб, Хивага кетадиган таксилар бекатига келдик. Такси навбатита турган 5 — 6 та одам бизни танибми, танимаймми, ишқилиб, навбатини беришди. Биз ҳаялламасдан келган таксига миниб, энди жўнаймиз десак, бита кекса, истараси иссиқ одам, эски модадаги хоразмча оғли иштонда, ҳаво иссиқ бўлишига қарамай камзулда, қадимги телпақда, орқасига ярим қоп юк

орқалаган ҳолда, машинага яқинлашмай сал нарироқда чўнтагидан бир сўмлик пул чиқариб (у пайтларда Хивага-ча таксилар одам бошига 1 сўмдан ҳақ олишарди) қўлини кўтариб турибди. Мен:

— Хивага борсалар шу отани ола кетайлик, — дедим.

Шофёр таксини отанинг ёнгинасида тўхтатди. Ота 1 сўмни чўзиб:

— Хивага бормоқчи эдим, — деди ялиниб.

— Мининг, — дея мен орқа эшикни очдим ва ўртага сурилиб ўтирдим.

Рўзимат, қислиқдик, дегандай сал оғриниб сурилди. Ўлмас ака индамай олдинги ўриндиқда ўтирибдилар. "Волга"миз Хива йўлига чиққандаям ҳеч кимдан садо чиқмади. Бироз юрганимиздан кейин йўл четидаги ҳарбий аскар чизилган катта паннога ишора қилиб, Рўзимат ака ижирғиниб гапирди:

— Қўлида автоматли бу аскарни сувратини чизиб қўйганларича, Хиванинг йўли бўлса, Огаҳийнинг бир байтини ёзиб қўйсалар бўлмайдами?

Ҳеч қайсимиздан яна садо чиқмади. Сал ўнғайсиз жимликдан сўнг Ота:

— Сизлар Огаҳийни биласизларми? — деди. Рўзимат ака бирдан жонланиб кетди:

— Оз-моз хабардоримиз, сиз-чи? Сиз ҳам биласизми? — деб сўради.

Ота такси шофёрига мурожаат қилди:

— Ҳей, шопир бола, машинингни астароқ ҳайда, — ва бизга буюрди, — Сизлар эшик ойналарини бекитинглар. Биз ҳаммамиз қизиқсиниб, дарҳол машина ойналарини кўтардик. Ота бошлаб юбордилар "Суворий"ни:

Дилим дуди бало даштида сайрон этдигимдандур...

"Суворий" аста-секин авжланиб, машина ичига овоз сиғмай, юракларни ҳаприқтириб юборди. Бизлар ҳайратдан лол бўлиб қолдик, Ота баландлаб бораверди Дуторсиз, доирасиз 70 ёшларидан ошган одам Огаҳийни сиз ҳам биласизми деганимизга аввалига Партавининг Фузулийга мухаммасини, сўнггида Огаҳийнинг "Савт"исини ўқиб қўшиқни чиройли тамом этди, машина ҳам Хивага кириб борди. Ота бирдан:

— Мен мана шу ерда тушишим керак, — деди.

Шофёр дарҳол машинани тўхтатди. Биз шошиб қолдик.

— Ота, сиз ким бўласиз? — дедик ҳаяжонимизни яширолмай.

— Менми? — ҳар биримизга бир-бир қараб, мийғида кулди, — мени баъзи бировлар Қаландар бола дейди, баъзилар Қаландар банги дейди.

Машҳур ҳофиз Қаландар бола номини кўп эшитган бўлсак ҳам танимаганимиздан хижолат бўлдик. Ўлмас ака чиройли кулимсираб, орқасига қараб-қараб қўяди. Шунда мен Отадан илтимос қилдим:

— Юринг биз билан. Бизлар дўхтир Отаназар ака Абдуллаевникига борапмиз.

— Йўқ, йў-йўқ, — деди Ота тезгина, — Мен дуторимга келяпман, Ҳажӣ эшонникида (Ҳожихон Болтаев демоқчи) Тожикистондан меҳмонлар бор, Маъруфхўжа Баҳодировлар. Бир ҳафта-ўн кун бўлармишлар. Ҳажӣ эшонни дутори қўлимга тушмади. Раҳмат, йигитлар, Урганча қайтмасам бўлмайди.

— Ўзимиз олиб борамиз, — деди Рўзимат ака ялиниб.

— Йўқ-йўқ, ўзим кетаман, — у машинадан тушдию, эшикни ёпмай, қулиб қўйди, — Ина шу ерда уйим, ҳована, йўлингиз тушганда келинглар.

Ота қопини орқалаб, илдам юриб кетди. Отанинг тетик одимларида юртга эгалик, элга эркалик ҳисси акс этиб борар эди...

— Озоджон, — дедим суҳбатга тортмоқ учун, — шу Қаландар отани кейин ҳам эшитдик, Ҳожихон ака билан телевизорда айтишувини ташкил этдик, лекин мен то ҳануз бир нарсага тушунолмайман.

Озоджон суҳбатимиз мавзуга ҳалиям унча тушункирмай, аста бошини кўтириб, "айтаверинг, эшитаяпман" дегандай менга қаради.

— Шу Қаландар аканинг овози Ҳожихон аканикидан бир-икки парда баланд экану, менга ритми йўқдай туюлди...

Орага оғир жимлик чўкди. Бу фикрни мен чилдирмакашларнинг шу бугўнги кундаги устаси ҳисобланмиш Назар акага ҳам айтганимни, у ҳам Ҳожихон ака билан Қаландар аканинг ўша машҳур айтишувида икковининг ўртасида ўтириб доира чалганини, Қаландар акага навбат келганида бироз қийналганини айтдим.

Озоджон яна индамади. Қизиқ бўлди-ку деб ўйлаб турган эдим, у бир ички афсус билан:

— Ҳожихон аканинг санъати олдида бош эгмаган одам йўқ. Шундай устоз одам, агар Қаландар аканинг ритми бўлмаса, айтишув айтармади?

Ана сизга жумбоқ. Энди мен индамадим. У суҳбатга қандай берилиб кетганини билмай қолди.

— Қаландар акадай гўяндаларни тингламоқ учун, уларнинг қочиримларидан баҳраманд бўлиш учун эшитувчанлик қобилияти зўр бўлмоғи лозим. Улар катта авжда "Дастгири фано...о..." деганида ҳозирги ман-ман деган доирачи ҳам ўзини йўқотиб, ўзи усулдан чиқиб кетади, кейин пана-панада ашула айтувчини усулга тушмай кетади гоҳ-гоҳ дея ғийбат қилади, — мени тушуняптимикиан дея сал жим қолди-да, яна давом этди, — худди ҳозирги коденцияга ўхшаш, худди беусулдай, лекин барибир ички ритми бор.

— "Ритм чўзими" деган иборангизга энди тушундим.

Озоджон менга ялт этиб қаради:

— Дафтарни ўқибсиз-да.

— Ҳаммасини эмас. Кўп жойларига тишим ўтмади. "Ўзбек халқ музыкаси" китобининг М.Юсупов қаламига мансуб VII жилдида "Не қошу юз" ашуласи "Тани мақоми Рост"нинг ўзидир, дебсиз. Хўш, унда нима бўлибди?

— Қизиқ гапирасиз, — туюқиб кетди Озоджон, — катта бир мақом куйи камбағаллашиб қолган. "Наво" мақомининг "Нақш" и асосида ишланган куйни устоз "Савти Феруз II" деб берибди, қаранг, очиб қаранг мана, — сумкасидан катта жилдли китобни олиб варақлай бошлайди, — мана, 146-бет, мана 244-бет, "Дилдоринг келур" ашуласи "Бузрук" мақомининг "Тасниф" и асосида ишлангани таъкидланади. Албатта, бу китоб таҳрирчилари Ю.Кон ва И.Акбаровларнинг таъсиридир, чунки "тасниф" ибораси Хоразмда истеъмолда йўқ. М.Юсупов эса истеъмолдаги куйларни нотага олишга муяссар бўлган олим. Шунинг учун ҳам бу қўшиқни "Таснифи Бузрук" куйи асосида яралган деса тўғрироқ бўлади. Агар Бухоро шашмақомидаги "тасниф", Хоразм мақомидаги "I Пешрав" эканини эътиборга олсак, юқорида қайд қилинган қўшиқ Хоразм созандалари томонидан "I Пешрав" асосида яратилган дейилса, жуда аниқ топилдиқ бўлур эди.

— "Ўзбек халқ музыкаси" китобининг VII жилд 293-бетиде берилган "Гуландомим била" номли қўшиқ Комилжон ака ижросида халққа таниш. Бу "Талқини Наво" бўлиб, "Талқини Наво" асосида ишланган дейилгани нотўғри де-

гансиз. Мен шу китобни сиз кўрсатган бетини очиб, "Талқини Наво" асосида ишланган дейилган жумлани топмадим. Буни қандай тушунмоқ керак?

Озоджон бирдан ўзига хос туюқиш билан:

— Эй-воей!... 587-бетини очинг!

Мен дарҳол унинг гапини икки қилмай, айтган бетини очдим ва юқоридаги жумлада қайд этилганини ўқидим. Яна бўш келмай:

— Хўш, нима бўлибди?

— Сиз ё яхшилаб ўқимагансиз менинг ёзганларимни, ёки мени калака қиляпсиз! Ахир Комилжон ака "Талқини Наво"ни ижро қилишдан аввал ўрганган устозларига, Матпано оталарга эшиттириб кўргандир! Агар Комилжон ака ижросидаги "Талқин" тўлиқ ноталаштирилганда, бу қадар кабағал бўлмас эди куй! Ёдингизга олинг! Озоджон баланд овозда ижро қила бошлади.

Қайда бўлсин музтариб кўнглимга ором, эй рафиқ,
Тутмадим ором чун бирдам дилоромим била.

У бирдан қўшиқни тўхтатиб, ҳорғин бир руҳият ила деди:

— Ушбу авж байти нотада йўқ, 2—3 хона билан чегараланиб қўя қолинган...

— Сиз бу қадар куюнчаклик билан гапиряпсиз, лекин сизни ҳам ғийбат қиладилар,— дедим уни ҳаяжонини босиш учун. У ҳайрат билан боқиб сўзи оғзида қолди,— Сизни ҳам "Рост"нинг чертим йўлига сўз қўйиб ижро этиб юрибди дейдилар.

Озоджон оғир хўрсинди. Унга раҳмим келди.

— Менга раҳмингиз келмасин,— деди худди фикримни ўқиётгандай,— "Танбур чизиги"даги оҳанглар мутахассислар учун ҳам нотаниш бўлгани учун шундай деб ўйлайдилар. Бу ғийбат эмас, билимдонларнинг мозий оҳангларимиздан беҳабарликларидандир. Ҳатто Икром Акбаровдай зукко олим олти ярим мақомнинг биттасини — "Рост" мақомини мукаммал таълиф этишга ожизлигини тан олган. Мана,— дея "Ўзбек халқ музыкаси" китоби VI жилдининг 518-бетини очди,— мана, "Булардан ташқари яна бир неча турли шаклларда нуқталар, турли белгилар учрайдики, ҳозирча буларнинг аниқлаш имкониятига эга бўлолмадик".

Озоджон билан неча бор суҳбатлашганимизга қарамай, бугунги суҳбат ва кечаги унинг кўнгил дафтари билан

танишувим Хоразм вилоят ҳокими Маркс Жуманиёзовга хат ёзиб Хиванинг яқинлашиб келаётган 2500 йиллик тўйига тухфа бўларлик мулкни тезроқ халққа етказиш, уни китоб этиб чоп эттириш учун у кишини огоҳ этгим келди. Биринчидан, вилоятнинг раҳбари, иккинчидан, у кишининг ўзи мусиқа санъатига, тарихга, ўтмишимизга бағоят қизиқувчан, тарихни рўёбга чиқариш учун қўлидан неки келса аямайдиган бир инсон.

ҲОКИМГА ХАТ

Хоразм вилояти ҳокими
ҳурматли М.Жуманиёзовга


Қадрли Маркс Жуманиёзович!

Ушбу битикни қандай бошласам экан деган ўйда кўп андишага бордим, негаки ёзилажак бу номадаги истак хайрли бўлиши билан бирга, андак ташвишли, андак иқисод талаб ва бироз фармойиш талаб ҳамдур...

Сиз доим маданиятимиз, айнқса, мусиқа маданиятимиз ва унинг билан боғлиқ бўлган муаммолар хусусида ибратли ишларни қилиб келяпсиз. Бу албатта Оллоҳнинг бизга

кўрсатмиш буюк неъматидир.

Хоразм олти ярим мақомини Феруз замонидаги "Танбур чизиги"да битилган аслини ҳозирги нотага кўчириш билан тиклаш бўйича берган топширигингиз ана шу қилаётган ибратли ишларингизнинг биридур. Худди Сиз айтгандай иқтидорли бастакор Озод Иброҳимовни, Озод Бобоназаровни, бундан қарийиб 30 йил аввал Ҳожихон ака билан мақом дастасини тузишда қатнашган, классик мусиқамизни тиклаш жонкуярларидан бири созанда Аҳмаджон ака Машариповни театрға таклиф этиб, Сизнинг топширигингизни етказдим ва ҳар қайсига ярим ставка маош тайинлаб, шу ишга жалб этган эдим. Ўтга 9 ойда улар



"Рост" мақомининг мушкilotини, ғазаллар танлаб насрини ва уфорисини Сиз таъкидлагандай ҳозирги нотага кўчирдилар.


Бир мақомни кўчиришга 9—10 ой вақт сарф бўлганидан кўришиб турибдики, ишлаш жараёни бениҳоя қунтлиликни талб этади. Демак, қолган мақомларни кўчиришга камида 4—5 йил кетиши муқаррар, магарам иш шу маромда давом эттирилса. Бу ишнинг тезлашишига, Хиванинг 2500 йиллик муборак санасига туҳфа этилишига Сизнинг аралашувингиз лозим кўринади. Яъни, "Танбур чизиғи" устида иш олиб бораётган бу 3 заҳматкаш ҳамма ишларидан озод бўлмагунларича (жумладан театрдан ҳам), ишни тезлатмоқ амри маҳол кўринади.

Қадрли Маркс Жуманиёзович, бобомиз Феруз ҳам мақом тўғрисида алоҳида фармон бергани тарихдан маълум. Сизнинг куюнчақлигингиз ҳам олий таҳсинга лойиқ. Ахир мақом маънавиятимиз мулки, миллатнинг фахридур.

Баёний иншоси бўлмиш "Танбур чизиғи"ни ҳозирги нотага олиш бир дунё, унинг ижроси ва ижрочилари тўғрисидаги ғамхўрлик бошқа бир дунё.

Сиздай олийҳимат ҳокимнинг бу хусусда қабул этмиш қарори даргоҳида мустажоб бўлғай.

Чуқур эҳтиром ила
Огаҳий номли вилоят
театри директори



К.Авазов

Хатни ёзишга ёздиму, ҳоким билан бу тўғрида суҳбатга тайёрманми деган андиша қалбимни тирнай бошлади. Кечалари Озоджоннинг кўнгил дафтарини ўқийман, кундуз кунлари вақт топдим дегунча, уларга ажратилган хона кириб, учалови билан суҳбат қураман.

СУҲБАТЛАР

Бир куни кирсам, мақомчиларимизнинг учовиям ерга қараб жим ўтиришибди. Ё чарчашган, ёки бирор нарсанинг ечимини топишолмаяпти. Жимликни "нима гап?" деб бузмасдан, уларнинг руҳини кўтармоқчи бўлдим:

— Қўшкўпирда Банк бува деган бир саховатли, дастурхони очиқ одам бўлган. Ўзи ширапазлик билан шуғулланиб, новвот, печа ва турли қандолат маҳсулотларини пишириб сотар экан. Катта савдо-тижорат

ишлари билан ҳам машғул бўлган бу тагдор одамникида вақти-вақти билан Шерозий, Ҳожихон ака, Комилжон акалар тонготар базмлар қуришар экан.

Кунлардан бир кун Банк буваникига Шерозий меҳмон бўлиб келган. Банк бува, хурсандлигидан қўй сўйиб, яхши ўлтириш қилган. Базм бир жойга борганда, Банк бувани хотини чақирган:

— Бу ёққа чиқиб кетинг.

— Ҳа, нима гап, омонликми? — деб ташқарига чиқса, эшик олдида Комилжон Отаниёзов турган.— И-е, Комилжон, кел-кел, қани ичкарига кир,— дебди Банк бува. Комилжон Отаниёзов кирганидан кейин базм янада авжига чиққан. Ашула, соз бўлиб турганида Банк бувани хотини яна чақиртирган:

— Ташқарига чиқиб кетинг.

— Иби-ей, нишатавардинг-а,— деб Банк бува ташқарига чиқса, ичкаридагилардан беҳабар Ҳожихон Болтаев келиб турганмиш.

— Иби, Ҳожи эшон, қайси шамол учирди, қани, ичкарига киринг,— дея Ҳожихон акага кўп мулозамат кўрғазиб, Банк бува базмни яна ҳам қизитиб юборибди ва янги келган меҳмонлар шарафига яна бир қўй сўймоқни кўнглига тугиб:

— Хўжаёз қасобни чақириб чиқ,— дея боласини қасоб қўшнисиникига юборган. "Хўш, хизмат" деб келган Хўжаёз қасобга Банк бува:

— Шерозийни ўзини сўвжақ эдим, бўлмади. Энди (Ҳожихон ака билан Комилжон акаларни кўрсатиб) булар ҳам галиб қолди. Яна бир қўй сўймасанг бўлмас,— дебди.

Қасоб "хўп" деб чиқиб кетган ва салдан кейин қайтиб келиб, баланд овозда Банк бувадан сўрабди:

— Банк бува, Банк бува! Қўйларни қайсисини сўяй?

Банк бува сал тўхталиб, меҳмонларга бир-бир қараб, Мадраҳим Шерозийга шаъма қилиб, шерози жунли қўйни назарда тутган ҳолда шўхлик билан жавоб берибди:

— Шерозини ётиравар!

Суҳбатдошларим очилиб кулиб юборишди. Кулги адо бўлмай туриб Аҳмаджон ака сўзни илиб кетди:

— Ҳожихон ака билан бир йигит саломлашиб ўзини таништирган:

— Мен палонкас ашулачиман!

— Яхши, яхши,— дебди Ҳожихон ака.

— Уста, ман сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

— Яхши, яхши, — дебди Ҳожихон ака.

— Шу, ман қўшиқ айтсам бошим оғрийди.

Ҳожихон ака ашулачи йигитга ялт этиб қарабди:

— Дим қаттиқ оғрийдими?

— Дим аласа!

— Ҳим...— дея бироз ўйга толибди Ҳожихон ака ва кулмасдан астойдил кўнгил берган, — шу ашула айтганингдан кейин, ашулангни эшитган одамлардан ҳам сўра-чи, уларнинг боши ничик экан...

Бўлди кулги, бўлди кулги. Ҳаммаларининг руҳияти созлашгандан кейин суҳбатни илмга буришдан олдин ҳазрат Навоийдан бир байт ўқидим:

Майхонада кимки майдин ибo қилгай,

Най бир дилкаш наво билан расво қилгай.

Озод Иброҳимов:

— Эҳ, энди Навоий — Навоий-да, қаранг:

Кўз касби зиё дўст юзидан фан этар,

Маҳбуб юзин кўрмаги кўз равшан этар.

Дўст билан учрашмоқ, ҳамсуҳбат бўлмоқ нечоғ шарофатли, яхши келингиз.

Озод аканинг шу гапидан кейин бирдан "Танбур чизиғи"га ўтишни эп кўрмадим ва дўст, маҳбуб хусусидаги фикрини андак давом эттирдим:

— Раҳматлик Сиддиқ маҳсум, жойлари жаннатда бўлсин, падари бузруквори Ҳожихон ака, Нурмат ака — булар бир антиқа дўст эдилар, яхши биласизлар. Сиддиқ маҳсум билан дадам икковлари гоҳ у, гоҳ бу сўз устида баҳслашиб, тортишиб, баъзан аразлашиб юрар эдилар, лекин беғараз, холисанилло яқин дўст эдилар. Уларнинг муноқашаси, мунозараси арабий ва форсий сўзларнинг маънолари хусусида бўларди. Ҳожихон аканинг табиатлари бошқачароқ эди. У киши тортишмас, бирор гапнинг маънисини маъқул тушса, қўлига дуторини олиб, ҳайратомуз бир куйга эшитилмаган ғазални ўқиб юборар, ўтирганлар баҳсчи, аразни эсларидан чиқариб, қўшиқ оҳангига мафтун бўлар эдилар.

Қиш оқшомларининг бирида, 1975 — 76 йилларда, Сиддиқ маҳсум уйга кўнғироқ қилиб, мени меҳмонга таклиф

қилди. Соатга қарасам, кечки 10 лар. Қиш оқшомидаги соат 10 туннинг ярмидай гап.

— Сиддиқ ака, кеч бўлди-ку, тинчликми? — деб сўрасам, у киши ҳамишаги бас товушида:

— Ҳожи эшон келиб эди... Нурмамат ҳам бор, дадангиз ҳам...— Сиддиқ маҳсум Ҳожихон Болтаевга доим Ҳожи эшон дердилар.

— Бир у эмас, — деди Аҳмаджон ака, — Маҳбубий домла ҳам, бошқа тенг-тўшлари ҳам Ҳожи эшон дейишарди.

Демак, бирор янги ғазал тавсири бўлапти экан-да дедиму, дарҳол этиб бордим. Маҳсум ака айтгандай, тўртталови иссиқина меҳмонхонада имиқ суҳбат қуриб ўлтирибдилар. Ҳожихон аканинг ёнбошида тори, Нурмамат ака ёнида эса дутор, ўртада одмигина дастурхон. Дадамнинг қўлларида эски китоб, ненидир шарҳлаптилар. Мен кирганим боис андак жимлик бўлди. Ҳол-аҳвол сўрашдик, дадам қўлидаги китобнинг келган жойидан жумла охиригача ўқидилар: "Ўғиллари Ҳаммод демушким, отам Имоми Аъзам буғдойранг, чиройли, гўзалсуврат, ҳайбатли, улугсифат эрдилар. Хомуш бўлиб, гапирмас эрдилар, магар жавоб бермак учун сўзга кирар эрдилар. Ўрта бўйли, узунлиқга мойил, мавзунқомат бўлиб, беҳуда сўзларга қўшилмас эрдилар. Суҳбатлари ниҳоятда дилкаш ва файзли эрди".

Дадам бошларини китобдан кўтариб, ўтирганларга ўзларига хос майин таббасум билан боқдилар:

— Қаранг-а, ўрта бўйли дегани билан чегараланмайди ўғли, узунлиқга мойил, мавзунқомат (чиройли, бенуқсон қоматли) дейди.

— Вой-бўй, — дея хитоб этди Ҳожихон ака.

— Бугунги муҳокама бизнинг устимизда экан-да, — дедим Сиддиқ акага қараб.

— Эй-вўй, Комилжон-ей, сиздай фарзанди бўлгани учун ҳам дадангиз ёш йигитдай. Сизни яхши кўрганимиздан чақирдик.

Ҳаммалари қизгин маъқуллашди. Нурмамат ака бирдан луқма ташлади:

— Бировни қарғанда, хаҳ, Имоми Аъзам урсин деб қарғайдилар-а!

— Имоми Аъзамнинг муборак исмлари ан-Нўъмондир. Бу исмда, — дедилар дадам, — бир латиф сир бордур, зероки Нўъмон қон маъносида, қон баданнинг таянчи ва

тирикликнинг низомидур. Баъзи ҳукамо қонни — руҳ дебурлар...

— Самандар,— деди Сиддиқ маҳсум,— бай-бай қироатини келтирдингиз-дон, Имоми Аъзамдан улли имом йўқ, ҳазрати Имоми Аъзам фикҳ гулшанининг лоласи, яъни ислом гулининг гулшанидир. У кишининг номлари билан қарғаш қаттиқ ёмон, изоҳлаш ҳам ўринсиз.

— Вой-бўй,— деди Ҳожихон ака,— Имоми Аъзам кўп илмли одам бўлган, Унга худо берган.

Қарасам, гап мавзуи қуюқлашиб, соз қолиб кетадиган, вақт эса алламаҳал бўляпти, аста сўз йўналишини бурдим:

— Ҳожихон ака,— менга нима иши бор экан дегандай у кишининг анойи бир қараши бор эди, ҳойнаҳой қўшиқ сўрайди-ёв деганга ўхшаган ёқинқирамаган бир қараш қилдию бошини пастига осилтирди, "айтаверинг" дегани эди,— Қаландар банги қўшиқнинг авжина чиқанда, боғлиқ турган моллар ипини узар экан дейдилар, шу гап ростми?

Нурмамат ака шўх ва ҳазилкаш одам эдилар:

— Ҳов-а, Қаланар ака қўшиқ айтса, одамлар молларини занжир билан боғлаб қўяр эдилар.

— Сўйиб кетмасин дабми? — дедилар дадам.

Ҳаммалари кулишди.

— Одамлар ҳам муболағани йириб юборадилар-ов,— Сиддиқ маҳсум Ҳожихон акага қуш қараш қилди.

— Лекин Қаландар аканинг овози дим қаттиқ эди, дим баланд эди,— Ҳожихон ака ғамгин бир хўрсиниб, қўлига торини олди. Нурмамат ака ҳам дуторини олиб, тишининг кири билан торларини таранглади, "энди ашулавозлик бўлади" дегандай ҳаммамизга одати бўйича кулимсираб бир-бир қаради.

Ҳожихон ака салдом билан "Катта суворий"ни бошлади. Бу сафар тамоман мен эшитмаган, бошқа бир мухаммасни ўқиди. Авжида мухаммаснинг бир сатрини алоҳида урғу билан нола қилди:

Бу маҳфил ичра равшанлик на шамъи, на лагандандур...

Қўшиқ тамом бўлди. Ҳожихон ака овозининг акс-саоси уйнинг шифтларига урилиб ҳалиям жаранглаб тургандай.

Ўртага ҳузурбахш жимлик чўкди. Ҳеч ким уни бузгиси келмас, ҳар ким ўз ўйи билан банд.

Менга таъсир қилган мисрани завқ билан такрорладим:

Бу маҳфил ичра равшанлик на шамъи, на лагандандур...

— Ҳовва! — деди чўзиб Сиддиқ маҳсум,— бугунги маж-лиздаги ёруғлик шамъдан ҳам эмас, шамънинг остидаги ёритқич лагандан ҳам эмас, сенинг борлигингдан, эй дўст, эй рафиқ, эй худо!..

Ғазалларни, сўзлар ичига яширинган сирли қочиримларни тушуниб ижро этадиган хонандалар яна келармикан деган ўй миямни тиглаб ўтди...

Суҳбатимни тинглаб ўтирган Аҳмаджон акаям, иккала Озод акалар ҳам анча вақтгача сукут сақлаб ўтирдилар.

— Ашуланинг, ғазалнинг мағзини чақиб эшитадиган шинавандалар ҳам келармикан? — деди Озод ака.

— Келади,— деди ҳаяжон билан Аҳмаджон ака,— хонандалар ҳам келади, эшитувчилар ҳам. Ахир биз, мана, қандай улкан иш устида ўтирибмиз, ҳар не шарофатнинг ўз вақти-соати бор.

— Тўғри,— дедим,— лекин нечанчи бор сўрашимдан узр, нега шунча даврдан бери улкан мусиқа олимлари "Танбур чизиғи"нинг сирларини очолмаяптилар? Кеча ўқидим, Озоджоннинг суҳбатидан кейин, Илёс Акбаров ёзибди: "Ҳозирга қадар "Танбур чизиғи"ни содда ва оддийлиги, пауза ва ритмик ўзгаришларнинг йўқлиги кўпгина музикашунос, композитор ва музика арбоблари томонидан таъкидлаб келинади. Бу система бўйича ёзилган Хоразм мақомларини ҳам нотага кўчириш (расшифровка қилиш) иши талай қийинчиликларга дуч келди. Ана шу иш юзасидан олиб бўрилган тадиқотлар ҳозирча бирон-бир самара бергани йўқ".

— Биз ҳам игна билан қудуқ қазигандай имиллаб иш-лаяпмиз,— мунгли сўз қотди Аҳмаджон ака,— ҳалиям бахтимизга Озоджон бор экан, барака топсин, кечаю кундуз эрмагимиз шу, шу иш билан андармонмиз. Мана, "Бузрук"ни ярмидан ўтдик, суворийлари бир олам экан.

— "Суворий"лар деб яхши эслатдингиз. Ўн икки мақомлардан бирининг номи "Раҳовий" экан. Исҳоқ Ражабов: "Баъзи мулоҳазаларга кўра, у "раҳ" ёки "роҳ" — йўл маъноларида ҳам келади. Чунки мақомларнинг бизгача етиб келган вариантлари ва халқ музика асарларида "Суворий" номи билан машҳур отлиқлар юришини тасвир этадиган куй ва ашула йўллари кўплаб учрайди. Суворий отлиқлар юришига тегишли деган маънода келса, Раҳовий йўлга,

¹ И.Аkbаров. "Музика луғати", Тошкент, 1987 й. 338 — 340-бетлар.

йўл юришга тегишли маъноларни беради. Раҳовий сўзининг бизгача етиб келган формаси Суворий бўлиши керак¹, — деб ёзади.

— Хўш, "Раҳовий", "Суворий" экан, нега шашмақомда "Суворий"лар йўқ?

Озоджоннинг бу саволини эшитган ҳар қандай муסיқашунос олим ҳам йўргалаб бораётган фикрларини таққа тўхтатади.

— Шунинг учун ҳам, — дея давом этди Озоджон, — "Танбур чизиги" Турон замини муסיқа хазинасининг ноёб улкан мулки, бироқ сирли, кўп ишлаш керак.

— Илёс Акбаров, — дея ҳаммаларига бир-бир қарайдим, — яна китобга мурожаат қилаверамиз, "Ўзбек халқ музикаси" китобида: "Хоразм танбур чизиги табулатур принципи асосида тузилади, бунда товушнинг баландлиги эмас, балки танбурдан товуш чиқариш усули ёзилади"², — деган... Табулатур нима? У қандай система? — Тўғри, — деди Озоджон ва ўрнидан туриб, танбурни осиглик жойидан қўлига олди-да, танбур дастасининг пастидан юқорисигача бўлган орлиқни кўрсатиб, давом этди, — Мана шу оралиқ — табулатура ал-Форобий, ибн Синодек буюк алломаларнинг ижодий изланишлари ўлароқ нота ёзувининг, бу системанинг дунёга келишига замин бўлган. Муסיқа илми алломаларининг ишини сидқиддилдан давом эттирган урмиялик машҳур олим Сафиуддин ал-Урмавийнинг хизматлари беқиёсдир. У номаълум бир куйни "сақили аввал", яъни биринчи сақил деб атаган ва рақамлар бирикмасидан иборат ҳарфли нотация тузган, уд пардалари ўлчовига тушириб, шу куйни жадвалга жойлаштирган...

— Рақамлар дедингиз, демак, ал-Форобийнинг муסיқа илми математика фанларидан бири ҳисобланади деган назарияси ўз инъикосини топган, — дедим, — Форобий ўзининг фалсафий рисолаларида таъкидлашича: "Назарий фалсафанинг асосий бўлимлари учта бўлиб, улар табиат тўғрисидаги илм, худо тўғрисидаги илм (илоҳиёт) ва улар ўртасидаги оралиқ жойни эгалловчи математик илмлардан иборат бўлган; математик илм тўрт хил: арифметика, геометрия, астрономия ва музика"³.

— Албатта, куйни саноқсиз чалиб бўлмайди, — Озоджон доирани олиб, аста усул бераркан, давом этди, — 1 и, 2 и, 3 и... ва ҳоказо. Табулатурага келсак, унинг испанча, французча ва немисча турлари бўлган. Турли чолғу асбоблари учун чизиқли ҳамда чизиқсиз турлари ҳарфлар, рақамлар ва турлича белгилар билан кўрсатилган. Табулатура аста-секин нота белгилари билан алмаштирилган. "Танбур чизиги" ҳам табулатуранинг бир хили.

— Озоджон, сиз ҳали шашмақомда "Суворий"лар йўқ дедингиз...

— Тўғри, "Нақш"лар ҳам йўқ.

— Ҳозир, бир дақиқа, Ғулом Зафарий 12 мақомни санаб, Раҳовий, Ҳусайний, Рост, Ҳижоз, Бузрук, Кучак, Ироқ, Сафихон, Наво, Ушшоқ, Зангула, Буслик дея ҳаммасига тааллуқли куйларни санайди ва "Раҳовий"да 12 куй борлигини таъкидлайди, яъни "Наврўзи араб" — 6 куй, "Наврўзи аҷам" — 6 куй.

— Булар "Раҳовий"нинг ўзи эмас, насрларидир. Наср дегани — усул дегани, "Насри аҷам", "Наврўзи хоро"лар. Энди "Раҳовий"нинг ўзини олсак, уни "Суворий"га ўхшатиш мумкин эмас. "Раҳовий" йўл билан боғлиқ, мана, бизларнинг машҳур "Али Қамбар" куйимиз — усули пиёда, ҳассали одамнинг, Қамбар отанинг юришига ўхшайди. Бу усулни кўпроқ Султон Увайс бобо, Норинжон боболарнинг зиёратига борувчиларнинг қадам босишига ўхшатгим келарди.

Аҳмаджон ака бирдан ҳаяжонланиб кетди:

— Ҳиндистоннинг қайбир уруғида шундай одат бор экан: қишлоқлардан шаҳарга, бозорга келган одамлар, у-бу нарсаларни харид қилганларидан сўнг, 8-9 киши жамлашиб, бозордан махсус ашула айтувчи ёллар эканлар.

— Нега? — деб сўрадим.

— Харид қилган юкларини уйларига, 7-8 чақирим жойга пиёда кўтариб борганларича, ашулачи қўшиқ айтиб борар экан. Ҳалиги бозорчилар кўтарган юкларининг оғирлигини сезмасдан манзилларига етар эканлар.

— Ажаб бир яхши одат экан, — деди завқланиб Озод ака.

— Бизда бир куй бор, — яна сўзида давом этди Аҳмажон ака, — дуторда чалинади — "Ровий", ана шу куй "Раҳовий" бўлиши керак.

¹ *Ғ. Зафарий*. "Инқилоб" ойнамаси, 1922 й., 3-сон, Бу борада қаранг: *Ғ. Зафарий* "Гулистон" ойнамаси, 1994 й. 1-сон.

¹ *И. Ражабов*. "Мақомлар масаласига доир", Тошкент, 1963 й., 46-бет.

² *И. Акбаров*. "Ўзбек халқ музикаси", VI жилд, XI бет.

³ *В. Бартольд*. "Культура мусулманства", Петроград, 1918 й., 35-36-бетлар. Яна шу ҳақда қаранг: *М. Хайруллаев*, "Форобий ва унинг фалсафий рисолалари", 41-бет.

— Ровий — ривоят айтувчи, — дедим.



— Тўғри, ровийлар қисса айтадилар, куйга солиб айтсалар-чи? — биз индамагач, — ҳа, энди, фикримизни айтдик-дон, — деди Аҳмаджон ака.


Ҳар суҳбатдан бир олам завқ, бир олам маъни оламан. Ана шундай фараҳбахш кунларимнинг бирида вилоят ҳокимлигидан кўнғироқ қилиб, "эртага сизни кундуз соат 3 да вилоят ҳокими қабул қиладилар", дейишади.


Вилоят ҳокими менинг "Танбур чизиғи" боис ёзган хатим бўйича қабул қилишини билсам-да, имтиҳонга киришдан олдин талабанинг боши ғувлаб, ҳамма нарсани унутгандай ҳаяжонлана бошладим. Яна бир бор "Танбур чизиғи" борасида фикрлашмоқ учун Озоджонни ҳузуримга таклиф этдим.


СУҲБАТ

— Озоджон, "Ўзбек халқ музыкаси"нинг 6-жилдида, яъни "Хоразм мақомлари" қисмида Илёс Акбаровнинг расшифровкаси билан "Танбур чизиғи"нинг "Рост" мақоми берилган. Сиз нега яна "Рост" мақоми янгидан нотага оляпсиз?


— И.Аkbаров ўз расшифровкасида 3 хил намунага таяниб иш олиб борган, холос. Ваҳоланки, учинчи намуна, яъни учта нуқталарнинг бундай ҳолатда келиши синкопа усулига тўғри келади дейилиши ҳам тўғри келмаётир. Биринчи намуна, яъни ҳар бир нуқта 8 талик нота ўлчовига тенг  ва қўшалоқ нуқталар  16 талик нота ўлчовига тенг дейилиши тўғри, лекин буям қисман тўғри, чунки ҳар бир нуқта ўз жуфти билан ёки жуфтсиз келади. Жуфти билан келса, 8 талик нотага тенг бўлса, жуфтсиз ҳолда чораклик, ёки айрим ҳолларда ритм туроғига қараб 3 та 8 ликка тенг бўлади. Нуқталар ўнгдан сўлга қараб ўқилади:

1. . . .  — ритм така-гул-гул, бу тарзеъ қуйида учрайди.

2. Ҳар бир нуқтанинг 3 та 8 таликка тенг ҳолати мақомнинг талқинларида учрайди. 

3. Булардан ташқари, "Танбур чизиғи"да қўйилган стрелкаларнинг турли вазифалари бор. Тўлиқ ва қисқа бўлмаган бозғўйлар ижроси ана шу стрелкаларга жуда ҳам боғлиқ: 

Айрим стрелкалар хона бошланишини кўрсатса, айримлари оҳанг ёки сўзларнинг бошланишини билдиради. И.Аkbаров ана шу узун ва қисқа стрелкаларга тўлиқ эътибор бермаган, афсус.


4 "Танбур чизиғи"да нуқталар орасига қўйилган айрим чизиқчалар  ўқиш пайтида чалкашмаслик учун ритм туроқларини ажратишга қўйилиб, куйнинг айнан қийинчалик туғдирувчи жойларига қўйилган. Домла ушбу сирдан воқиф бўлмаганлар.

5. Фақат 8 талик нота билан ифодаланган куй "Рост"нинг таронаси бўлиб, натацияда тўғри расшифровка қилинган, лекин ритм нотўғри бўлинган.


6. Энг характерлиси, усул бўлганда 16 тактни бир хонада айланишини била туриб, 16 ни 3 га бўлинмаслигига эътибор этмаган ва шу кўрсатилган ритм 3 тактга жойлаштирилган. "Танбур чизиғи" да кўрсатилган ритм —

Гул = так = така = гул = так.

И.Аkbаровни расшифровкада жойлаштириши:




Аслида бундай бўлиши керак:




яъни, 4 тактга жойланиши керак шу усул, 4 қайтарилганда хона тўлади.

Бундай хатоларни "Суворий"ларда ҳам кўриш мумкин. "Суворий"лар 13 ҳиссаларда бўлиши керак, лекин нотага олинишда 12 ҳиссага жойлаштирилган. Шунинг учун кучли ва кучсиз ҳиссалар ўрни алмашиб, чалкашиб кетган. Масалан, расшифровкада:



Бўлиши керак:



Ритм:

така = така так = так гул = гул так = така така = гул

7. Ҳозирги замон нота ёзувида рефриза (такрорлаш белгиси) ўрнида "Танбур чизиғи"да алиф белгиси ифодаланган. Алиф белгиси оралиғида нуқталар такрорланади. /оралиқ/

8. Ҳозирги замон сегнаси (белгиси) ўртасида "Танбур чизиғи"ида юлдуз белгиси қўйилади, бу катта масофа

такрорланишини кўрсатади ҳамда фонаел (куй ўтиш жойларини кўрсатувчи) белгисини билдиради...

Озоджон куйиб-пишиб гапиряпти, лекин мен эртага ҳоким билан суҳбатда содда ва оддий қилиб тушунтириш учун қайси нуқталарга урғу берсам экан дея ўйлай бошладим.

— Нега ўйланиб қолдингиз?


Озоджоннинг саволидан сергакландим. Яна ҳамишаки жавоблар мени қониқтирмайдиган саволни бергим келди, чуни ҳоким мендан албатта шуни сўрайди:

— Нега "Танбур чизиги" ҳозиргача мукамал таҳлил этилмаган ва нотага олинмаган?

Озоджон аввалига ҳайратланди, кейин мени ҳурматимга ҳафсаласи пир бўлганини сездирмай, босиқлик билан узоқ тушунтирди ва ниҳоят миллий мусиқа асбобларимиз Оврүпо мусикаларини чалишга мослаштирилгани ҳақида батафсил тўхталгач, эртага вилоят ҳокими билан бўладиган суҳбат мавзуининг бош нуқтасини топгандай бўлдим.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ҚАБУЛИДА

Хоразм вилятининг биринчи ҳокими бўлиб ишлаган Маркс Жуманиёзов билан қайси мавзуда суҳбатлашсангиз



19-расм. "Танбур чизиги"нинг фотонусхаси.

19-picture Photo-copi from
"Tanbour chizighi"

ҳам роҳатланасиз, чунки у киши ҳар тарафлама чуқур ҳаёт тажрибасига эга ва дунёвий илмлардан бохабар киши.

— Хўш,— деди Маркс ака,— хатингизни олдим, жуда савоб ишни бошлабсизлар. Бу, "Танбур чизиги" нима экан ўзи?

Муҳаммад Юсуф Баёний томонидан кўчирилган "Танбур чизиги"нинг қадимий ноталаридан олинган фото нусхалардан бир нечтасини олиб борган эдим, столга ёйиб кўрсатдим:

— Мада, сирли нуқталар қўйилган эски ноталарнинг фото нусхаларидан намуналар.

Маркс ака узоқ тикилиб ўтирдилар-да, фото нусхаларни бирини олди:

— Худди кардиограммага ўхшар экан-а! Юрак тепиши ёзилгандай, а? — деди ва ҳайратланганича давом этди,— Нега шунча вақтгача бу нуқталар ҳозирги нотага кўчирилмаган экан? Ахир республикада не-не казо-казо композиторлар бор-ку! Мақомлар тўғрисида китоблар ҳам оз эмас.

— Тўғри, мақомлар тўғрисида тазкиралар, рисоалар, ривоятлар яратилиб келинган ва буларнинг муаллифлари ҳам оз эмас, аммо Хоразм "Танбур чизиги"ни ҳисобга олмаганда мақомларнинг қадимий мукамал ёзма манбаси йўқ. "Танбур чизиги"ни ҳозирги нотага олиш борасида ажойиб бастакор Илёс Акбаров жуда кўп саъй-ҳаракатлар қилган ва битта "Рост" мақомини нотага олишга мушарраф бўлган, у ҳам камчиликлардан холи эмас, бизда ташкил этилган мақомчилар гуруҳи шуни эътироф этишяпти. Қолаверса, "Танбур чизиги" билан Илёс акадан бўлак бирор-бир бошқа на бастакор, на созанда шуғуллангани бизга қоронғу. Бир сўз билан айтганда, бу ноёб мулк ўз ижросини ҳам, эшитувчисини ҳам ҳозиргача тополгани йўқ.

Мана шу далилнинг ўзи ҳам қадимий, яккаю ягона манбага эътиборсизликни билдирмайдими? Бизнинг мозий оҳангларимизга бўлган муносабатимиз сустлигини, ўзлигимизни танишликдан узоқлигимизни кўрсатмайдими?

— Дарҳақиқат,— деди Маркс ака,— мақомлар хусусида соатлаб гапирамиз, бирон ҳақиқий мақомлар жамланган манбани ҳозирги нотага ўтказиб, ижро қилишдан ҳали кўп йироқда эканмиз. Бу эса бизнинг миллат сифатида юксалишимизга халал берадиган, ўзлигимизни, қадриятларимизни тиклашга бўлган рағбатимизни суст қиладиган мисоллардан биридир.

— Энди, Маркс ака, менга юқорида берган саволингиз хусусида жуда кўп ўйладим. Нега шу вақтгача "Танбуру чизиги" мукамал ўрганилмаган, ҳозирги замон нота чизигига олиниб, халққа етказилмаган,— сал тўхтаб давом этдим,— бунинг бош сабабларидан бири ўзбек миллий халқ чолғу асбобларини қизил империя даврида реконструкция қилинишидир. Умуман ўзбек миллий мусиқа санъати энг кам ўрганилган соҳалардан бўлиб келган, чунки инқилобдан кейин ёппасига Оврупо мусиқасидан кўчирма асосида ўқув юртлари ташкил қилинди ва миллий мусиқа қонун-қоидаларидан, уларни ўрганишдан четлашиб, узоқлашиб кетилган.

— Ана бу гапингизда, Комилжон, жон бор. Консерваторияда шарқшунослик факультети қачон очилган экан?

— 1973-74 йиллардан бурун эмас, тахминан шу йиллари.

— Ана, кўрмайсизми, қачон уни талабалар битиради, қачон изланиш қилади. Демак, табиий савол тўғилади, бизнинг классик мусиқамиз билан, мақомлар билан шуғулланувчи кадрлар масаласи оқсаб келган.

— Ана энди мушоҳада этамиз, халқ чолғу асбоблари факультетида баянда ҳам, балалайкада ҳам, хуллас, турли миллат халқ чолғу асбоблари реконструкция қилинган асбобларда ўқув машғулоти олиб борилганда, мақом тўғрисида гап бўлиши мумкинми? Албатта йўқ. Бизнинг миллий созларимиз Бетховен, Бахларни чалишга мослаштирилгани боис нота билан ижро этувчи созандалар нота ўқишда қийналмайдилар ва бемалол оркестрга қўшилиб чалаверадилар, лекин миллий созанда бўлолмайдилар.

— Миллий созанда бўлиши мумкин, бироқ чинакам ижро этадиган, танингни жимирлатиб чала оладиган созанда бўлолмаслиги мумкин.

— Барибир миллий колоритдан йироқ бўлишади. Миллий колорит бизга фақат оғзаки ижро асосида етиб келди. Ўқишга киролмаган миллий созандалар авлоддан-авлодга, устоздан-шогирдга ўтказиб келганидан ҳам мақомлар қисман яшаб қолдилар.

Маркс ака кулиб юбордилар. Мен у кишининг олдларига реконструкция қилинган кўпгина мусиқа асбобларининг сувратларини олиб келган эдим, стол устига ёйдим ва кўрсата бошладим:

— Мана, битта дуторимизнинг аҳволи: мана бу — дутор прима, мана — дутор альт, мана — секунда, мана — дутор бас, мана — дутор контрабас.

Дутор альт-дуторнинг кичрайтирилган тури. Пардалар дастани ўйиб хроматик ҳолда доимий ўрнаштирилган.

Дутор бас — дуторнинг катта қилиб ишланган тури. Унинг тўртта тори бўлиб, булар кварта бўйича тўртинчи тор катта октавадаги "до", учинчи тор катта октавадаги "соль", иккинчи тор кичик октавадаги "ре" ва биринчи тор кичик октавадаги "ля"ларга соланади; "ля"тори ичакдан қилинган бўлиб, қолганлари металдандир.¹

Дутор контрабас-дуторнинг жуда катта қилиб ишланган тури.

Қадимий чанглар ҳам реконструкция қилиниб, деотоник тонликдан хроматик тонликка ўзгартирилган.

— Вой-бўй, гап кўп экан-ов бу созлар тарихида,— деди Маркс ака.

Ғижжаклар скрипкага ўхшаб соналдиган бўлди. Мана, ўзимизнинг қадимий Хоразм ғижжаги.

Мана бу сувратга қаранг, созанадани таний олмадик, тиззасида ётқизиб қўйган ғижжак дастасининг узунлигини кўринг. Сурнай реконструкция қилинган, лекин истеъмолга киргизолмаганлар. Найда хроматик (ярим қатор, товушларни белгилаб берганлар. Буни қарангки, қўшнага теголмаганлар.

— Нега?

— Қўшна чалинса, миллий колоритнинг ҳиди келаберган.


Маркс ака бошини сарк-сарак этиб, қаҳ-қаҳа отиб кулиб юборди.

¹ И.Ақбаров. "Музыка луғати", Тошкент, 1987 й., 110-бет.



20-расм. Дуторлар

20-picture National instrument "Dutor"



21-расм. Хоразм ғижжаклари

21-picture National instrument "Ghijak"

— Яшасин қўшнаи!


— Қадимий танбур диотаник ладдан (ўзига хос поғоналардан) хроматик ладга айлантирилган ва сози қадимий создан бир поғона юқори созланган, чунки оркестрдаги бошқа созлар шу соз асосида созланган, масалан қашқар рубоби, дутор альт "ля" га созланган.

— Демак, асбобларнинг созланиши оркестрга мослаштирилган.

— Тавба, ўзбек миллий созларини оркестрлаштиришга бош-қош бўлган одамини эшитинг, Ашот Иванович Петросян! У кишини, албатта, билимдонлиги учун тақлиф қилишгандир, лекин кимларнингдир саъй-ҳаракатлари ила чолғу асбоблари, танбуру дуторлар ўз созланиш йўналишини, оҳанг жарангини ўзгартирган. Не-не асрлардан бери одамлар қалбига сингиб кетган дуторнинг дунёга келиши, яслишига, ҳақиқий дутор бўлиб илк бор янграши учун бир одам умри баробар вақт кетгани на фақат ҳайратли, балки ғурурли ҳамдир.

Дуторнинг дунёга келиш жараёни, мана, қандай кечган.

Бобом шундай ҳикоя қилгувчи эдилар, дутор бўладиган тут дарахти танлангач, ўрни белгиланади. Чуқур қилиб қазилган қудуқ тубига кесилган тут ғўлалари саржинлаб ташланади, сўнгра устига пишган гишт терилади. Қудуқ



22-расм.

Қадимий Хоразм дутори

22-picture
Ancient
"Dutor" of
Khorezm

15-20 йил гумбурлаб сув беради. Бўлғуси дуторнинг илк жаранги қудуқ тубидан бошланади. Қария усталар кўрсатган қудуқдан шогирдлар тут кесиклари — созларни қазиб олишади, ёнида бошқа қудуқ қазиб, яна янгидан тут дарахти кесиб, кейинги авлод дуторларига замин ҳозирланади, қудуқ ўрнига қудуқ барпо этилади. 15-20 йил мобайнида қудуқ тубида ётган созлар соя елвизакка ташлаб қўйилади. Тут ғўлалари-қудуқ созлари обдан қуригунга қадар, яъни 4-5 йил уларга қўл теккизилмайди.

Шунча йил сув шимган ва яна шунча йил сувдан қуриган тут кесикларини пишириш мавриди антиқа кечган. Уларни ерга кўмиб, устига тандир қурганлар. Ўтлар ёқилиб, тандир қиздирилиб, нонлар ёпилаверган — етти йил, саккиз йил, ўн йил. Тандир эскирса, ўрнига янгиси қурилган.

Бўлғуси дуторнинг тобланишини

қаранг!

Ва яна аввалги қудуқ бузилиб, яна елвизак, яна тандир...

Тандир тагидан олинган тут кесикларидан дутор қисмлари тайёрланиб болохонага ташланган — яна елвизак — тўрт йилми, беш йил...

Ана ундан кейин елимланиб, намда ҳам, шамолда ҳам, офтобда ҳам тоб ташламайдиган мусиқа асбобига айланади. Эшилган ипақдан бир жуфт тор боғланади.

Бир дутор 40 йилда дунёга келади!

Бировнинг йили ўтгунча бировнинг умри ўтади...

Дутор 40 йилда яралади!

Титроқ торлар титратмасидан томирларда қон тезлашади, куйга монанд мавжланади...

Мен бирпас жим қолдим. Хона куйга тўлиб кетгандай, уни ҳузур этиб эшитиш учун икковимиз жим ўтирдик. Маркс ака ҳам создан бохабар бўлгани, уйда жарангдор дутори, танбури ва бошқа мусиқа асбоблари борлигидан, ўзи ҳам анча-мунча ёмон ижро қилмаслигидан, икковимиз гоҳ қўшилиб қай бир куйни ижро этиб турганлигимиздан

ўй-фикримиз муштарак, дуторда, унинг ҳузурбахш оҳангларида эди.

— Ғулом Зафарий,— дея унинг хаёлларини андак бўлдим,— ўзининг рисоласида: "Туркистонда ҳар бир куйни чалмоқ учун, ўқимоқ учун вақт ва кийим белгиланадур. "Дугоҳ" эрта билан, "Баёт" туш вақтида, "Чоргоҳ" кеч чоғида, "Сегоҳ" кеча аввалинда, "Шаҳнози гулёр" тун ўртасида, "Насрулло" кеча охирида чалинур"¹,— дейди. Магарам шулар миллий созларда чалинмай, оркестрда чалинса...

— Миллий мусиқамиз — миллий созларимиз билан умри боқийдурлар!

